



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
BOШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ

АХБОРОТНОМАСИ

№3 (35) 2018

Et docere et discere servitute legis

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш ижтимоий ва сиёсий барқарорлик

Ethical rules governing the conduct of Federal prosecutors in the United States: a multi-tiered approach to enforce high standards of conduct

Воспоминания о нашем дорогом учителе: научное наследие, жизненный путь академика А.Агзамходжаева

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг принциплари



THE ACADEMY OF
THE GENERAL PROSECUTOR'S OFFICE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN





МУАССИС

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ

Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

Масъул котиб:

Гофиржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Дилшод Раҳимов

Ботир Қудратходжаев

Умар Ҳалилов

Ҳалим Болтаев

Рустам Гафуров

Ҳудойкул Азизов

Аброр Отажонов

Мирақбар Раҳмонқулов

Музаффар Мамасиддиқов

Мансурхон Камолов

Бахтиёр Пўлатов

Фаҳри Раҳимов

Сурайё Раҳмонова

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назоридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Махтумқули кўчаси, 59-уй

web-site: www.proacademy.uz

E-mail: proacademyprokuratura@uz

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

Буюртма №__ Адади:1000

Журнал «Аргументы и факты

Ўзбекистан» МЧЖ ҚҚ

босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Элбек кўчаси, 8-уй.

МУНДАРИЖА

Б.ПЎЛАТОВ

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан далил сифатида фойдаланиш тартиби

1

В.МАРЧУК

Проблемы прикладного применения принципов уголовного права в правотворческой и правоприменительной практике Республики Беларусь

6

М.РУСТАМБАЕВ

Необходимо принять Кодекс о проступках

12

М.МАМАСИДДИҚОВ

Давлат хизматлари тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари

15

М.РАХИМОВА

Некоторые аспекты государственной службы в зарубежных странах: Сравнительно-правовой анализ

19

А.МАТЧАНОВ, Я.КВИТКОВ

О необходимости совершенствования организации розыска террористов и экстремистов

26

С.НИЁЗОВА

Вояга етмаганларга нисбатан зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасига доир қонун нормаларини такомиллаштириш

31

В.КАРИМОВ

Тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари

37

Н.СОФИНОВ

Прокуратура органларида психодиагностик ишларни ташкил этиш масалалари

43

Р.ГАФУРОВ

Проблемы введения уголовной ответственности юридических лиц в Республике Узбекистан

49

М.РАДЖАПОВА

Жиноят суд процессида прокурор

52

А.ХОДЖАЕВ

Ўзбекистонда ёшлар етакчиларини шакллантириш асослари

57

Б.ХИДОЯТОВ

Айрим хорижий давлатларда порахўрлик учун жиноий жавобгарлик масалалари

61

S.KURBANOVA

Aims and objectives of teaching written translation of legal documentation to trainees of lawyers and prosecutors training courses

65

А.КОМИЛОВ

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари

68

И.АСТАНОВ

Экспертиза текшируви учун намуналар олишнинг криминалистик жиҳатлари: таҳлил ва тақлиф

72

А.ҲАМИДОВ

Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқларининг кафолатлари

79

Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси профессори

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ДАЛИЛ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

- ✦ Мақола тезкор-қидирув натижаларидан далил сифатида фойдаланишнинг қонунда белгиланган тартибларига бағишланган.
- ✦ Статья посвящена установленным законом порядкам использования в качестве доказательств результатов оперативно-розыскной деятельности.
- ✦ The article is devoted to the procedures established by law for using the results of operational search activities as evidence.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, процессуал қонунчилик, прокурор санкцияси, алоқадорлик, мақбуллик, ишончлилик, сўроқ қилиш, юзлаштириш, тинтув, хатлаш, кўздан кечириш, олиб қўйиш ва бошқалар.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, процессуальное законодательство, санкция прокурора, относимость, допустимость, достоверность, допрос, очная ставка, изъятие, обыск, опись, осмотр и др.

Key words: operational search activity, procedural legislation, sanction of the prosecutor, relevance, admissibility, authenticity, interrogation, confrontation, seizure, search, inventory, inspection etc.

Қонун талабига кўра, тезкор-қидирув фаолияти материаллари жиноят иши кўзғатиш учун асос бўлиши, жиноят иши ўз юритувида бўлган суриштирув, тергов органларига, прокурорга тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек бу материаллардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасини “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддаси шартларига риоя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилади.

Мазкур қонуннинг 20-моддаси талабига кўра, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланилаётган ёки фойдаланилган кучлар, воситалар, манбалар, усуллар, тезкор-қидирув фаолияти режалари ва натижалари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилинмайдиган ходимлари ҳамда мазкур органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар тўғрисидаги, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш такти-

каси ҳақидаги маълумотлар давлат сирини ташкил этади ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, фақат тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг қарори асосида ошкор этилиши лозим.

Тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотлар, нарсалар ва ҳужжатлардан мақбуллик белгисининг йўқлиги сабабли далил сифатида фойдаланилиши мумкин эмас, чунки улар тезкор-қидирув фаолиятига хос бўлган ноошкора, но-процессуал усулда олинган. Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фақат жиноят-процессуал қонунчилигининг далилларини тўплаш, текшириш, процессуал расмийлаштириш ва баҳо беришни тартибга солувчи нормаларини (талабларини) тўла ва аниқ бажарган ҳолдагина фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси белгиланган қоидаларга мувофиқ ижтимоий хавfli қилмишнинг юз берган — бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахнинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга молик бўлган бошқа ҳолатларни аниқлашга асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланиши учун улар: жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқлов-

чи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ва нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади; қонунда белгиланган тартибда аниқланган, тўпланган, процессуал расмийлаштирилган, жиноят-процессуал қонунчилигининг тегишли моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина мақбул деб эътироф этилади; текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади.

Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, улар жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади¹.

Демак, тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотлардан процессуал исбот қилишда далил сифатида фойдаланиш учун улар тергов йўли билан қайта текширилган бўлиши, фақат шу асосда сўроқ қилиш, тинтув ўтказиш, кўздан кечириш ва Жиноят-процессуал кодекси бошқа талабларига тўла риоя қилинган ҳолда процессуал ҳаракатлар ўтказилган ва расмийлаштирилган, ижобий натижа берган, яъни уларда кўрсатилган ҳолатлар тасдиқланган бўлиши шарт. Олинган ёки тақдим этилган нарсалар, ҳужжатлар эса қонунда белгиланган тартибда қабул қилинган, тергов йўли билан текширилган, мақбул деб эътироф этилган ва ишга қўшиб қўйилган бўлиши лозим.

Далиллар мақбулчилигининг шартлари қуйидагилар: далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши; фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши; далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши; далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт².

Шуни назарда тутиш лозимки, далилларни тўплаш пайтида йўл қўйилган қонун бузилиши сабабли номақбул деб топилган айрим далиллардан исбот қилишда тегишли процессуал ҳаракатлар белгиланган талабларга амал қилган ҳолда ўтказилгандан сўнг фойдаланиш мумкин (масалан, тергов ёки суд ҳаракати ўтказиш баённомаларида айрим маълумотлар ёки бандларнинг йўқлиги, башарти бу камчиликларни ҳолислар, ушбу ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларини, зарур ҳолларда эса, терговчини сўроқ қилиш орқали бартараф қилиш имконияти бўлса)³.

Тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланишнинг процессуал нормалар асосида расмийлаштирилиши қуйидаги тартибда амалга оширилиши лозим:

1.Тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган жиноятни очиш ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятга молик маълумотлар, шу тадбирларни амалга оширган орган раҳбарияти томонидан тегишли суриштирув ёки тергов органига, Жиноят-процессуал кодексининг 39-2, 343 ва 381-4-моддалари тартибида суриштирувчининг ёки терговчининг топшириғига мувофиқ ўтказилган ҳаракатлар натижасида олинган ва тўпланган маълумотлар эса — бевосита терговчига ёки прокурорга ёзма равишда (хабарнома, ахборот ёки хизмат хати шаклида) маълум қилинади.

Мазкур ҳужжат рўйхатга олиниши шарт ва унда иш учун аҳамиятли барча маълумотлар, уларни тасдиқловчи шахслар, ашёвий далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатлар, уларнинг сақланилаётган жойи, шунингдек, ишга алоқадор бошқа маълумотлар кўрсатилиши лозим. Расмий равишда тақдим этилган хабарнома (ахборот, хизмат хати) бўйича жиноят иши кўзғатилган бўлса — тегишли тергов ҳаракатларини, агар жиноят иши кўзғатилмаган бўлса — Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси назарда тутган қоидалар асосида, тегишли текшириш ўтказилиши ва фақат ижобий натижалар бўлган ҳолда, (хабарнома, хизмат хатидаги маълумотлар тасдиқланган ҳолда) далил сифатида жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига мувофиқ расмийлаштириш ва фойдаланиш учун асос бўлади.

2.Тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш учун уларни суриштирув, тергов йўли билан процессуал текшириш Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида назарда тутилган: гумон қилинувчини, айбланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; олиб қўйиш, тинтув; кўздан кечириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш тарзидаги тергов ҳаракатларини юритиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳимоячи ҳам жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим.

Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа

хужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкин⁴. Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шарт⁵.

Қайд қилинган суриштирув, тергов ҳаракатларини ўтказиш ва расмийлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Сўроқ қилиш. Сўроқ қилиш тарзидаги тергов ҳаракати Жиноят-процессуал кодексининг 10-бобида белгиланган сўроқ қилишнинг умумий қоидалари асосида ўтказилиши шарт. Суриштирувчи, терговчи сўроқ қилиш олдидан сўроқ қилинувчидан унинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти (йили, ойи, куни) ва туғилган жойини, яшаш жойи ва иш жойини, мансаби, машғулоти тури, маълумоти, оилавий аҳволини, судланганлиги ёки судланмаганлигини аниқлаши ҳамда бу маълумотларни унинг шахсий ҳужжатларидаги маълумотлар билан солиштириб кўриши ёхуд сўроқ қилинувчи ўзини ким деб таништирган бўлса, айнан ўша шахс эканлигига бошқа йўллар билан ишонч ҳосил қилиши лозим.

Сўроқ қилинувчининг шахси аниқлангандан кейин унга ЖПКда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари тушунтирилиши керак. Жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган қоидаларга кўра сўроқ қилинувчига ишнинг унга маълум бўлган ҳолатлари тўғрисида эркин сўзлаб бериш таклиф қилиниши лозим. Сўроқ қилинувчи эркин сўзлаб берганидан кейин унинг кўрсатувларини тўлдириш ва аниқлашга қаратилган саволлар берилиши мумкин. Ишора қилувчи саволлар бериш тақиқланади.

Суриштирув ва дастлабки тергов босқичида сўроқ жараёни ва натижалари сўроқ баённомасида қайд қилинади. Сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда, овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкин. Сўроқ қилинувчи баённомани ўқиб бўлгач, кўрсатувлари тўғри ёзилганлиги ва у билан танишганлигини имзо чекиб тасдиқлайди. Имзо баённоманинг охирига қўйилади, башарти кўрсатувлар бир неча саҳифада ёзилган бўлса, ҳар қайси саҳифага алоҳида имзо чекилиши шарт.

Сўроқ қилишда таржимон қатнашаётган бўлса, у сўроқ қилинаётган шахснинг баённомадаги кўрсатувини унга оғзаки таржима қилади, сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатувларини эса ёзма равишда таржима қилади. Таржимон кўрсатувлари ёзилган баённоманинг охирига ва ҳар бир саҳифасига алоҳида, шунингдек, сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатувларининг таржимасига имзо чекади.

Фақат шу тартибда, ЖПКнинг 106-моддасида

белгиланган қоида асосида расмийлаштирилган сўроқ баённомаси далил сифатида фойдаланилиши мумкин.

б) Юзлаштириш — илгари сўроқ қилинган шахслар кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда бу қарама-қаршиликларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказиладиган тергов ҳаракати. Юзлаштириш ЖПКнинг 123-моддаси белгиланган тартибда ўтказилиши, 96-108-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиниши ва расмийлаштирилиши лозим.

в) Кўздан кечириш — ЖПКнинг 135-моддасига мувофиқ жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчининг ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиришга қаратилган тергов ҳаракати.

Кўздан кечириш шаклидаги тергов ҳаракатининг кўздан кечириш предметиға қараб турлари, уларни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари, расмийлаштириш тартиби мавжуд. Уларнинг асослари ҳам ҳар хил.

Одам баданини кўздан кечириш — гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш ЖПКнинг 142-147, 172-187-моддаларида белгиланган қоидаларга асосланган ҳолда; почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ЖПКнинг 167-моддаси назарда тутган тартибда ўтказилади; нарсаларни олиб кўйиш ва тинтув ўтказиш чоғида топилган нарса ва ҳужжатлар шу тергов ҳаракатларини ўтказиш учун белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирилиши лозим.

Кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари ЖПКнинг 136-моддасида белгиланган. Кўздан кечириш шаклидаги тергов ҳаракати баённомаси далил ҳисобланади, унинг асосий шarti — баённоманинг ЖПКнинг 141-моддаси назарда тутган қоидаларга тўла риоя қилинган ҳолда тузилган бўлиши.

Давлат сирларини ошкор қилмаслик, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини чеклаш билан боғлиқ кўздан кечириш шаклидаги тергов ҳаракатлари ЖПКнинг 89, 139 ва 148-моддалари асосида, 160-161-моддаларида белгиланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда ўтказилади, уларнинг асосли ва қонуний бўлишини таъминлаш мақсадида, прокурор санкцияси талаб қилинади.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан далил сифатида фойдаланиш учун ўтказиладиган кўздан кечириш тарзидаги тергов ҳаракатларидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ЖПКнинг 137-моддасида; теварак-атрофни кўздан кечириш ЖПКнинг 139-моддасида; нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш ЖПКнинг 140-моддаси-

да белгиланган қоидалар асосида ўтказилиши ва ушбу кодекснинг 141-моддаси назарда тутилган қоидаларга тўла риоя қилган ҳолда расмийлаштирилиши лозим.

г) Олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш. Тезкор-қидирув фаолияти натижалари асосида тақдим қилинган маълумотлар (хабарнома)да жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан қандайдиган ва қерда эканлиги аниқ кўрсатилган бўлиб, уларни қидиришнинг ҳожати бўлмаса, суриштирувчи, терговчи уларни олиб қўйишни таъминлаши лозим.

Тинтув суриштирувчи ёки терговчининг қарорига кўра ўтказилади. Тинтув ўтказиш учун прокурор санкцияси зарур. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолда тинтув прокурорнинг санкциясиз ўтказилиши мумкин, лекин бундай ҳолда кейинчалик шу ўтказилган тинтув ҳақида йигирма тўрт соат ичида прокурорга хабар қилиниши шарт. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар суриштирувчи ёки терговчининг прокурорга юборган хабарномасида асослангирилиши лозим. Хабарноманинг нусхаси ишга ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

Прокурор розилигисиз ўтказилган тинтув тадбирининг асослилиги зудлик билан ўрганилиши, ушбу тергов ҳаракатини заруратсиз ва қонунга хилоф тарзда ўтказиш, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйишнинг ҳар бир ҳолати юзасидан текширув ўтказилиб, қонуний баҳо берилиши лозим⁶.

Олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш тартиби ЖПКнинг 161-моддасида белгилаб берилган, унга тўла риоя қилиш, белгиланган қоидаларни тўла бажариш мажбурий бўлиб, ундан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади. Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилганлиги тўғрисида ЖПКнинг 90-92, 163-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда баённома тузилади.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси фақат ЖПКнинг 224-моддасига асосан шахсни ушлаган тақдирда, унда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, уни шахсий тинтув қилишни ва олиб қўйишни амалга оширишга ҳам ҳақлидир. Бунда шахсий тинтув ва олиб қўйиш баённомаси ЖПКнинг 163-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда тузилади⁷. Дипломатия ваколатхоналаридан олиб қўйиш ва уларда тинтув ўтказиш ЖПКнинг 165-моддаси белгиланган қоидалар асосида ўтказилиши лозим.

Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланилган ҳолда қайд этилиши шарт⁸.

д) Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш, кўздан кечириш ва олиб қўйиш — барча почта-телеграф жўнатмаларини ёки уларнинг айримларини хатлаб қўйиш — тезкор-қидирув фаолияти натижалари асосида юборилган хабарномада гумон қилинувчи, айбланувчи ёхуд бошқа шахслар гумон қилинувчига, айбланувчига, шу жиноятга алоқадор судланувчига юборилган почта-телеграф жўнатмаларида содир этилган жиноятга доир масалалар ёки иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар ва буюмлар бор деб гумон қилиш учун етарли асослар бўлганда суриштирувчи, терговчи томонидан ўтказиладиган тергов ҳаракати. Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш суриштирувчи ва терговчининг прокурорнинг санкцияси олинган қарори асосида ўтказилиши мумкин.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш — ЖПКнинг 166-моддаси, почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ва олиб қўйиш эса ЖПКнинг 167-моддаси талабларига мувофиқ ўтказилиши шарт. Мазкур тергов ҳаракатларининг ўтказилиш жараёни ва натижалари ушбу кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган талабларига риоя этилган ҳолда тузилган баённомада кўрсатилиши лозим.

Ушланган жўнатмалар кўздан кечирилган ҳар бир ҳолатда баённома тузилиб, унда қайси почта-телеграф жўнатмалари кўздан кечирилганлиги, нималар олинганлиги ва нималар эгаларига юборилиши, нималар эса вақтинча ушлаб қолиниши кераклиги, қайси жўнатмаларидан нусхалар олинганлиги кўрсатилиши лозим. Баённома ЖПКнинг 90-92-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда тузилади.

е) Сўзлашувларни эшитиб туриш. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш суриштирувчи, терговчининг прокурор санкциясини олиб чиқарган қарорига биноан ёки суд ажримига кўра амалга оширилади.

Жабрланувчига, гувоҳга, шунингдек, уларнинг қариндошлари ва яқинларига нисбатан қуч ишлатиш, товламачилик ёки бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этиш хавфи мавжуд бўлса, бу шахсларнинг аризалари бўйича ёки уларнинг ёзма розилиги ва прокурорнинг санкцияси билан ёхуд суднинг ажримига кўра уларнинг телефон ёки бошқа сўзлашув қурилмалари орқали бўладиган сўзлашувларини эшитиб туриш амалга оширилиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, прокурорни кейинчалик дарҳол ёзма равишда хабардор этиш шarti билан, унинг санкциясиз сўзлашувларни эшитиш тўғрисидаги қарорни Давлат хавфсизлик хизмати органларига юборишга ҳақлидир. Прокурорнинг санкциясиз

сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисидаги қарор бир сутка давомда қонуний кучга эга бўлади. Сўзлашувларни эшитиб туриш олти ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш чоғида овоз ёзиш мосламалари қўлланилиши лозим. Сўзлашув фонограммаси акс эттирилган магнит тасмаси тергов ҳаракати баённомасига кўшиб қўйилиши лозим⁹. Эшитиб туриш ва овоз ёзиш баённомасида абонент рақами, эшитиб туриш ва овоз ёзиш вақти ва жойи, фойдаланилган техникавий воситалар тури ва модели, бу ишларни амалга оширган шахсларга оид маълумотлар ҳамда иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин деб ҳисобланган бошқа маълумотлар акс эттирилади¹⁰.

Тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотларни процессуал исботлашда далил сифатида фойдаланиш учун юқорида қайд этилганларидан ташқари, ЖПКда назарда тутилган бошқа тергов ҳаракатларини ҳам ўтказиш мумкин, жумладан, экспертиза (ЖПКнинг 172-184-моддалари белгилаган тартибда); экспертиза текшируви учун намуналар олиш (ЖПКнинг 188-197-моддалари белгилаган тартибда); нарсалар ва ҳужжатларни қабул қилиш (ЖПКнинг 199, 201 ва 202-моддалари белгилаган тартибда); ашёвий ва

ёзма далилларни олиш (ЖПКнинг 205-207-моддалари белгилаган тартибда).

Тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотлар процессуал исботлашда далил сифатида фойдаланилиши учун улар: тергов ҳаракатларини ўтказиш йўли билан қайта текширилган ва ижобий натижа келтирган, яъни тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотларда кўрсатилган ҳолатлар — фактлар тасдиқланган бўлиши шарт; ўтказилган тергов ҳаракатлари жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига тўла жавоб бериши, шунингдек улар ЖПКнинг 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ расмийлаштирилган бўлиши лозим; аниқланган ҳолатлар тергов юргизилаётган ишга алоқадор, мақбул ва ишончли бўлиши шарт.

Фақат мазкур шартларнинг бажарилиши — тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотларни далил сифатида фойдаланиш учун асос бўлади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруғида жиноятлар юзасидан тергов ҳаракатларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашнинг қонунда белгиланган тартибига қатъий риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилган¹¹.



¹ ЖПКнинг 95-моддаси.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 12-сонли (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги 11-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 2-банди.

³ Шу ерда, 4-банд.

⁴ “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чоратadbирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2018 йил 4 апрель, ЎРҚ-470. ЖКнинг 87-моддасининг 2-қисми.

⁵ Шу ерда, ЖКнинг 91-моддаси 4-қисми.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида”ги 2017 йил 22 февралдаги 129-сонли буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 20.12.2017 йилдаги 179-сонли буйруғи таҳририда).

⁷ Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, 2017 йил 6 сентябрь, ЎРҚ-442-сон. ЖПКнинг 162-моддаси, 2-қисми.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, 2018 йил 4 апрель, ЎРҚ-470. ЖКнинг 91-моддаси 4-қисми.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 170-моддаси.

¹⁰ Шу ерда 171-моддаси.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида”ги 2017 йил 22 февралдаги 129-сонли буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 20.12.2017 йилдаги 179-сонли буйруғи таҳририда).

В. В. МАРЧУК,
 директор государственного учреждения «Научно-практический центр проблем
 укрепления законности и правопорядка Генеральной прокуратуры
 Республики Беларусь», кандидат юридических наук, доцент

ПРОБЛЕМЫ ПРИКЛАДНОГО ПРИМЕНЕНИЯ ПРИНЦИПОВ УГОЛОВНОГО ПРАВА В ПРАВОТВОРЧЕСКОЙ И ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКЕ РЕСПУБЛИКИ БЕЛАРУСЬ

◆ В предлагаемой статье автор рассматривает вопросы практической реализации принципов уголовного права в правотворческой и правоприменительной практике Республики Беларусь. На основании отдельных результатов криминологической экспертизы в статье показаны варианты криминогенных рисков, которые были порождены несоблюдением нормотворческими органами принципов уголовного права при конструировании уголовно-правовых норм. Проблематика реализации уголовно-правовых принципов показана и в рамках правоприменительной практики.

◆ In the proposed article, the author considers issues of practical implementation of the principles of criminal law in the law-making and law-enforcement practice of the Republic of Belarus. On the basis of separate results of criminological expertise, the article shows the variants of criminological risks, which were generated by non-compliance of the law-making bodies of the principles of criminal law in the construction of criminal law norms. The problem of the implementation of criminal law principles is also shown in the law enforcement practice.

Принципы уголовного права нашли свое законодательное закрепление в ст.3 Уголовного кодекса Республики Беларусь (далее — УК), в которой они называются «принципами уголовного закона и уголовной ответственности». Часть 1 ст.3 УК определяет: «Уголовная ответственность в Республике Беларусь основывается на принципах законности, равенства граждан перед законом, неотвратимости ответственности, личной виновной ответственности, справедливости и гуманизма». Относительно понятия и содержания рассматриваемых принципов уже имеется весьма обширная литература [1–15 и др.]. Вместе с тем в контексте непосредственного действия этих принципов, их реализации возникает достаточно много вопросов.

Следует заметить, что относительно направленности реализации всех принципов либо отдельно взятого принципа уголовного права в доктрине уже давно отмечается, что они адресо-

ваны не только правоприменителю, но и законодателю [4, с.11;8, с.134–135; 15, с.96]. Однако результаты правотворческого процесса показывают, что как законодатель, так и разработчики соответствующих законопроектов при конструировании уголовно-правовых норм достаточно часто не соблюдают требования принципов уголовного права. Специалистам государственного учреждения «Научно-практический центр проблем укрепления законности и правопорядка Генеральной прокуратуры Республики Беларусь» приходится иногда сталкиваться с этим явлением при проведении криминологических экспертиз соответствующих законопроектов.¹ Так, при проведении криминологической экспертизы проекта Закона Республики Беларусь «О внесении дополнений и изменений в Уголовный и Уголовно-процессуальный кодексы Республики Беларусь», исследуя положения законопроекта о корректировках ст.228 УК (контрабанда), касающихся вопро-

сов привлечения к ответственности за незаконное перемещение через таможенную границу Евразийского экономического союза или государственную границу Республики Беларусь, нами было установлено несоответствие видов и размера наказаний характеру и степени общественной опасности соответствующих преступных деяний. Данное несоответствие выразалось в том, что в санкциях частей 1 и 2 ст.228 УК не были четко дифференцированы сроки наказания для простого и квалифицированного составов контрабанды. Санкция части 1 ст.228 УК предлагаемого законопроекта за незаконное перемещение через таможенную границу Евразийского экономического союза в крупном размере товаров, запрещенных или ограниченных к такому перемещению, предусматривала наказания в виде штрафа, или ограничения свободы на срок до пяти лет, или лишения свободы на тот же срок. Однако практически идентичная санкция была предусмотрена и в ч.2 ст.228 УК, которая устанавливала ответственность за незаконное перемещение через таможенную границу Евразийского экономического союза в крупном размере наличных денежных средств и (или) денежных инструментов. Таким образом, предложенная конструкция санкций в ч.1 и ч.2 ст.228 УК, порождала возможность (при прочих равных условиях) назначения судом за квалифицированный состав контрабанды более мягкого наказания, чем за контрабанду, совершенную в рамках ч.1 ст. 228 УК. Подобный недостаток в дифференциации ответственности вступал в противоречие с принципом справедливости, суть которого закреплена в ч.6 ст.3 УК: «Наказание и иные меры уголовной ответственности должны быть справедливыми, то есть *устанавливаться (курс. авт.)* и назначаться с учетом характера и степени общественной опасности преступления, обстоятельств его совершения и личности виновного. Никто не может нести уголовную ответственность дважды за одно и то же преступление».

Кроме того, в ч.1 ст.348 УК рассматриваемого законопроекта в качестве обязательного элемента субъективной стороны простого состава незаконных действий с органами и (или) тканями умершего донора был закреплён признак, указывающий на наличие мотива в виде «корыстной или иной личной заинтересованности». Таким образом, конструктивным признаком состава преступления, подчеркивающим умышленный характер действий, предусмотренных статьей 348 УК, стало наличие у виновного лица специального мотива. Предлагаемое нововведение с позиции принципа личной и виновной ответственности (субъективного вменения) означало, что при ква-

лификации рассматриваемых деяний и установлении содержания субъективной стороны состава в обязательном порядке нужно было бы доказывать наличие корыстной или иной личной заинтересованности. Вместе с тем специфический предмет данного посягательства (органы или ткани умершего донора) предопределяет, что действия, предусмотренные ст.348 УК в предлагаемой редакции законопроекта, не могут быть совершенны по неосторожности. С позиции принципа субъективного вменения (ч.5 ст.3 УК), который адресован, в том числе и нормотворческим органам, дополнительное указание на мотивы совершения преступления в данном случае было избыточным и не имело надлежащего уголовно-правового значения.

Еще пример. В поступившем на криминологическую экспертизу в апреле 2018 г. проекте Закона Республики Беларусь «Об изменении некоторых кодексов Республики Беларусь» предлагалось исключить ст.242 УК, устанавливающую ответственность за уклонение индивидуального предпринимателя или должностного лица юридического лица от погашения в крупном размере кредиторской задолженности по вступившему в законную силу судебному постановлению. Одновременно указанным законопроектом вносились коррективы в ст.423 УК, которая предусматривает ответственность за неисполнение должностным лицом вступившего в законную силу приговора, решения или иного судебного акта либо воспрепятствования их исполнению. В предлагаемой редакции ст.423 УК после слов «иного судебного акта» предлагалось сделать оговорку «за исключением судебного постановления о взыскании кредиторской задолженности». Подобные коррективы в системе действующего законодательства Республики Беларусь приводили к тому, что уклонение от уплаты кредиторской задолженности влекло бы только административную ответственность. Таким образом, предложенные изменения в УК вступали в противоречие с принципом равенства всех перед уголовным законом (ч.3 ст.3 УК) и подрывали авторитет судебной власти. Следует понимать, что ст.423 УК направлена на защиту добросовестных граждан, в том числе и кредиторов. Нарушение принципа равенства всех перед законом в данном случае могло стимулировать возникновение криминогенно опасного поведения, в том числе активизации деятельности по выбиванию долгов преступным путем.

Практика проведения криминологических экспертиз свидетельствует и о нарушении принципа законности — базового принципа уголовного права. Так в поступившем в мае 2018 г. на кримино-

логическую экспертизу проекте Закона Республики Беларусь «Об изменении Уголовного, Уголовно-процессуального и Уголовно-исполнительного кодексов Республики Беларусь» корректировались условия освобождения от уголовной ответственности в связи с добровольными возмещением причиненного ущерба (вреда), уплатой дохода, полученного преступным путем (ст.88-1 УК). В частности, в качестве одного из условий освобождения предусматривалось введение уголовно-правовой компенсации.² Вместе с тем п.1 ст.1 законопроекта предусматривалось, что основания применения уголовно-правовой компенсации могут быть определены «иными законодательными актами». Подобная ссылка необоснованно расширяла основания применения уголовно-правовой компенсации как одной из мер уголовно-правового воздействия, допуская определение их в иных нормах права. Между тем в ч.2 ст.3 УК, раскрывающей содержание принципа законности, в частности определено, что преступность деяния, его наказуемость и *иные уголовно-правовые последствия* определяются только УК. Кроме того, предлагаемая норма прямо противоречила ст.1 УК, согласно которой основания и условия уголовной ответственности, наказания и иные меры ответственности могут быть определены исключительно Уголовным кодексом. Таким образом, закрепление предлагаемых дополнений в уголовный закон создавало условия применения иных мер уголовно-правового воздействия на основаниях, предусмотренных законодательными актами не уголовно-правового характера, что противоречило принципу законности.

В последнее время некоторыми ведомствами лоббируется вопрос о необходимости исключения из УК ст.415–419 УК, в которых предусмотрена ответственность за уклонение от отбывания определенных видов наказания.³ Более того, эта идея уже нашла отражение в готовящемся законопроекте о внесении очередных изменений в УК. В качестве обоснования приводится два прагматичных, но весьма странных с точки зрения научности аргумента: декриминализация уклонения от отбывания соответствующих видов наказания существенно снизит статистику рецидива и ликвидирует трудности с доказыванием фактов уклонения. При этом предлагается в нормах Общей части УК ввести замену наказания более строгим в случае злостного уклонения от отбывания наказания, назначенного по обвинительному приговору.

Необходимо отметить, что существовавший в советский период подход механической замены наказания на более строгое в случае злостного

уклонения от отбывания наказания, назначенного по обвинительному приговору, был признан многими авторитетными исследователями (И.А.Бушуев, И.М.Гальперин, Х.И.Гаджиев, С.И.Зельдов, И.Д.Перлов, И.А.Тарханов, А.С.Михлин, А.Е.Наташева, А.Л.Ременсон, Ю.М.Ткачевский, М.Н.Тагиев и др.) несостоятельным и бесперспективным. В современной российской научной литературе указанный подход также подвергнут критике [16, 17].⁴ Возврат к советской системе реанимирует совокупность уголовно-правовых и уголовно-процессуальных проблем, существенно затрагивающих как интересы граждан, так и интересы правосудия в целом.

При механической замене наказания в рамках вынесенного приговора возникнет противоречие со многими принципами уголовного права, прежде всего, принципом законности. Возникает вопрос: будет ли соответствовать принципу законности применение наказания за деяние, которое не признается преступлением, к тому же более строгого, чем то, которое было назначено судом в обвинительном приговоре? Декриминализация уклонения от отбывания наказания требует объяснения юридической природы ужесточения уголовной ответственности. Если не считать уклонение от отбывания наказания преступлением, то уголовное наказание будет применяться фактически за дисциплинарный проступок.

Кроме того, замена наказания более строгим не предусмотрена санкцией статьи УК, по которой лицо было осуждено. Новое наказание не вытекает из правовой оценки, уже данной совершенному преступлению в обвинительном приговоре. Замена в рамках одного обвинительного приговора наказания, например, ограничения свободы лишением свободы, противоречит смыслу части 1 статьи 48 УК о том, что за преступление может быть назначено только одно основное наказание. Будет возникать противоречие с положениями статьи 62 УК, согласно которой суд назначает наказание в пределах, установленных статьей Особенной части УК, предусматривающей ответственность за совершенное преступление.

С позиции обеспечения принципа законности будут возникать и иные проблемы уголовно-правового характера: о назначении наказания по совокупности приговоров в случае совершения нового преступления (какое наказание следует считать неотбытым по ранее вынесенному приговору, в рамках которого произошла замена?); об исчислении сроков давности исполнения обвинительного приговора, которые согласно статье 84 УК привязаны к определенным видам на-

казаний; о виде исправительного учреждения и условий режима отбывания лишения свободы, подлежащих применению, если в процессе отбывания лишения свободы, примененного в порядке замены за уклонение, лицо совершит новое преступление, за которое нужно назначать лишение свободы и т.д.

Замена одного наказания другим в рамках одного обвинительного приговора будет нарушать принцип справедливости (ч.6 ст.3 УК), поскольку по одному обвинительному приговору лицо будет нести ответственность дважды.

Предлагаемый подход будет противоречить и принципу гуманизма, а также положениям Общей части УК о том, что суд не может превышать максимального предела санкции статьи УК, по которой лицо было осуждено. Например, если лицо будет уклоняться от отбывания исправительных работ, назначенных ему по факту нарушения авторского права (ч.1 ст.201 УК), то почему ему за злостное уклонение от отбывания назначенного наказания должен применяться арест или ограничение свободы, если максимальный предел санкции по ч.1 ст.201 УК ограничен наказанием в виде исправительных работ?

Предлагаемая замена наказания вступит в противоречие и с принципами уголовного процесса: презумпцией невиновности, в соответствии с которой лицо, обвиняемое в совершении преступления, считается невиновным, пока его виновность в совершении преступления не будет доказана в предусмотренном УПК порядке и не будет установлена вступившим в законную силу приговором суда (ч.1 ст.16 УПК); всестороннего, полного и объективного исследования обстоятельств уголовного дела, устанавливающим, что орган уголовного преследования обязан принять все предусмотренные законом меры по всестороннему, полному и объективному исследованию обстоятельств уголовного дела, собрать доказательства, как уличающие, так и оправдывающие обвиняемого, установить обстоятельства, имеющие значение для правильного разрешения дела, защиты прав и законных интересов участвующих в уголовном деле лиц, а суд, сохраняя объективность и беспристрастность, обеспечивает сторонам обвинения и защиты необходимые условия для реализации их прав; решение о виновности либо невиновности обвиняемого суд выносит лишь на основе достоверных доказательств, подвергнутых всестороннему, полному и объективному исследованию и оценке (чч.1 и 2 ст.18 УПК); осуществления правосудия на основе состязательности и равенства сторон, предусматривающим, что правосудие осуществляется на основе состязательности и равенства сторон обвинения и

защиты; обязанность доказывания в судебном разбирательстве предъявленного лицу обвинения возлагается на сторону обвинения; стороны в судебном разбирательстве пользуются равными правами по представлению и исследованию доказательств, заявлению ходатайств, высказыванию мнения по любому вопросу, имеющему значение по уголовному делу, участию в судебных прениях (чч.1, 2 и 4 ст.24 УПК).

Замена наказания будет осуществляться опережением суда, что повлечет существенные проблемы с обеспечением права осужденного на защиту. В случае реализации идеи о механической замене наказания более строгим, факты применения необоснованной замены наказания окажутся вне сферы процессуального контроля обеспечения прав граждан.

Необходимо также отметить, что при реализации рассматриваемого предложения будет нарушаться важнейшее процессуальное положение о недопустимости ужесточения наказания, вид и размер которого установлен судом первой инстанции. Исключение из данного общего правила предусмотрено в ч.3 ст.387 УПК, в соответствии с которой суд апелляционной инстанции вправе изменить обвинительный приговор в связи с применением закона о более тяжком преступлении либо назначением более строгого наказания, а равно и по другим основаниям, ухудшающим положение обвиняемого, лишь в случаях, когда по этим основаниям подана апелляционная жалоба потерпевшим, частным обвинителем или их представителями либо принесен апелляционный протест прокурором.

В целом механическая замена будет очевидным свидетельством ужесточения ответственности за счет нарушения права осужденного на защиту: в условиях замены не предъявляется обвинение, отсутствуют право на апелляцию, гарантии, обусловленные состязательным процессом, и т.д.

Приговор суда в части наказания является регулятором процесса реализации наказания. Если определением суда заменяется наказание, то приговор утрачивает свое главное регулирующее значение — не воздействует на процесс реализации наказания.

Замена неотбытой части наказания вместо предупредительного эффекта вызовет обратную реакцию, будет провоцировать девиантное поведение соответствующих лиц, например, лиц, осужденных к лишению права управлять транспортным средством на несколько лет. Для того, чтобы вернуть это право, им будет выгодно отбыть три месяца ареста или год исправительных работ. Руководствуясь такой мотивацией, лицо

будет демонстрировать уклонение от отбывания наказания, назначенного приговором.

Между тем установленная в УК система мер уголовно-правового воздействия за уклонение от отбывания наказания предполагает назначение наказания по правилам статьи 73 УК (назначение наказания по совокупности приговоров), что создает основания для обеспечения принципа неотвратимости уголовной ответственности и реализации целей как специальной, так и общей превенции.

Несоблюдение принципов уголовного права при конструировании уголовно-правовых норм закономерно влекут проблемы и в правоприменительной практике. Иногда такого рода правовые конструкции порождают даже противоречия между принципами уголовного права в процессе применения уголовно-правовых норм, в частности, при квалификации соответствующих преступлений. Например, ст.418 УК предусматривает уголовную ответственность за «уклонение осужденного от наказания в виде штрафа, назначенного приговором суда, при возможности его уплатить». Законодательная оговорка в диспозиции нормы о штрафе, назначенном «приговором суда», порождает вопрос о квалификации уклонения осужденного от уплаты штрафа, примененного не на основании обвинительного приговора, а по определению суда в порядке замены неотбытой части наказания более мягким наказанием. Например, согласно ч.6 ст.52 УК в случае возникновения в период отбывания лицом исправительных работ обстоятельств, предусмотренных ч.3 этой статьи⁵, суд

по представлению органа, на который возложено исполнение приговора, освобождает лицо от дальнейшего отбывания наказания или *заменяет неотбытую часть наказания на более мягкое наказание*. Исходя из смысла ст.418 УК неплата штрафа лицами, которым штраф был назначен по определению (постановлению) суда в порядке замены неотбытой части наказания более мягким наказанием не будет образовывать основания уголовной ответственности, что формально соответствует требованиям принципа законности. Согласно ч.2 ст.3 УК «Нормы Кодекса подлежат строгому толкованию». Однако в таких случаях нарушается принцип равенства всех перед уголовным законом, поскольку применение ст.418 УК зависит, в частности от того, каким видом судебного акта был назначен штраф. Снять указанное противоречие между принципами уголовного права можно только путем внесения соответствующих изменений в уголовный закон, хотя, при более внимательном отношении эта проблема могла быть решена изначально при конструировании данной уголовно-правовой нормы.

Следует заметить, что в практике достаточно часто возникает проблема с реализацией принципа субъективного вменения. Например, практика прокурорского надзора показала, что в Республике Беларусь в последнее время по разному решается вопрос о квалификации похищения мобильных телефонов, стоимость которых составляет свыше двух, но не более десяти базовых величин, находившегося у потерпевшего по договору финансовой аренды, т.е. когда право собс-

¹ В соответствии с Указом Президента Республики Беларусь от 29 мая 2007 г. № 244 «О криминалистической экспертизе», в Республике Беларусь криминалистическую экспертизу уполномочено проводить государственное учреждение «Научно-практический центр проблем укрепления законности и правопорядка Генеральной прокуратуры Республики Беларусь».

² В Республике Беларусь согласно ч. 16 ст. 4 УК под уголовно-правовой компенсацией понимается мера материального характера, которую лицо, совершившее преступление, согласно принять и обязано исполнить в качестве одного из условий освобождения от уголовной ответственности либо обязано исполнить при применении иных мер уголовной ответственности. Уголовно-правовая компенсация является формой заглаживания вины перед обществом, призвана содействовать исправлению лица, совершившего преступление, восстановлению социальной справедливости и применяется только в случаях, предусмотренных уголовным законом.

³ В главе 34 «Преступления против правосудия» действующего УК реализована важная концептуальная идея о необходимости уголовного-правового обеспечения исполнения назначенного приговором суда наказания. Злостное уклонение от отбывания практически любого вида наказания, назначенного в приговоре, влечет уголовную ответственность: побег из исправительного учреждения, исполняющего наказание в виде лишения свободы, арестного дома или из-под стражи (ст. 413), уклонение от отбывания наказания в виде лишения свободы или ареста (ст. 414), уклонение от отбывания наказания в виде ограничения свободы (ст. 415), уклонение от отбывания наказания в виде исправительных работ (ст. 416), неисполнение приговора суда о лишении права занимать определенные должности или заниматься определенной деятельностью (ст. 417), уклонение от уплаты штрафа (ст. 418), уклонение от отбывания наказания в виде общественных работ (ст. 419), воспрепятствование исполнению наказания в виде конфискации имущества (ст. 420).

⁴ Уклонение от отбывания соответствующего вида наказания является самостоятельным преступлением в УК многих государств. Например, в УК Украины установлена ответственность за уклонение от наказа-

Шунингдек, профилактиканинг барча субъектлари фаолиятини баҳолаш мезонлари, одатда, улар фаолият кўрсатувчи шахс ижтимоийлашуви-

нинг маълум босқичи билан чегараланади.

Бунинг устига, вояга етмаганлар, айниқса, қизлар махсус ўқув-тарбия муассасаларига ёки колонияларга тушиб қолгач, баъзан ижобий ижтимоий фаолият кўникмаларини орттириш зарурлигини идрок этиш лаёқатини йўқотиб қўймоқда. Бу муаммонинг илдизларини, бизнингча, тизим субъектлари ўз фаолиятининг якуний натижаларидан манфаатдор эмаслигидан қидириш керак², деб таъкидлайди Қ.Р.Абдурасулова.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёш болалик даврида зўравонликлардан жабрланиш ва зўравонликка дуч келиш ҳолатлари жиноятчи бўлиш эҳтимолини келтириб чиқаради. Бу, ўз навбатида, болаларга нисбатан зўравонлик қилиш ҳолатларини иложи борида дастлабки вақтларида аниқлаш ва улар виктимлигининг олдини олишнинг аҳамиятини оширади. Ушбу эҳтимол жинсий алоқа ва зўравонликнинг бошқа кўринишлари ҳам мавжуд бўлганида янада мураккаблашади³. Уй шароитидаги доимий зўравонликнинг кўлами рўйхатлар ва маълумот базалари мунтазам равишда янгиланиб турилувчи бир неча мамлакатлардагина, жумладан, Буюк Британия ва АҚШда болаларни ҳимоя қилиш расмий агентликларига хабар қилинган болага нисбатан зўравонлик қўлланилиши ҳолатларининг кейинги 1-4 йил ичида такрорланиш нисбати 5-24 фоизга тенг эканлиги аниқланган⁴. Бир бола масаласи бўйича камида икки марта шикоят тушган ҳолатларда бу эҳтимол сезиларли даражада ортар экан.

Болага нисбатан оилада зўравонлик қўлланилиши бошқа муҳитлардаги зўравонликлар ортиб бориш хатари билан боғлиқ бўлиб, Буюк Британияда ўтказилган тадқиқотда аниқланишича, хондонда зўравонликнинг гувоҳи бўлган болаларнинг ўзлари безориликдан жабр кўришлари эҳтимоли юқори бўлар экан⁵. Италияда бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган тадқиқотда аниқланишича, мактабда безориликнинг жабрланувчиси бўлиш ўз уйида ота-оналар томонидан зўравонликка гувоҳ бўлиш билан узвий боғлиқ экан. Бу айниқса, қиз болаларда кўпроқ учраши аниқланган⁶.

Бизда ҳам виктимологик профилактика юзасидан бир қанча чоралар олиб борилиб, буни биз шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этилаётган жиноятлардан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларида кўрамиз.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 сентябрдаги 419-сонли «Республика болалар ижтимоий мослашув марказини ташкил этиш тўғрисида»⁷ги, 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сонли «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»⁸

ги, 2010 йил 26 ноябрдаги 269-сонли «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»⁹ги, 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сонли «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»¹⁰ги, 2011 йил 14 октябрдаги 280-сонли «Болаларни тарбиялашни такомиллаштиришга, соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»¹¹ги, 2012 йил 28 июндаги 185-сонли «Республика болалар ижтимоий мослашув маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»¹²ги, 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»¹³ги, 2014 йил 20 январдаги 11-сонли «Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг ҳимояга муҳтож болаларни ижтимоий муҳофаза қилишни мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш бўйича Жамоатчилик кенгаши ҳамда Илмий-методик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»¹⁴ги, 2012 йил 13 июндаги 171-сонли «Болалар уйлари тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»¹⁵ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли қарорига 3-илова қилинган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»¹⁶ги, 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги¹⁷ ва 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»¹⁸ги, 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлари органлари тўғрисида»¹⁹ги, 2017 йил 8 сентябрдаги «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари ҳам шулар жумласидандир.

Биргина Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунда ҳам вояга етмаган жабрланувчиларни ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан ҳимоя қилиш масаласига тўхтаб ўтилган бўлиб, ушбу қонуннинг 7-моддасига кўра, ота-

она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида:

— вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига ва ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради²⁰.

Бундан ташқари, олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни виктимологик профилактика қилиш тизимида бир қатор муаммо ва камчиликлар борлиги аниқланиб, улар тизимлаштирилган ҳолда ташкилий ва ҳуқуқий муаммоларга бўлинган ҳолда таҳлил қилинади. Жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича қонун ҳужжатлари ўрганиб чиқилганда, айрим норматив ҳуқуқий ҳужжатларда зиддиятли ҳолатлар борлиги аниқланди. Хусусан, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бевосита 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунга кўра, амалга оширилиши белгилаб кўйилган. Лекин «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикаси турлари кўрсатиб ўтилмаган. Шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланишларининг олдини олиш бўйича виктимологик профилактика чора-тадбирлари белгилаб берилмаган.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни ҳам алоҳида «Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг виктимлиги ва унинг олдини олиш»га доир нормалар билан тўлдириш таклиф этилади. Жумладан, «24¹-модда. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бу — ҳуқуқбузарликлардан ёки жиноятлардан жабрланган вояга етмаганларни аниқлаш, сабабларини ўрганиш ва уларнинг жабрланувчи бўлиб қолишларининг олдини олиш, шунингдек, ҳаёт

тарзи ва хулқи жабрланувчи бўлиб қолишидан далолат берувчи вояга етмаганларни бундай йўлдан қайтаришга қаратилган давлат ва жамоатчилик томонидан амалга ошириладиган чоралар тизимидир», деган прим модда билан тўлдирилишини ҳам таклиф этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳам ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг виктимологик профилактикасига доир бандлар билан тўлдириш таклиф этилади.

Бундай таклифлар ўз навбатида вояга етмаганлар ва бошқа шахсларнинг турли тажовузлардан жабрланишининг олдини олишга ва ушбу Қонунни Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни билан бирхиллаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар назоратсизлиги ва улар виктимлигининг олдини олишда, уларни салбий характерга эга бўлган ахборотлардан ҳимоялаш тизимини ташкил этишнинг муҳим институционал механизми сифатида миллий қонунчилигимизда тегишли ҳуқуқий базани шакллантириш ва уни мустаҳкамлаш зарурдир.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 2-бобида «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи органлар ва ташкилотлар» фаолияти билан бир қаторда ота-оналар фаолиятини ҳам белгилаб бериш лозимдир. Жумладан, Қонунда «15¹-модда. Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот хуружларидан ҳимоя — қилиш соҳасидаги ваколатлари» киритилиб, уни қуйидаги таҳрирда: «Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, уларни соғлиғига зарар етказувчи ахборот хуружларидан ҳимоя қилишни, улар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида:

таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслик, бундан маз-

кур муассасаларда таълим фаолияти ёки таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган тадбир доирасида бўлиши мустасно;

вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилиш ва порнографик маҳсулотларни тарқатиш, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, реклама қилиш, намоёниш этаётган маҳсулотларни ва унга ундайдиган рекламаларни кўришга йўл қўймаслик;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига, уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот хуружларининг тарқалишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларнинг ресторанлар, кафе-лар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда улардан бирининг кузатувисиз бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради”, деб берилишини тақлиф этамиз.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари кўпинча болалар учун алоҳида хавф туғдирадиган ахборот маҳсулотларини ўз ичига камраб олган қонун ва қонуности актлари, ички идоравий хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар билангина тартибга солинмоқда. Аммо алоҳида мобил алоқа воситалари, компьютер ва электрон ўйинлар, оммавий кўнгилочар тадбирлар ёрдамида тарқатиладиган ахборотлар, турли ёшдаги болалар учун мўлжалланган босма, аудиовизуал ва электрон маҳсулотларнинг мазмунига қўйилиши лозим бўлган талаблар, бунда тегишли субъектлар, айниқса, ота-оналар масъулиятини белгиловчи алоҳида қонун билан мустаҳкамланмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»²¹ Қонунининг 6-моддасида виктимологик профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тури сифатида эмас, бевосита бу Қонунда алоҳида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг йўналиши сифатида берилиши лозим. Шундан келиб чиқиб, Қонунда «Ҳуқуқбузарликларнинг виктимлиги ва унинг олдини олиш», деган боб ажратилиб, унда виктимология тушунчаси, виктимликнинг олдини олиш чоралари ва унда субъектлар фаолияти ёритилиши лозим. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»-

ги Қонуннинг 44-моддасида виктимологик профилактика чора-тадбирлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, ушбу модданинг 1-хатбошиси 1,5,7-бандларида кўрсатилган чора-тадбирлар бир-бирини тўлдирувчи ва такрорловчи жумлалар бўлиб қолган. Масалан, 1-бандда «ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш» кўрсатилган бўлса, 5-бандда «ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш» ҳамда 7-бандда «ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш» каби чора-тадбирлар белгилаб берилган. Лекин, мазкур чора-тадбирларни 3 та бандда эмас, балки битта бандда яхлит ҳолда кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, 1-бандда кўрсатилган вазифалар 5-бандда ҳам такрорланиб, ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари ҳақида хабардор қилиш каби жумла билан тўлдирилган. 7-бандда эса айнан ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охириги зарурат тўғрисида маълумотларни тарқатиш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаларидан бири сифатида талқин этилади. Шу сабабли мазкур қарорда ҳуқуқбузарликлардан жабрланишларининг олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар белгилаб берилди. Масалан, мазкур қарорда кўрсатиб ўтилган «ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ривожлантириш» вазифаси давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган. Аммо, ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўрсатиб ўтилмаган.

Юқоридагилардан ташқари виктимологик про-

филактикани амалга ошириш бўйича бир қатор ташкилий муаммоларнинг мавжудлиги ҳам ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигига таъсир қилмоқда. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жабрланувчиларнинг ҳисобини юритиш тизими мавжуд эмас ҳамда улар ҳақидаги маълумотлар ҳеч қандай ҳисоботларда ўз аксини топмаган. Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича амалга оширилиш лозим бўлган ишларни ташкил этиш, режалаштириш ва бажариш учун жабрланувчиларни рўйхатга олиш ҳамда уларнинг доимий статистикасини юритиш талаб этилади.

Бу амалиётда жабрланувчилар ҳисобининг юритилмаслиги натижасида виктимологик профилактикани амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ўз ҳолига ташлаб қўйилишига олиб келади. Жумладан, жиноятларнинг тури бўйича йил давомида қанча фуқаролар жабрланганлиги, қайси ҳудудларда жабрланиш ҳолатлари кўпайганлиги, жабрланувчиларнинг ёши, жинси, касби ва бошқа маълумотларга таянган ҳолда аҳоли билан ўтказиладиган учрашувлар ҳамда олиб бориладиган бошқа профилактика тадбирлари киради.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг ҳуқуқий асоси мавжуд бўлсада, лекин ушбу чора-тадбирлар амалга оширилмасдан қолмоқда.

Қонунда кўрсатилган ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қўтқарув хизматларини ташкил этиш ва ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) мунтазам равишда назорат қилиш бўйича ишлар қисман амалга оширилган.

Шу билан бирга, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддасига кўра, виктимологик профилактика чора-тадбирлари сифатида «ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш» белгилаб қўйилган бўлсада, шу вақтга қадар мазкур муассасалар ташкил этилмаган.

Ҳозирда фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сонли Қарори билан Меҳнат вазирлиги (собиқ Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги) ҳузурида ташкил этилган «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация маркази» билан чекланиб

қолинган, холос.

Шунингдек, қонунда кўрсатиб ўтилган виктимологик профилактика чора-тадбирлари бўйича ваколатли органлар томонидан амалга оширилган ишлар талаб даражасида эмас. Ҳуқуқ тартибот органлари, шу жумладан, ички ишлар органларининг профилактика хизмати ходимлари томонидан аҳолига фақатгина умумий виктимологик профилактика ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, аҳолининг ўз мол-мулкларига нисбатан эҳтиёткор муносабатда бўлиши, турли ҳуқуқбузарликлар содир бўлганда ёки кутилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериши лозимлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин, махсус виктимологик профилактика ишларини олиб бориш ишлари талаб даражасида эмас. Масалан, асосан аҳоли билан доимий мулоқотда бўладиган профилактика инспекторлари томонидан турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган алоҳида тоифадаги шахслар ўртасида олиб бориладиган виктимологик профилактика чора-тадбирлари деярли амалга оширилмай қолмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, виктимологик тадқиқотлар натижасини олиб қарайдиган бўлсак, виктимология криминология фанида бир йўналиш сифатида берилган. Бунда виктимологик тадқиқотлар жиноятчилик сабаблари ва шартларини, унинг таркибини ўрганиш, жиноятчиликнинг умумий салбий оқибатларини баҳолаш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиришга қаратилгандир.

Ҳолбуки, виктимологиянинг роли ҳозирча муносиб баҳолангани йўқ. Расмий статистик ҳисоботларда жабрланувчилар ҳақида тегишли кўрсаткичлар ҳам мавжуд эмас. Жабрланувчилар, уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари, уларга етказилган зарарни қоплаш усуллари ва шакллари тўғрисида қонунлар кам қабул қилинган. Жиноят-процессуал кодексида жабрланувчилар тўғрисида, жабрланувчилар шахси ва хулқ-атворини терговда ва судда лозим даражада баҳолаш тўғрисида махсус бўлим (боблар) мавжуд эмас.

Хулоса қиладиган бўлсак, жабрланувчилар шахсини виктимологик ўрганишнинг бош мақсади оғохлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқшдан иборатдир. Бу чора-тадбирлар мажбурий ва тавсиявий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Мазкур чора-тадбирлар гуруҳларининг ҳар бири умумий, группавий (махсус) ва индивидуал (хусусий) даражаларда намоён бўлиши мумкин.

Умумижтимоий виктимологик профилактиканинг алоҳида хусусияти, юқорида кўрсатилганидек, у ўзининг мустақил оғохлантирув таъсир этиш объектига эга бўлиб, бундай объектларга реал (икки-

ламчи огоҳлантирув виктимизация жиҳатидан) ва ундан юқори даражада — зўрлик жиноятларининг потенциал жабрланувчилари киради.

Индивидуал ва группавий даражалардаги мажбурий чора-тадбирлар жиноят содир этишга туртки берувчи хулқ-атворли шахсларга нисбатан зарур ҳолларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг назорат фаолиятини таъминлаш учун хизмат қилиши мумкин.

Тавсиявий кўринишдаги чора-тадбирлар зарур ҳолларда:

1) шахсларга, уларнинг муайян гуруҳларига касбий ва кундалик ҳаёт фаолиятидаги шахсий хавфсизликни объектив тарзда таъминлашга қодир бўлган баъзи бир ахлоқ қоидаларини тушунтириш;

2) шахсларга шахсий мол-мулкни ўғрилар, талончилар ёки фирибгарлардан қандай асраш кераклиги ҳақидаги қоидаларни тушунтириш;

3) жиноятчи билан тўқнашган ҳолларда оқилона ҳаракат қилишларини, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш лозимлигини ва тартибини тушунтириш учун қўлланилиши мумкин.



¹ Алауханов Е.О., Зарипов З.С. Профилактика преступлений: учебник. – Алматы: «Нур-пресс», 2008. – С. 99.

² Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари (Монография). – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 131.

³ Classen CC et al.(2005). Sexual Revictimisation: A Review of the Empirical Literature. Trauma Violence and Abuse, 6(2): 103-129.

⁴ Fryer G, Miyoshi T (1994). A Survival Analysis of the Revictimisation of Children: The Case of Colorado. Child Abuse & Neglect, 18 (12): 1063-1071;

⁵ Bradshaw J, Mayhew E (Eds). The Well-being of Children in the UK, 2nd Edition. London, The University of York/ Save the Children UK.

⁶ Bardly A (2003). Bullying in Schools and Exposure to Domestic Violence. Child Abuse & Neglect, 27(7): 713-732.

⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т.: 2004 й., 36-сон, 400-модда.

⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 44-45-сон, 445-модда; 2014 й., 52-сон, 624-модда.

⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 446-модда.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 445-модда.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 42-сон, 452-модда.

¹² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 26-27-сон, 295-модда.

¹³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 490-модда.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 4-сон, 48-модда.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 23-24-сон, 265-модда.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т.: 2008 й., 16-сон, 118-модда.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.

¹⁸ “Халқ сўзи” газетаси, 2016 й., № 182 (6617)-сон;

¹⁹ “Халқ сўзи” газетаси, 2016 й., № 184 (6619)-сон;

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, 9-сон, 342-модда.

²¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.

Ваҳобжон КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси доценти,
юридик фанлар номзоди

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

◆ Мақолада тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ёритилган.

◆ В статье освещены предложения по дальнейшему совершенствованию правовых основ оперативно-розыскной деятельности.

◆ The article highlights proposals for further improving legal basis of operative crime detection activities.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, тезкор-қидирув қонунчилиги, тезкор бўлинмалар.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, оперативно-розыскное законодательство, оперативные подразделения.

Key words: operative crime detection activities, operative crime detection events, operative crime detection legislation, operative crime detection units.

Тезкор-қидирув фаолияти (кейинги ўринларда — ТҚФ) давлатнинг ваколатли органлари томонидан жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш мақсадида ҳуқуқий фаолиятнинг махсус тури сифатида амалга ошириб келинади. ТҚФ ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти бошқа турлари (маъмурий-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия) билан бир қаторда жиноятчиликка қарши курашнинг давлат-ҳуқуқий турларидан бири ҳисобланади ва бунда юклатилган вазифаларни самарали ҳал этиш борасида махсус кучлар, воситалар ва тезкор-қидирув тадбирлари (кейинги ўринларда — ТҚТ) каби муҳим имкониятлардан фойдаланилади.

ТҚФни ҳуқуқий тартибга солишни ҳар томонлама такомиллаштириш жиноятчиликка қарши курашда мазкур фаолиятнинг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни муқаддам назария ва амалиётга маълум бўлмаган тушунча ва атамаларни киритди. Қонунда 16 та ТҚТ ўз аксини топган бўлиб, уларни қонуннинг асосий қисми, ўзаги деб ҳисоблаш мумкин. Аммо, ўтказилган тадқиқот ва амалиёт тажрибаси гувоҳлик беришича, қонуннинг айрим қоидалари, хусусан муайян ТҚТнинг мазмун-моҳияти, уларни ўтказиш асослари ва шартлари, ташкилий-тактик жиҳатлари ҳанузгача мукамалликдан йироқ

бўлиб, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор бўлинмалари амалий фаолиятида айрим номувофикликлар келиб чиқишига сабаб бўлаётгани ва айни вақтда уларни такомиллаштириш зарурияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу эса мазкур фаолиятда қонунийликни таъминлаш тизимига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

ТҚТни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилишдан олдин, ТҚФнинг қонунда берилган тушунчасини таҳлил қилиш ва уни аниқлаштириш зарурияти мавжуд бўлиб, бу тушунча мазкур фаолиятнинг янги, ҳозирги замон даражасидаги мазмун-моҳиятини тўлиқ акс эттириши лозим. Мазкур фаолиятнинг қонунда берилган тушунчасига кўра, “Тезкор-қидирув фаолияти — Қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан ТҚТ ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият туридир”. Яъни, бу ҳолда фаолиятнинг мазмуни, махсус ваколат берилган субъектлар томонидан фақат ТҚТни ўтказиш билан чекланган. Фикримизча, ТҚФнинг Қонунда берилган тушунчаси мукамал эмас ва бу фаолиятнинг мазмуни қисман ифода этади ҳамда фаолиятнинг умумэтироф этилган асосий институтларини қамраб олмайди. Хусусан, Қонунда берилган тушунчадан келиб чиқадиган бўлсак, унда ТҚТ қаторига кирмайдиган, лекин фаолиятнинг асосий йўналишларини ўз ичига олувчи тезкор ҳаракатларни ўтказиш тақиқланади деб тушуниш мумкин. Шу-

нингдек, тушунчада ТҚФни амалга оширишдан кўзланган мақсад ўз ифодасини топмаган.

ТҚФга оид адабиётларни таҳлил қилиш натижалари кўрсатишича, ҳозирги кунда соҳа олимлари ўртасида ТҚФ тушунчаси ва моҳиятини белгилашда яқдиллик мавжуд эмас. Хусусан, россиялик олимлар А.В.Федоров ва А.В.Шахматовлар¹ ТҚФ тушунчасини шакллантиришда, фаолиятнинг мақсадини жиноятчиликка қарши курашиш вазифалари билан, С.И.Захарцев² эса фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, жамият ва давлат хавфсизлигини жинойий тажовузлардан ҳимоялаш вазифалари билан боғлашган. Россия Федерациясининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасида ТҚТнинг тўлиқ рўйхати берилган бўлиб, улар ўн тўрттани ташкил этади. Ушбу қонуннинг “ТҚТни ўтказиш асослари” деб аталувчи 7-моддаси иккинчи қисмида жинойий фаолият билан боғлиқ бўлмаган олтита асослар ўз аксини топган (давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланишга рухсат бериш; ТҚФда иштирок этиш ёки ушбу фаолият натижасида олинган материаллар билан танишишга рухсат бериш; хусусий детектив ва кўриқлаш фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш ва ҳ.к.). Яъни юқоридаги олимларнинг таклиф этган тушунчалари ҳам ТҚФнинг мақсадини тўлиқ қамраб олмаган, чунки юқорида қайд этилганларга кўра ТҚТни ўтказиш асослари фақат жиноятчиликка қарши кураш билан чекланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ТҚФнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: ТҚТни ўтказиш (14-модда); фуқароларни махфий ҳамкорликка жалб қилиш (12-модда); ахборот таъминоти ва тезкор ҳужжатлаштириш (18-модда); ахборот муҳофазасини таъминлаш (20-модда); ТҚФни молиявий таъминлаш (24-модда).

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқадиган бўлсак, улардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин: а) ТҚФ фақат ТҚТ ўтказиш орқали амалга оширилади ва шу сабабли ТҚФнинг бошқа йўналишларининг бу фаолиятга алоқаси йўқ; б) ТҚТни ўтказмасдан ТҚФнинг пировард натижаларига эришиб бўлмайди; в) ҳар бир ТҚТ ТҚФнинг бир қисми ҳисобланади; г) ТҚФнинг моҳияти ушбу 16 та ТҚТни ўтказиш билан чекланган.

Албатта, ТҚФнинг моҳиятини бундай тушуниш, унинг ҳақиқий тутган ўрнига ҳам қонуннинг моҳиятига ҳам мувофиқ келмайди, чунки мазкур фаолият бошқа кенг қамровли имкониятларга эгадир. Фикримизча, Қонуннинг 3-моддасида берилган тушунча аниқлаштиришни ва қонуннинг бошқа моддаларига мослаштиришни талаб қилади.

Шубҳасиз, ТҚТ фаолиятнинг ўзагини ташкил этади. Аммо, тан олиш лозимки, улардан ташқари ТҚФни амалга оширувчи органларининг жи-

ноятчиликка қарши курашда бир қатор бошқа (ТҚТ рўйхатига кирмаган) имкониятлари ҳам мавжуддир. Булар ташкилий-бошқарув чоралари, ташкилий-тактик чоралар (ахборот таъминоти, ахборот-таҳлилий ишлар, башорат қилиш, режалаштириш, ҳамкорлик қилиш, махфийлик асосида кўмаклашиш истагини билдирган шахслар билан пулли ва бепул ҳамкорлик ўрнатиш (Қонуннинг 12-моддаси); ТҚФ воситалари, усуллари, шакллари ва ҳоказолар.

Шунингдек, ТҚФнинг мазмун-моҳияти ва ташкилий-тактик жиҳатларини тўлиқ ифода этувчи хусусий белгиларининг асосийлари қаторига, фикримизча, қуйидагиларни киритиш мумкин: ТҚФнинг давлат-ҳуқуқий тавсифдалиги; вазифаларнинг махсуслиги; махсус меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиниши; муайян принциплар асосида амалга оширилиши; фаолиятнинг нафақат ТҚТ, балки махсус воситалар, усуллар ва ташкилий-тактик шаклларни қўллаш билан боғлиқ бошқа имкониятлари орқали амалга оширилиши; махсус ваколатга эга субъектлар томонидан амалга оширилиши; фаолиятнинг махсус тактикаси мавжудлиги; махсус молиявий ва моддий-техник таъминоти; фаолият устидан махсус назорат ўрнатилганлиги.

Юқорида қайд этилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, ТҚФнинг тушунчасини қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: *“ТҚФ — Қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан ТҚФ вазифаларини ҳал қилиш мақсадида ошкора ва ноошкора усуллар, воситалар, шакллар ва ТҚТ уйғунлигида амалга ошириладиган фаолият туридир”*. Яъни ушбу тушунчанинг хусусий белгилари сифатида: а) фаолиятнинг қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан (Қонуннинг 10-моддаси); б) ТҚФнинг вазифаларини ҳал қилиш мақсадида (4-модда); в) ошкора ва ноошкора усуллар, воситалар, ташкилий-тактик шакллар ва ТҚТ уйғунлигида (9-модда) амалга оширилишини келтириш мумкин.

ТҚТ мазкур фаолиятнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиши сабабли, унинг тушунчасини аниқлаб олиш умуман ТҚФ учун муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Ушбу тушунчанинг қонунда берилмаганлиги унинг жиддий камчиликларидан бири десак, муболаға бўлмайди. Россиялик соҳа олимлари (В.А.Ильичев, Г.И.Козырев, И.А.Климов, В.И.Михайлов, А.В.Федоров, А.Ю.Шумилов ва бошқалар) ўз илмий ишларини муайян ТҚТни ўтказишни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига бағишлаганлар.

Ўзбекистонлик олимлар А.А.Ҳамдамов, Т.Р.Саитбаев, С.Н.Гордеев, Р.Т.Рашитходжаевлар томонидан 2015 йилда чоп этилган “Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти

тўғрисида”ги Қонунига шарҳ”да ТҚТга қуйидагича таъриф берилган: *“ТҚТ — “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамланган разведик-излов хусусиятига эга бўлган, ваколатли субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларига мувофиқ ўтказиладиган ҳамда асосан ошкора восита ва усулларни ноошкора восита ва усуллар билан уйғунлаштирган ҳолда қўллашга асосланган ҳамда ТҚФ масалаларини ҳал қилиш учун зарур фактик маълумотларни бевосита аниқлашга қаратилган чора ва ҳаракатлар тизими”*³. Лекин, фикримизча, ушбу тушунчанинг баҳсли жиҳати шундан иборатки, у жуда кенг қамровли ифодаланган бўлиб, унда айнан ТҚТга хос бўлган алоҳида хусусий белгилари, яъни уларни ўтказиш асослари ва шартлари ўз аксини топмаган. Бинобарин, ТҚФнинг ТҚТдан ташқари бошқа йўналишларига ҳам айнан ушбу таърифни бериш мумкин. Шунингдек, юқоридаги таърифда *“тезкор-қидирув масалалари”* деган жумла тушунарсиз бўлиб, уни *“тезкор-қидирув вазифалари”* билан алмаштириш лозим, чунки Қонуннинг 4-моддасида ТҚФнинг асосий вазифалари ифодаланган.

Россиялик олимлар В.И.Михайлов ва А.В.Федоровлар ТҚТга қуйидагича таъриф берган: *“ТҚТ — махсус ваколат берилган шахслар томонидан ТҚФ қонунчилигида назарда тутилган асослар ва тартибда муайян тезкор текширув ишжилди ёки дастлабки материаллар бўйича тадқиқот предметига кирувчи маълумотларни қўлга киритиш борасидаги тадбирлар (тадбирлар жаммуи)”. Яъни ушбу таъриф “маълумотларни қўлга киритиш” билан чекланган. Таъкидлаш жоизки, айрим ҳолларда ТҚТ нафақат маълумотларни қўлга киритиш, балки бошқа мақсадлар учун ҳам ўтказилади. Масалан, жиноятчиларни ушлаш учун қулай шароит яратиш; кўмаклашувчи шахслар хавфсизлигини таъминлаш ва ҳ.к.*

ТҚТнинг тушунчасини тадқиқ этиш борасида А.Ю.Шумилов ҳам муносиб ҳисса кўшган бўлиб, у ўзининг *“Тезкор-қидирув фаолиятининг юридик асослари”* номли монографиясида ТҚТга қуйидагича тушунча берган: *“ТҚТ — ТҚФда қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни қўлга киритиш усуллари”*⁴. Ушбу тушунча ҳам ТҚТнинг барча хусусий белгиларини ифода этмайди. Чунки кўмаклашувчи шахсдан ахборот олиш жараёни ҳам ТҚФда қарор қабул қилиш учун зарур бўлгани ҳолда биз уни ТҚТ деб ҳисоблай олмаймиз. ТҚТни ТҚФнинг бошқа йўналишларидан фарқловчи хусусий белгиларидан бири, бу ТҚТнинг қонунда белгиланган асослар ва шартларга биноан ўтказилишидир. Юқоридаги тушунчада эса бундай хусусий белгилар мавжуд эмас.

Ушбу тушунчадан ташқари А.Ю.Шумилов *“тезкор-қидирув тадбирлари таркиби”* тўғрисида фикр билдирган. Яъни у ТҚТ таркибини таснифлашда

жиноят қонунчилигида мавжуд бўлган жиноят таркиби (объект, объектив томони, субъект, субъектив томони)ни асос қилиб олган. Унинг фикрича, ТҚТ таркибини аниқлаб олмасдан туриб, ТҚТни бир-биридан фарқлаш ёки тезкор ходимнинг ҳаракатини ТҚТ сифатида баҳолаш қийинчилик туғдиради. Ушбу қарашларнинг баҳсли эканлигини асослаш учун қуйидаги фикрларни келтирамиз: авваламбор, жиноят ҳуқуқида жиноят таркиби муҳим аҳамият касб этади, чунки у шахсни жиний жавобгарликка тортишнинг мажбурий шarti ҳисобланади. Яъни бунда гап айнан жиноят, ноқонуний, ижтимоий хавфли қилмиш тўғрисида борса, ТҚТ таркиби тўғрисида эса гап тезкор бўлинмаларнинг нафақат қонуний ҳаракатлари, балки улар учун ўтказилиши мажбурий бўлган ҳаракатлар тўғрисида боради. Бу мажбурият *“ТҚФ тўғрисида”ги Қонун, ЖПК ва тезкор ходимларнинг мансаб вазифаларидан келиб чиқади. Шу боис ҳам А.Ю.Шумиловнинг нуқтаи назарини шубҳа остига қўйиш мумкин. Албатта, бу борада соҳа олимлари томонидан ҳозирги кунда тегишли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилишига эҳтиёж мавжуд.*

Ҳозирги кунда мамлакатимиз соҳа мутахассислари орасида ТҚТнинг мазмун-моҳияти, тушунчаси, асосий белгилари ва тузилишини аниқлаштириш хусусида ягона нуқтаи назар шакллантирилмаган. Бу борадаги айрим чоп этилган адабиётларни ҳисобга олганда умуман чуқур илмий тадқиқотлар ўтказилмаган. Чоп этилган адабиётларда ҳам бир қатор хатолик ва камчиликлар учрайди. Масалан, муаллифлар А.К.Закурлаев ва Ю.С.Пулатовларнинг *“Тезкор-қидирув фаолияти”* ўқув қўлланмасидаги мавжуд айрим номувофиқликлар бунга мисол бўла олади. Ўқув қўлланмада ТҚТга қуйидагича тушунча берилган: *“ТҚТ — бу ТҚФни амалга оширишда ўтказиладиган, тўлиқ рўйхати ТҚФ тўғрисидаги Қонунда белгиланган аниқ ҳаракатлар, ТҚФнинг таркибий элементларини ўзида ифодалайди, бу элементлар жамулам ҳолда ТҚФни ташкил этади”*⁵. Яъни бу тушунчани шарҳлайдиган бўлсак ТҚТ ТҚФнинг таркибий элементларини ўзида ифода этади ва ушбу элементлар ТҚФни ташкил этади деб хулоса қилинган. Фикримизча, бу ерда муаллифлар янглиш ҳолда ТҚФнинг таркибий элементлари сифатида 16 та ТҚТга ишора қилишган кўринади. Тушунчанинг яна бир камчилиги унда, ТҚТнинг хусусий белгилари бўлган уларни ўтказиш асослари ва шартларининг мавжуд эмаслиги ҳамда ТҚТни ўтказишдан кўзланган мақсад ифодаланмаган. Шунингдек, ўқув қўлланмада бир қатор ТҚТга берилган таърифлар ва уларни ўтказиш тартиблари жиддий хатоликлардан холи эмас. Хусусан, *“Ниқобланган операция”* ТҚТни ўтказиш тартиби ва унга тегишли вазифаларни ифодалашда, муаллифлар ТҚФнинг қарийб барча вазифаларини

санаб ўтганлар. Бундай ёндашув мазкур тадбирнинг мазмун-моҳиятини умуман ўзгартириб юбориши ҳамда амалиёт тезкор ходимларида мазкур ТҚТ тўғрисида нотўғри тасаввур яратилишига олиб келиши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан ҳамда ТҚФ қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб, ТҚТ тушунчасини қуйидагича ифодалаш мумкин: *Тезкор-қидирув тадбирлари — бу ТҚФнинг таркибий қисми бўлиб, ваколатли субъектлар томонидан қонунда белгиланган асослар ва шартларга биноан ошкора ва ноошкора усуллар ва воситалар уйғунлигида ўтказиладиган, ТҚФнинг вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган ўзаро муштарак тадбирлар мажмуидир.*

ТҚТнинг ушбу тушунчадан келиб чиқадиган хусусиятлари қуйидагича: а) ТҚТ ТҚФнинг таркибий қисми ҳисобланиши; б) ТҚТнинг қонунда белгиланганлиги; в) ТҚТни ўтказишдан кўзланган мақсад (ТҚФ вазифаларини ҳал қилиш); г) ТҚТ фақат махсус ваколатга эга субъектлар томонидан амалга оширилиши; д) ТҚТнинг Қонунда белгиланган асослар ва шартларга биноан ўтказилиши; е) ТҚТнинг ошкора, ноошкора усуллар ва воситалар уйғунлигида ўтказилиши.

ТҚТларини ўтказиш жараёнида қонунийликни таъминлаш билан боғлиқ кузатиладиган яна бир муаммо, бу айрим ТҚТнинг прокурор билан келишган ҳолда ўтказилиши билан боғлиқ масала бўлиб, Қонуннинг 16-моддасида қайд этилган ТҚТни ўтказиш шартларида *“текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш ва назорат остида етказиб бериш прокурор билан албатта келишилган ҳолда амалга оширилади”* деган талаб мустаҳкамланган. Бунинг сабаби шундаки, юқоридаги учта ТҚТни ўтказиш очик савдода сотилиши тақиқланган ёки муомалада бўлиши чекланган предметлар, моддалар ва маҳсулотларнинг (масалан, қурол, портловчи модда, гиёҳванд воситалар ва ҳ.к.) ноқонуний айланиши билан боғлиқдир. Яъни, бу талаб муайян жиноятни фош этиш мақсадида муомаласи чекланган ёки тақиқланган предметларни назорат остида харид қилган шахсни жавобгарликка тортилишдан сақлаш учун муайян ҳудуддаги прокурор билан аввалдан келишиб қўйишни назарда тутати.

Аммо, ҳозирги кундаги амалиёт тажрибаси гувоҳлик беришича, ушбу масалада ҳам қонунийликни таъминлаш нуқтаи назаридан айрим камчиликлар кузатилаётганда. Айни пайтда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти органларига юклатилган долзарб вазифалардан бири, бу ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар нархларини манипуляция қилиш, уларга бўлган сунъий танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтириш, шунингдек, сифатсиз ёхуд қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари муомалага чиқари-

лиши билан боғлиқ ғайриҳуқуқий ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказиш ҳисобланади. Мазкур вазифалар ижроси бўйича Департаментнинг тезкор бўлинмалари бир қатор ТҚТ, шу жумладан, *“текшириш учун харид қилиш”* ТҚТни ўтказишмоқда. Маълумки, бу тадбирлар жараёнида харид қилинаётган маҳсулотлар очик савдода сотилиши тақиқланган ёки муомалада бўлиши чекланган предметлар, моддалар ва маҳсулотлар қаторига кирмайди ва бу ҳолда прокурор билан келишиш мантиққа тўғри келмайди. Лекин, *“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”*ги Қонунда ҳам, соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам бу ҳолат ҳуқуқий тартибга солинмаган. Шу боис, бу борада юзага келган вазиятга аниқлик киритиш мақсадида Қонуннинг 16-моддаси бешинчи хатбошисидagi жумлани қуйидаги таҳрирда бериш таклиф қилинади: *“Текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш ва назорат остида етказиб бериш, башарти очик савдода сотилиши тақиқланган ёки муомалада бўлиши чекланган предметлар, моддалар ва маҳсулотларни ўтказиш билан боғлиқ бўлса, прокурор билан албатта келишилган ҳолда амалга оширилади”*.

ТҚТни ўтказиш жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш ҳамда қонунийликни таъминлаш вазифаларини самарали ҳал қилиш учун ТҚТларини таснифлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда тезкор-қидирув фанида ТҚТнинг ягона мукамал таснифи йўқ. Юқорида қайд этилган А.К.Закурлаев ва Ю.С.Пулатовлар ТҚТни ўтказиш тартибига кўра қуйидагича таснифлайди: 1) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига бўлган муносабатга қараб; 2) яширинлик даражасига қараб; 3) техника воситаларидан фойдаланилишига қараб; 4) фойдаланилаётган тезкор-техника кучлари ва воситаларининг тааллуқлилигига қараб. Ушбу таснифлаш мукамалликдан йироқ бўлиб, унда ТҚТни хусусий белгилари бўйича фарқлашнинг деярли имкони йўқ.

К.К.Горяинов, Ю.Ф.Кваша ва К.В.Сурковлар ТҚТни таснифлашнинг қуйидаги вариантини таклиф қилишган: а) қидирувга мослаштирилган криминалистик усуллар (сўров; маълумотлар тўплаш; қиёсий текширув учун намуналар йиғиш; текшириш учун харид қилиш; предметларни ва ҳужжатларни текшириш; тезкор кузатув; шахснинг айнанлигини аниқлаш; турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини ва транспорт воситаларини текшириш; тезкор эксперимент); 2) қидирувга хос бўлган разведик усуллар (почта, курьерлик жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш; алоқанинг техник

каналларидан ахборот олиш); 3) разведик операциялар (тезкор киритиш ва назорат остида етказиб бериш)⁶.

А.Ю.Шумилов эса ТҚТни учта тоифага бўлиб таснифлайди: *биринчи тоифага (оддий) фуқароларнинг ҳуқуқларини чекламайдиган ТҚТ*: сўров; маълумотлар тўплаш; қиёсий текширув учун намуналар йиғиш; текшириш учун харид қилиш; предметларни ва ҳужжатларни текшириш; тезкор кузатув; шахснинг айнанлигини аниқлаш; турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини ва транспорт воситаларини текшириш; тезкор киритиш; назорат остида етказиб бериш; алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш (фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашмасдан); *иккинчи тоифа* (фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган) ТҚТ қаторига тезкор экспериментдан ташқари қолган барча ТҚТни киритади; *учинчи (махсус) тоифага* эса тезкор экспериментни киритади.

Юқоридаги олимларнинг айрим мулоҳазаларига қўшилган ҳолда, таъкидлаш жоизки, улардаги умумий камчилик, фикримизча, бу уларнинг ТҚТнинг номланиши ва уларни намунавий режага биноан тизимлашга бўлган уринишлари деб ҳисоблаш мумкин. Шу боис, ТҚТни авваламбор бошқа, яъни қонунийликни таъминлашга ҳисса қўшувчи алоҳида муҳим асосларга биноан таснифлаш тўғри бўлар эди.

Муаллиф ўзининг бир қатор илмий мақола ва ўқув қўлланмаларида ТҚФ қонунчилиги ва амалиёт тажрибасидан келиб чиқиб, ТҚТни шартли равишда учта гуруҳга бўлиб таснифлайди: а) *тезкор бўлинма ходимлари ташаббуси билан ўтказиладиган ва санкциялаш талаб қилинмайдиган* (сўров; маълумотлар тўплаш; қиёсий текширув учун намуналар йиғиш; предметлар ва ҳужжатларни текшириш; шахснинг айнанлигини аниқлаш; жойлар, бинолар, иншоотларни, жой участкаларини ва транспорт воситаларини текшириш; б) *тезкор бўлинма раҳбарининг қарори асосида ўтказиладиган* (текшириш учун харид қилиш; назорат остида олиш; тезкор кузатув; тезкор киритиш; назорат остида етказиб бериш; ниқобланган операция; тезкор эксперимент); в) *прокурор санкцияси асосида ўтказиладиган* (турар жойларни текшириш; почта, курьерлик жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш; алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш) ТҚТ⁷.

Бундай таснифлашнинг асоси сифатида, муаллиф, *биринчидан*, ТҚТнинг мураккаблигига кўра; *иккинчидан*, ТҚФнинг кучлари ва воситаларидан фойдаланиш имкониятларига кўра; *учинчидан*, бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқ-

лари ва эркинликларига дахл қилиниш даражасига кўра; *тўртинчидан*, мансабдор шахсларнинг ТҚТни ўтказишга рухсат бериш ваколатларига кўра ва *бешинчидан*, ТҚТ натижаларидан жиноят процессида фойдаланиш имкониятларига кўра тизимлаш қулай деб ҳисоблайди.

“Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддаси биринчи қисмида фуқароларнинг “ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлари, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи ТҚТ ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилиши” ўз аксини топган. Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбирлар, агар шахс, жамият ва давлат манфаатларини жинойий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш учун ҳақиқий маълумотларни бошқа йўл билан олиш имкони бўлмаса, истисно чоралар сифатида амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Почта жўнатмаларини назорат қилиш, фикримизча, юқорида қайд этилган ТҚТнинг энг қадимийларидан бири ҳисобланади. К.К.Горяинов, Ю.Ф.Кваша ва К.В.Сурковлар тарихдан шундай мисол келтирадилар. Александр Македонский ўзининг Осиёга қилган юриши чоғида лашкарлари қаторидаги айрим иттифоқчи ва ёлланма бўлинмаларда норозилик кайфияти пайдо бўлганлиги ҳақида олинган маълумотни оддий усул ёрдамида текшириб кўради. У уйига мактуб ёзаётганлигини эълон қилиб, барча лашкарларига шундай қилишни тавсия қилади. Ёзилган мактубларни олиб йўлга чиққан чопарни у ортга қайтаришни буюради ва ундаги мактубларни ўқиб чиқиб ҳақиқий аҳволни билиб олади⁸.

Бу воқеа эрамиздан аввалги III асрда бўлиб ўтган бўлса, В.Широнин, бу борада тарихга бундан ҳам аввалроқ маълум бўлган яна бир мисолни келтиради. Эрамиздан аввалги VI асрда Тиран Милета шоҳ Дорога қарши исён кўтаришни мақсад қилиб, бу борада маслаҳат сўраб понтилик Аристагорга мактуб юбормоқчи бўлади. У эронликларнинг хушёрлигини ҳисобга олган ҳолда мактубни бир қулнинг сочини қирдириб, тақир бошига ёздиради ва унинг сочи ўсгач Аристагорнинг олдига юборади. Аристагор қулнинг сочини яна кириб олиб, унинг бошига ёзилган хатни ўқийди. Яъни бундан хулоса қилиш мумкинки, ўша вақтларда эронликларда хат ва жўнатмаларни назорат қилишга жиддий эътибор қаратилган⁹.

Бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаси далолат беришича, Америка Қўшма Штатлари, аксарият Европа ва МДҲга аъзо давлатларда бу каби ТҚТни ўтказишга суд қарори орқали йўл қўйилади. Маълумки, ҳозирги кунда мамлакат-

мизда ТҚФни амалга оширувчи бешта давлат органи фаолият кўрсатади ва уларнинг иккитаси (Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси) прокуратура тизимига киради. Қонуннинг 21-моддасида тезкор бўлинмалар (шу жумладан, прокуратура тизимига кирувчи) томонидан ўтказиладиган айрим ТҚТга прокурорлар санкция бериши белгилаб қўйилган. Фикримизча, бундай номувофиқликларни бартараф этиш ҳамда фаолиятда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тамойилига риоя қилишни таъминлаш мақсадида ушбу ТҚТни ўтказишга санкция беришни суд идораларига ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу муносабат билан, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддаси биринчи қисмидаги жумлани қуйидаги таҳрирда бериш таклиф қилинади: *“Ўзишмалар, телефон орқали*

сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланиши ҳуқуқларини, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишига суд қарори асосида йўл қўйилади”. Чунки, ҳозирда суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида жиноят-процессуал қонунчилигига юқоридаги ТҚТга ўхшаш бўлган тергов ҳаракатлари (почта-телеграф хабарларини хатлаб қўйиш, мурдани эксгумация қилиш)ни ўтказишга санкция бериш суд ваколатига ўтказилди.

Таъкидлаш лозимки, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг тегишли моддаларига юқорида таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши ТҚТнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга ва бу жараёнда қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.



¹ Федоров А.В., Шахматов А.В. Правовое регулирование содействия граждан органам, осуществляющим оперативно-розыскную деятельность. — М., 2005. — С. 102.

² Захарцев С.И. Оперативно-розыскные мероприятия. — С.Петербург, «Юридический центр пресс. 2004. — С. 59.

³ Хамдамов А.А., Сайтбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашидходжаев Р.Т. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига шарҳ. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. — Б. 68.

⁴ Шумилов А.Ю. Юридические основы ОРД. — М., 1999. — С. 125.

⁵ Закурлаев А.К., Пулатов Ю.С. Тезкор-қидирув фаолияти: Ўқув қўлланма. — Т.: ТДЮУ, 2014. — Б. 76.

⁶ Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Федеральный закон об оперативно-розыскной деятельности: Комментарий. — М., 1997. — С. 274.

⁷ Каримов В. Тезкор-қидирув фаолияти: Ўқув қўлланма — Т.: LESSON PRESS, 2018. — Б. 50.

⁸ Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Федеральный закон об оперативно-розыскной деятельности: Комментарий. — М., 1997. — С. 25-26.

⁹ Широнин В. Под колпаком контрразведки. — М., 1996. — С. 43.

Нурмат СОФИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
Психологик таъминлаш бўлими прокурори,
психология фанлари номзоди, доцент

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА ПСИХОДИАГНОСТИК ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақолада прокуратура органларида психологик хизматни йўлга қўйиш, психодиагностиканинг асосий тамойиллари, психологик хизматнинг асосий йўналишлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтилади.
- ◆ В статье изложены сведения об организации психологической службы в органах прокуратуры, основные принципы психодиагностики и направления психологической службы.
- ◆ The article provides information about the organization of the psychological service in the prosecutor's offices, the basic principles of psychodiagnostics and the direction of the psychological service.

Таянч сўзлар: психодиагностика, психодиагностика тамойиллари, ахлоқий-этик меъёрлар, психологик хизмат йўналишлари, психологик тузатиш, психологик маслаҳат, психопрофилактика, психологик маърифат.

Ключевые слова: психодиагностика, принципы психодиагностики, морально-этические нормы, направления психологической службы, психологическая коррекция, психологическое консультирование, психопрофилактика, психологическое просвещение.

Key words: psychodiagnostics, principles of psychodiagnostics, moral-ethical rules, areas of psychological service, psychocorrection, psychological counselling, psycho prophylaxis, psychological education.

Маълумки, ҳозирги вақтда кенг жамоатчилик орасида психология ҳақида, айниқса, психологик хизмат ҳақида кўп сўз юритилади. Хўш, психологик хизмат нима? У қандай йўналишларда олиб борилади?

Психологик хизмат, аҳолига, у ёки бу жамоа аъзоларига ўзларининг психологик муаммоларини ечиш, ўзини ўзи тушуниш, билиш, англаш, ўз ўзига ва атрофидагиларга нисбатан бўлган муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, бу борада юзага келиш эҳтимоли бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасида тегишли йўл-йўриқлар кўрсатиш, тавсия бериш кабилардан иборат.

Прокуратура органлари ходимлари фаолиятида психологик хизматни ташкил қилиш масалаларини кўриб чиқишдан олдин, психологик хизмат, амалиётчи психолог фаолиятининг айрим жиҳатлари устида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Психологик хизматни ташкил қилиш ва уни амалга оширувчи ходим шахси, унинг профессионал этик жиҳатлари нималардан иборат?

Прокуратура органларига хизматга номзодларни излаб топиш, улардан муносибларини танлаб олиш, кадрларни жой-жойига қўйиш ва бу борада амалий психодиагностикадан ўринли фойдалана олиш ўта муҳим, масъулиятли иш

ҳисобланади. Бу иш ўзига хос махсус маълумот, касбий маҳорат талаб қилади. Чунки, бу ўринда гап инсон тақдири, халқ манфаатлари устида боради. Шу билан боғлиқ равишда психодиагностика ва психодиагност шахсига қатор ижтимоий-этик талаблар қўйилади. Буларга психодиагностика натижаларини сир сақлаш, психодиагностик методикаларнинг илмий асосланганлиги, ўрганилаётган одамга зиён етказмаслик, улар учун тадқиқот натижаларининг ошкоралиги, хулосаларнинг объективлиги ва тақлиф этилаётган амалий тавсияларнинг самарадорлиги кабилар қиради. Бу талабларни психодиагностика тамойиллари кўринишида кўриб чиқамиз.

Психодиагностика натижаларини сир сақлаш тамойили — бу ўрганилаётган одам шахсан руҳсат бермагунча унинг натижаларини ошкор қилмасликни тақозо этади. Психодиагностика илмий мақсадларда, экспериментал тадқиқотнинг бир қисми сифатида ўтказилаётган ҳолатлар бундан мустасно, лекин бу ҳолатларда ҳам, одатда натижаларни эълон қилишда синалувчининг аниқ фамилияси ва исмини бермаслик тавсия этилади.

Психодиагностик методикаларнинг илмий асосланганлиги тамойили — уларни энг камида валидлик (яроқлилик) ва ишонччилик талабларига жавоб беришини тақозо этади, яъни улар ишо-

ниш мумкин бўлган натижаларни бериши керак.

Зиён етказмаслик тамойили — психодиагностика натижаларини ҳар қандай ҳолатларда тадқиқ этилган одамга зиён етказмаслиги кераклигини назарда тутати. Агар психодиагностика конкурс асосида танлаб олиш мақсадида ёки одамни ишга қабул қилишда ўтказилаётган бўлса, унда мазкур тамойил психодиагностика натижалари синалувчи учун ошқора бўлиши тамойили билан биргаликда қўлланилади. Бунда синалувчи, ундан нимани ва қандай ўрганилишини, тестдан ўтказиш, уни тадқиқ этишнинг натижаси қандайлиги, шунингдек, бу маълумотлар унинг тақдирини (муммосини) ҳал қилишда ким томонидан ва қандай тарзда фойдаланиши кабилар ҳақида маълумотни талаб қилишга ҳақли.

Хулосаларнинг объективлиги тамойили — тестдан ўтказиш натижалари илмий асосланган бўлиши талаб қилинади. Яъни психодиагностика хулосалари тест ўтказиётган ёки унинг натижаларидан фойдаланадиган шахснинг субъектив установакаларига мутлақо боғлиқ бўлмадлиги ва у томонидан белгиланган бўлмай, балки валидли ва ишончли методикаларни қўллаган ҳолда ўтказилган тестдан ўтказиш натижаларига асосланган бўлиши шарт.

Таклиф этиладиган тавсияларнинг самарадорлиги тамойили — бундай тавсиялар кимга берилаётган бўлса, шу одамлар учун албатта фойдали бўлиши керак. Тестдан ўтказиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган одам учун фойдаси тегмайдиган ёки қандай оқибатларга олиб келиши номаълум бўлган амалий тавсияларни беришга рухсат этилмайди.

Психодиагностикага қўйилладиган юқоридаги талаблар билан бир қаторда, у билан шуғулланадиган психодиагност шахсига ҳам алоҳида квалификациян талаблар қўйилади. Уларнинг асосийлари: яхши назарий тайёргарликка эга бўлиш, психодиагностик методикалар ва уларни қўллаш қоидаларини мукаммал билиш, тегишли методикалардан амалда фойдаланиш юзасидан етарлича тажрибага эга бўлиш кабилардир.

Ҳар қандай психодиагностик методика ўз-ўзидан юзага келавермайди. Улар ўзи ўрганаётган объектга оид қандайдир бир назария заминида юзага келади ва ривожланади. Масалан, интеллект тестлари интеллект табиати, тузилиши, аҳамияти ва ҳаётий намоён бўлиши ҳақидаги илмий тасаввурларга асосланади. Шахс тестлари эса шахснинг илмий таърифи, шахс тузилишини тушуниш, шахс ҳақида объектив мулоҳаза юритиш мумкин бўлган маълум бир шахс назарияларига асосланади. Ҳар бир психодиагностик методика айни вақтда ўзи боғлиқ бўлган у ёки бу назария билан бойитилган ва чегараланган бўлади. Тегишли назарияни билган ҳолда, шу назария доирасида ўрганилаётган одам ҳақида, кўпинча бе-

восита психодиагностика натижалари доирасидан (чегарасидан) кенгроқ, узокни кўзлаган хулосалар чиқаришга эришиш мумкин. Масалан, айрим шахс назарияларига кўра, шахснинг бир хислати бошқа бир хислати билан яқиндан боғлиқ бўлади. Шунинг учун шахс хислатларидан бирини психодиагностика ёрдамида аниқлаш билан унинг бошқа бир хислати қай даражада ривожланганлиги ҳақида ишончли мулоҳазаларга келиш мумкин. Лекин, психодиагностика методикаси заминида ётадиган назария кўпинча унинг натижаларини изоҳлаш (интерпретация қилиш)ни чеклаши мумкин. Шундай методикалардан бири бўлмиш шахснинг ўрганишга мўлжалланган, З.Фрейднинг психоанализ таълимотига асосланган Тематик Апперцепциялашган Тест (ТАТ) натижаларини фақат шу таълимот доирасидагина изоҳлаш ва шуларга асосан тегишли хулосаларга келиш талаб қилинади. Бунда шахс хислатларининг гуманистик ёки факторли назарияларига кўра асосланиши ноўрин бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳар қандай психодиагностик методикалардан психодиагностик амалиётда фойдаланишда мазкур методика асосланадиган назарияни билиш шарт. Буларсиз психодиагност одамларни тадқиқ этиш натижаларини таҳлил қилиш, изоҳлаш ва хулосалар чиқаришда жиддий хатоларга йўл қўйиши мумкин.

Методикани мукаммал ўзлаштирганлик уни синалувчи эътиборига ҳавола этиш, натижаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаш тартиб-қоидаларига оид билим ва малакаларга эга бўлишни тақозо этади. Тадқиқотчи, токи психодиагностик тестни яхши ўзлаштириб олмагунча ёки ҳеч бўлмаса, ўзи қўлламоқчи бўлган тестни ўзида ёки ўзи яхши билган одамларда ўтказиб кўрмагунча, ундан бошқаларни ўрганишда фойдаланмаслиги керак. Психодиагностик методикаларни қўллаш тартиби, талаблари, қоидаларини ҳам билиш жуда муҳимдир. Бу тартибларга амал қилиш ишончли натижаларни олиш имкониятини берса, уларни бузиш жиддий хатоларга олиб келиши мумкин. Тестнинг ўзи ўз ҳолича қанчалик яхши бўлишига қарамай, ундан фойдаланиш вақтида албатта синалувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мазкур вазиятдаги ҳолати ва кўплаб психодиагностикага таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиш лозим. Бунда психологик тадқиқотлар олиб боришнинг асосий тамойиллари бўлмиш детерминизм ва изчиллик тамойилларига амал қилиш керак.

Тадқиқотчининг тегишли психодиагностика методикасини амалда қўллай билиш тажрибасига эга бўлиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай психодиагностика методикаларидан фойдаланиш тажрибаси ҳам узлуксиз бўлиши керак. Чунки улардан фойдаланишдаги танаффуснинг узок вақт

чўзилиши ҳам одатда тегишли билим, малака, кўникмаларнинг йўқолишига ва улар билан ишлаш сифатининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Психодиагностик тадқиқотлар ўтказиш вақтида тадқиқотчи қуйидаги ахлоқий-этик меъёрларга амал қилиши шарт:

1. Одамни унинг ихтиёрий розилигисиз психологик тадқиқотга жалб қилмаслик керак (қонунда белгиланган алоҳида суд ёки медицина амалиёти ҳолатлари бундан мустасно).

2. Психодиагностик тестдан ўтказишдан олдин синалувчини у тадқиқот жараёнида ўзи англамаган (сезмаган, билмаган) ҳолда ўзи ҳақида, ўз фикр-ўйлари, ҳиссиёти ҳақида айрим маълумотларни бериб юбориши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириб қўйиш лозим.

3. Агар бу қонун билан тақиқланмаган бўлса, ҳар қандай одам (синалувчи) тестдан ўтказиш натижаларини ва ундан олинган маълумотларни ва улардан ким, қаерда ва нима мақсадда фойдаланиши мумкинлигини билишга ҳақли.

4. Психологик тестдан ўтказиш натижалари тестни ўтказган одам томонидан синалувчига тўғри тушуниладиган шаклда берилиши керак.

5. Вояга етмаган синалувчиларни тестдан ўтказишда уларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар боланинг тестдан ўтказиш натижаларини билишга ҳақли.

6. Агар тестдан ўтказиш одамнинг психик ривожланганлик даражасини аниқлаш, конкурс асосида танлаб олиш ёки ишга қабул қилиш мақсадида ўтказилаётган бўлса, бунда синалувчи нафақат тестдан ўтказиш мақсади, балки у ҳақда тест натижаларига кўра қандай асосда хулоса қилинишини ҳам билишга ҳақли.

7. Психодиагностик тестлардан амалда фойдаланиш учун асосий жавобгарлик уларни қўллаётган психологларга, ходимларга ва ташкилотларга юклатилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ижтимоий-иқтисодий тизими мўътадилроқ бўлган бир қатор ривожланган мамлакатларда психодиагностик тестлардан фойдаланиш, уларнинг натижаларини эълон қилишга нисбатан қонуний қайд этилган давлат чекланишлари мавжуд. Улар қуйидаги мажбурий меъёрларни ўзида мужассам қилади:

1. Касбга танлов ва экспертиза учун фойдаланиладиган кўпчилик психодиагностик тестларни оммавий ахборот воситалари орқали очик чоп этириш тақиқланади. Чунки, улардан тегишли малака ва тайёргарликка эга бўлмаган одамлар фойдаланиши оқибатида уларнинг натижалари бузилиши, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

2. Психодиагностик тестлардан фойдаланувчи ва психодиагностик тестдан ўтказиш билан шуғулланувчи психологлар олий психологик маъ-

лумотга эга эканлиги ҳақидаги дипломга эга бўлиши керак, бу амалиётга алоқадор бошқа кишилар эса, бундай фаолият билан шуғулланиш учун тегишли лицензияга эга бўлиши лозим.

Амалиётчи психологнинг этик кодексидан намуналар

Прокуратура органлари кадрлар бўлими ходимлари ўз фаолиятини тегишли расмий ҳужжатлар, буйруқ, низомлар доирасида амалга оширади. Лекин уларга хизмат юзасидан кадрларни ўрганиш ва танлаб олишда психодиагностика воситаларидан фойдаланиш, психодиагностик вазифасини бажаришларига тўғри келиши мумкинлигини назарда тутган ҳолда биз психологик, психодиагностик фаолиятда амал қилиниши зарур бўлган “Амалиётчи психологнинг этик кодекси”дан намуналар келтириб ўтишни лозим топдик.

Этик кодекс — деб, одамларнинг улар мулоқотга киришадиган у ёки бу жиҳатлардаги ўзаро муносабатлари ва фаолиятида амалга ошадиган хулқининг ахлоқий қоидалари мажмуига айтилади. Этик кодекс асосида ўзида адолат, меҳрибонлик мезонларини намоён этадиган ахлоқий меъёрлар ётади.

Қуйида психологик амалиётнинг турли вазиятларида амалиётчи психолог хатти-ҳаракати ахлоқий жиҳатларини мувофиқлаштирувчи намунавий (тахминий) этик кодексини келтириб ўтамыз:

1. Психологнинг психодиагностик амалиётдаги касбий фаолияти унинг синалувчилар олдида алоҳида жавобгарликка эга эканлиги билан характерланади.

2. Синалувчининг шахсий манфаатлари тегишли муассаса, унинг раҳбарлари ва бошқа одамлар манфаатларига зид бўлган ҳолатларда психолог ўз вазифасини максимал ҳолисоналик билан бажаришга мажбур.

3. Психологнинг иши касбий мустақиллик ва автономия тамойиллари асосида ташкил қилинади. У мустақил равишда касбий-психологик тавсиф бериш ваколатига эга.

4. Психолог қарорини тегишли ваколатга эга бўлган ва юқори малакали психологлардан ташкил топган махсус комиссия бекор қилиши мумкин.

5. Номзодлар билан ишлашда психолог ҳаққонийлик ва самимийлик тамойилларига асосланади.

6. Синалувчиларга психологик ёрдам бера оладиган бўлиши учун психолог кафолат ва тегишли ҳуқуққа эга бўлиши лозим. У ўз навбатида, унга берилган ҳуқуқлардан ўринли, тўғри фойдаланиш учун шахсан жавобгардир.

7. Прокуратура органларида фаолият кўрсатётган психологнинг иши ҳар бир синалувчининг интеллектуал ва шахсий ривожланиши йўлидаги чекланишларни бартараф этишни назарда тута-

диган мутлақ инсоний мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши керак.

8. Психолог ўз ишини синалувчи шаънини мутлақ ҳурмат қилиш ва синалувчи шахси дахлсизлигини таъминлаш асосида ташкил қилади, унинг асосий инсоний ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилади ва ҳурмат қилади.

9. Психолог синалувчи манфаатларини жамият олдида, барча одамлар олдида ҳимоя қиладиган асосий ҳимоячилардан бири бўлиб ҳисобланади.

10. Психолог психодиагностик ва психокоррекция методикаларни танлаб олишда, шунингдек, ўзининг хулоса ва тавсияларини беришда эҳтиёткор, ҳушёр бўлиши керак.

11. Психолог синалувчининг шахсий ривожланишини, унинг инсоний эркини, жисмоний ва психологик дахлсизлигини чеклайдиган ишларда иштирок этмаслиги керак. Психолог касбий этикасининг энг оғир бузилиши уни синалувчига зиён етказувчи ишларда бавосита ёки шахсан иштирокида намоён бўлади. Бундай ҳолатга бир бор йўл қўйган шахс психодиагностик ишлар билан шуғулланиш, профессионал психологик мутахассислигини таъкидлайдиган диплом ёки бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқидан бутунлай (бир умрга) маҳрум этилади, қонун билан белгиландиган ҳолатларда эса судга берилади.

12. Психолог синалувчининг ҳақ-ҳуқуқлари бошқа одамлар томонидан поймол қилинган, синалувчилар билан инсонпарварликка асосланмаган мулоқотда бўлинган ҳолатларни сезган вақтда бу ҳақда ўзининг бевосита раҳбарига хабар бериши шарт.

13. Психолог синалувчи ҳуқуқларининг бузилишига олиб келадиган ҳар қандай сиёсий, ғоявий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа таъсирларга қаршилик кўрсатиши керак.

14. Психолог фақат ўзи зарур маълумот ва малакага эга бўлган соҳалар бўйичагина хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга.

15. Етарлича апробациядан ўтмаган ёки барча илмий стандартларга тўла жавоб бера олмайдиган психодиагностик (психокоррекция) усуллардан ноиложлик туфайли фойдаланишга тўғри келиб қолгудек бўлса, унда психолог бу ҳақда манфаатдор шахсларни огоҳлантириб қўйиши, ўзининг хулоса ва тавсияларида эҳтиёткор бўлиши керак.

16. Психологнинг психодиагностик, психокоррекция ёки психотерапевтик материалларни улардан фойдаланиш учун тегишли тайёргарликдан ўтмаган, номутахассис шахсларга беришга ҳаққи йўқ.

17. Психолог психодиагностика ва психологик таъсир этиш методикаларидан махсус профессионал тайёргарликка эга бўлмаган шахслар томонидан фойдаланилишига тўсқинлик қилиши ке-

рак, бу ҳақда бундан бехабар ҳолда ундай шахслар хизматидан фойдаланаётган кишиларни огоҳлантириб қўйиши шарт.

18. Синалувчиларни индивидуал психологик текшириш натижасида олинган маълумотларни психолог фақат уларни ўзларининг розилиги билангина учинчи одамларга айтиши ёки бериши мумкин. Бунда синалувчи у ҳақда кимга ва қандай маълумотлар берилаётганлигини билишга ҳақли.

19. Тегишли муассасалар маъмуриятига синалувчи ҳақида фақат бу одамлар улардан синалувчига зиён етказиш мақсадида фойдалана олмайдиган маълумотлар берилади, холос.

20. Психолог оммавий ахборот воситалари ва бошқа психологик ёрдам кўрсатиш воситаларидан фойдаланишда, бундай маълумотларни олиш ёки тарқатишда одамларни психологик характердаги ёрдам учун бунга ҳаққи йўқ шахсларга муносабат қилиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириши, бундай ёрдамни қаердан ва кимдан олиш мумкинлигини айтиб ўтиши лозим.

21. Психолог ўзи, роли ва функцияси синалувчиларга зиён етказиши мумкин бўлган турлича (икки хил) маънода тушунилиши мумкин бўлган ишлар ёки фаолият билан шуғулланмаслиги керак.

22. Психолог мижозларга ўзи бажара олмайдиган ваъдаларни бермаслиги керак.

23. Агар синалувчини тадқиқ қилиш ёки унга психологик аралаштириш бошқа шахснинг тегишли идоралар вакиллари, врач, судья ва ҳақозолар талабига кўра бўлаётган бўлса, психолог бу ҳақда синалувчини хабардор қилиб қўйиши керак.

24. Психолог ўзи ўрганган синалувчилар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланиши учун шахсан жавобгар.

25. Бирон-бир идорага (муассасага) ишга қабул қилинишда психолог ўзининг профессионал ваколати (компетенцияси) доирасида мустақил фаолият юритишини айтиб ўтиши, шунингдек, ўзи ишлайдиган (ишлаши лозим бўлган) идора маъмуриятини ва бошқа манфаатдор шахсларни мазкур этик кодекс мазмуни ҳақида огоҳлантириб қўйиши лозим. У ўзининг касбий ишига алоқадор бўлган барча шахслар эътиборини сир сақлаш ва касбий этика талабларига амал қилиш лозимлигига қаратиши керак. Шу билан бирга, уларни психологнинг ишига фақат психологик хизматнинг тегишли ваколатга эга бўлган юқори ташкилотларигагина профессионал аралаштириш мумкин эканлиги ҳақида огоҳлантириб қўйиши керак. Шунингдек, у бошқа шахслар томонидан билдирилган ноэтик талабларни бажара олмаслиги ҳақида ҳам таъкидлаб ўтиши жоиз.

26. Профессional амалиётчи психолог томо-

нидан этик кодекс низомларини бузиш амалиётчи психологлар ассоциациясида “психолог обрўси” бўйича муҳокама қилиниши, зарур бўлиб қолган шароитларда психологик хизмат таркибига кирувчи янада юқорироқ профессионал ташкилотларда муҳокама қилиниши керак.

Психологик хизматнинг қуйидаги умумий йўналишлари фарқланади:

1. Психодиагностика;
2. Психологик тузатиш (психокоррекция);
3. Психологик маслаҳат бериш (психоконсультация);
4. Психопрофилактика;
5. Психологик маърифат ишларини олиб бориш.

Маълумки, ҳар бир одам ўзини ўзи ва воқеликни (атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни, нарсаларни) ўзича, ўзига хос, субъектив акс эттиради. Бир одамнинг воқеликни қандай идрок этиши, қабул қилиши иккинчи одамнинг айнан шу воқеликни идрок этиши, қабул қилишига мос келмайди. Шуниси билан ҳам одам энг мураккаб билиш объекти эканлигича қолаверади. Бу эса одамни ўрганишни, тушунишни, у ёки бу вазиятда у ўзини қандай тутиши, қандай хулқ, фаолликни намоён қилишини олдиндан айтиб беришни мураккаблаштириб юборади. Бир одамга маъқул бўлган хулқ-атвор меъёри бошқа бир одамга маъқул тушмаслиги, бир одам учун самарали бўлган усул бошқасига мутлақо тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун шахсга психологик хизмат кўрсатишда, унга психологик таъсир қилишда аввало, шу одамнинг ўзи ким эканлигини, унинг шахсий хусусиятлари қандай эканлигини билиш муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлардан ҳисобланади. Психологик хизмат (психологик таъсир этиш)нинг самарадорлиги ҳам айнан шунга кучли боғлиқ бўлади.

Психодиагностикада турли психодиагностик воситалар, методлар, тестлар ёрдамида ўрганилаётган одамнинг психологик хусусиятлари, шахси, ўрганилаётган жамоадаги шахслараро муносабатлар хусусиятлари, ундаги ўзаро муносабатлар тизими ўрганилади. Бу объектнинг ким ва қандай эканлиги аниқланади. Психодиагностика ёрдамида аниқланган хусусиятлар, аксарият ҳолларда уларнинг асосан салбий характерга эга бўлган жиҳатлари психологик тузатиш ишлари орқали бартараф этилиши лозим бўлади. Унда ўрганилаётган шахснинг индивидуал хусусиятларидаги, унинг маълум бир фаолиятларни мақсадга мувофиқ амалга оширишига ҳалақит қилиши мумкин бўлган айрим сифатлари кўрсатилади ва уларни бартараф этиш юзасидан психологик маслаҳатлар берилади. Психологик маслаҳатлар беришда бошқа бир қанча илмий манбалардан олинган маълумотлардан, психологнинг, ходим, кадрлар аппарати ходимининг ҳаётий тажриба-

си, касбий маҳорати ва бошқа шу каби манбалардан фойдаланиш ҳам маъқул, лекин бу ўринда ҳал қилувчи манба бўлиб шу маслаҳат берилаётган одам, ёш ходим ёки юқори лавозимга захира сифатида танланган ходимнинг ўзидан, психодиагностика ёрдамида олинган маълумотлар хизмат қилиши керак. Яъни шу одамнинг ўзидан олиб — ўзига қайтариш мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир тестда синалувчида ўрганилаётган сифатлар қай даражада намоён бўлиши, ифодаланиши аниқланади. Тест натижалари изоҳида шахс ҳақида маълум бир тавсиф берилади. Буларнинг ҳаммаси ҳам бир ёқлама ижобий бўлавермайди. Шу аниқланган сифатларнинг мақсадга эришишга, ишнинг муваффақиятига ҳалақит қилиши мумкин бўлган жиҳатлари бартараф этилиши лозим бўлади. Бунинг учун, тестнинг стимул варианты (тест саволи, топшириқлари), шу саволга берилган жавоб, бу жавоб учун калитга мувофиқ қўйилган баҳо ва йиғилган балларнинг изоҳи биргаликда кўриб чиқилади. Шу уч асос мазмунидан келиб чиқиб синалувчига тегишли маслаҳат берилади, салбий сифатлари ўзининг салбий асоратларини намоён қилмаслиги учун маслаҳат, тузатиш, профилактика тадбирлари (дастурлари) ишлаб чиқилади.

Психопрофилактикада психодиагностика орқали аниқланган маълумотларга асосланган ҳолда шахсда мавжуд бўлган ижобий ва салбий хислатлар қандай натижаларга, оқибатларга олиб бориши мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритилади ва рўй бериши мумкин бўлган салбий ҳолатлар, вазиятларнинг олдини олиш бўйича тегишли чоратадбирлар ишлаб чиқилиб, оғоҳлантиришлар берилади, йўналишлар белгилаб олинади.

Ниҳоят психологик хизматнинг сўнгги йўналиши бу психологик маърифат ишларини олиб боришдир. Маълумки, ҳамма одамлар ҳам психологияга қизиқавермаслиги ёки ўзининг касб-хунар фаолияти характеридан келиб чиққан ҳолда психология фани ютуқлари, психологик таълимотлар, амалий психология имкониятларидан беҳабар, булар ҳақидаги маълумотларга дуч келмаган бўлиши мумкин. Психологик маърифат ишларини олиб бориш эса одамларни шу маълумотлардан хабардор қилиш, ходимлар ўртасида психологик илмларни тарғиб қилиш, уларнинг психологик саводхонлигини ошириш, психологик маърифий ишларнинг йўлга қўйилишини тақозо қилади. Унинг самарадорлиги, шубҳасиз, психологик хизматнинг юқорида санаб ўтилган йўналишлари натижаларига қанчалик асосланишга боғлиқ.

Албатта, бу ишлар (психологик хизмат) махсус психологик маълумотга эга бўлган, малакали мутахассислар томонидан олиб борилса, айти мударра бўлар эди. Лекин, афсуски, мамлакатимизда бундай мутахассисларга бўлган тақчиллик мавжуд. Айрим манбаларда таъкидланишича, рес-

публикамизда турли муассасаларнинг малакали психолог мутахассислар билан таъминланганлик даражаси атиги 0,9 фоизни ташкил этади. Прокуратура органларининг малакали психолог мутахассислар билан таъминланиши энди йўлга қўйилмоқда. Шундай экан, бу муаммони ҳал қилиш учун нима қилиш керак? Бизнингча, бу ўринда К.Д.Ушинскийнинг “Ҳар бир илмий маълумотли педагог — психологдир”, — деб таъкидлаган иборасини “Ҳар бир олий, илмий маълумотли, мулоҳазали, тажрибали, ўз ишини севадиган прокуратура органлари ходими — шубҳасиз психологдир”, — деб талқин қилишимиз мумкин. Ҳар бир ходимнинг, айниқса, кадрлар масаласи учун масъул ходимнинг ҳақиқатан ҳам психодиагностика, амалий психология билимларини етарли даражада эгаллаган, ўз фаолиятида ҳозирги замон психологияси ютуқларидан самарали фойдалана оладиган ходим бўлиб етишишига ва у

ҳақиқатан ҳам одамини билиш борасида, шубҳасиз, психолог бўла олишига эришиш лозим.

Бунга асосан ўзини ўзи ўқитиш, ўзини ўзи тарбиялаш, ўз устида, ўз билим, малака, кўникмаларини ошириш борасида узлуксиз, мустақил ишлаш орқалигина эришиш мумкин. Академия тингловчилари ўқув дастури доирасида психологиядан белгиланган машғулотларда иштирок этар эканлар, айниқса, бу фан бўйича ўтказиладиган амалий ва мустақил машғулотларда фаол иштирок этиб, тавсия этилган, берилган психодиагностик воситалар билан яқиндан танишиб чиқиб, улар ёрдамида аввало ўзларини ўрганиб борар эканлар, ўзларининг психологик саводхонлик даражасини оширишга эришадилар. Бундай тегишли билим, малака, кўникмаларни ўзлаштириш ҳар бир прокуратура ходимининг зарурий эҳтиёжига айланиши давр талабидир.



1. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. /1-китоб. Психол. фан. докт. проф. Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида. – Тошкент.:Меҳнат, 2000. -219 б.; 2-китоб. Психол. фан. докт. проф. Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида. – Тошкент, 2014. – 290 б.
2. Гришин В.В., Лушин П.В. Методики психодиагностики в учебно-воспитательном процессе. –М.: ИКА, 1990. -64 с.
3. Практическая психодиагностика. Методики и тесты. Учебное пособие. –Самара, 1998. – 672 с.
4. Психодиагностика: Учебник для вузов /Л.Ф.Бурлачук. –СПб.: Питер, 2003. – 352 с.
5. Реан А.А. Психология и психодиагностика личности. Теория, методы исследования, практикум. –СПб.: ПРЕЙМ-ЕВРОЗНАК, 2008. -255 с.
6. Соғинов Н.А. Педагог ходимларнинг психология бўйича малакасини ошириш масалалари. /Педагогика олий ўқув юртларида психология фанларини ўқитишни такомиллаштириш муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент, 1997. –Б. 70-72.
7. Соғинов Н.А. Фанлараро интеграция ва Ўзбекистонда психологиянинг ривожланиши. /Психология XXI века: теория, практика, перспективы. Материалы Международной научно-практической конференции. –Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2013. –Б. 96-98.
8. Шоумаров Ғ.Б., Расулова З.А. Оила энциклопедияси. –Тошкент: “ИЛМ-ЗИЁ-ЗАКОВАТ”, 2016. – 416 б.
9. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида психологик хизмат, халқ таълими тизимида ишлайдиган психологларнинг малакасини ошириш ва уларнинг аттестацияси ҳақида НИЗОМ. –Тошкент, 1996. – 28 б.
10. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида психологик хизматни ташкил қилиш тўғрисида НИЗОМ. –Тошкент, 2000. – 17 б.

Рустам ГАФУРОВ,
Первый заместитель начальника Академии

ПРОБЛЕМЫ ВВЕДЕНИЯ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

◆ Мақола Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини киритиш масалаларига бағишланган. Мақолада юридик шахсларнинг жиноий-ҳуқуқий жавобгарлиги институтининг миллий ҳуқуқ тизимида жорий этилиши истиқболлари ва муаммолари кўриб чиқилган.

◆ Статья посвящена вопросам введения уголовной ответственности юридических лиц в Республике Узбекистан. В статье рассматриваются перспективы, спорные вопросы и необходимость внедрения института уголовно-правовой ответственности юридических лиц в национальную правовую систему.

◆ The article is devoted to the issues related with introduction of criminal liability of legal entities in the Republic of Uzbekistan. The article discusses the perspectives, controversial and necessity of implementation of an institute on criminal-legal liability of legal entities into national legal system.

Таянч сўзлар: юридик шахс, жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик, юридик шахснинг айби.

Ключевые слова: юридическое лицо, уголовно-правовая ответственность, вина юридического лица.

Key words: legal entity, criminal-legal liability, guilt of a legal entity.

Общепризнанно, что юридическое лицо, как и лицо физическое, есть субъект права.¹ Ученые разработали множество теорий, объясняющих природу юридического лица, среди которых: «теория фикции» (Фридрих Карл фон Савиньи), теория «персонифицированной цели» (Алоиз фон Бринц), «реалистическая теория» (Р. Саллейль), «теория интереса» (Рудольф фон Иеринг), «теория коллектива» (А.Н. Венедиктов), «теория директора» (Ю.К. Толстой).²

Определение понятия юридического лица закреплено в ст.39 Гражданского кодекса Республики Узбекистан. «Юридическим лицом признается организация, которая имеет в собственности, хозяйственном ведении или оперативном управлении обособленное имущество и отвечает по своим обязательствам этим имуществом, может от своего имени приобретать и осуществлять имущественные и личные неимущественные права, нести обязанности, быть истцом и ответчиком в суде.»³

В настоящее время в Узбекистане юридическое лицо может быть привлечено лишь к гражданско-правовой ответственности. При этом оно остается уголовно недосыгаемым даже в случае

совершения деяния, повлекшего, например, экологическую катастрофу.

В гражданском праве как физические, так и юридические лица несут ответственность по установленным законом основаниям: нарушение условий договора, неосновательное обогащение, причинение вреда другому лицу и иные.

Принято считать, что субъектом преступления и уголовной ответственности может быть только физическое вменяемое лицо, достигшее определенного законом возраста. Данное положение стало в теории уголовного права некой аксиомой. Вместе с тем, необходимо отметить, что это не обозначает того, что уголовное законодательство нуждается в совершенствовании. Изучение международной практики и опыта некоторых зарубежных стран демонстрирует возможность и целесообразность уголовной ответственности юридических лиц.

Введение в современное уголовное законодательство рассматриваемого института требует при этом решения ряда теоретических вопросов.

Основная проблема определения уголовной ответственности юридического лица связана с

установлением субъективной стороной деяния. Обязательным условием уголовной ответственности является вина, которая понимается как психическое отношение гражданина к содеянному. Однако, юридическое лицо не может иметь никакой психики и, соответственно, непосредственно к юридическому лицу понятие вины не применимо. В связи с этим, в странах, где законом введена уголовная ответственность юридического лица, принято считать, что вина юридического лица заключается в виновном поведении руководителей или представителей данного юридического лица.

Уголовная ответственность юридического лица за виновные действия руководителей или представителей наступает лишь в том случае, если данные действия совершены в пользу или во исполнение функций данного юридического лица.

Исходя из этого, ответственность юридических лиц обусловлена наличием двух обстоятельств, а именно преступное деяние должно быть совершено в пользу самого юридического лица, и оно должно быть совершено непосредственно его руководителем или представителем.

Вместе с тем, ответственность юридических лиц не отменяет принципа личной виновной ответственности, а дополняет его.

Однако между ответственностью корпорации и ее руководителей либо представителей нет конкретной, тесной связи. Юридическое лицо может быть наказано вне зависимости от наказания или привлечения к ответственности физического лица.

Вопрос об уголовной ответственности юридических лиц в настоящее время остро обсуждается в связи с их необоснованной безнаказанностью за правонарушения, которые обладают большой общественной опасностью. При этом, законодательство Республики Узбекистан имеет достаточно строгую карательную систему ответственности (гражданская, административная) юридических лиц, однако не предусматривает самый строгий и наиболее эффективный ее вид - уголовную ответственность.

В настоящее время возникает необходимость рассмотрения вопроса внедрения института уголовно-правовой ответственности юридических лиц.

Необходимость в принятии отдельных законодательных актов в данном направлении обуславливается следующим:

1. Производство по делам об административных правонарушениях проводится по упрощенной процедуре, в более сжатые сроки, чем предварительное расследование. При производстве дел данной категории правонарушений не могут быть проведены оперативно-розыскные мероприятия;

2. Законодательство не предусматривает все-

го спектра санкций, соответствующих общественной опасности данного вида преступности, в том числе лишения лицензии, запрета на осуществление определенного вида деятельности, принудительной ликвидации юридического лица и др.;

3. Несоответствие административного воздействия в отношении юридических лиц, причастных к преступлению, требованиям международных конвенций о противодействии коррупции.

Будут ли работать данные нормы законодательства в Республике Узбекистан и нужна ли национальному законодательству сама идея уголовной ответственности юридических лиц? Чтобы ответить на эти вопросы, рассмотрим его основные положения.

Уголовной ответственности будут подлежать юридические лица, причастные к совершению преступления.

В связи с этим, необходимо определить причастность к преступлению юридических лиц как:

1. Совершение преступления в интересах юридического лица;

2. Использование юридического лица в целях совершения, сокрытия преступления или последствий преступления.

При этом организация будет считаться причастной к преступлению, которое совершило любое лицо, осуществляющее фактическое руководство (не обязательно должностное лицо).

В качестве видов мер уголовно-правового воздействия целесообразно предусмотреть:

а) штраф;

б) приостановление деятельности;

в) репрофилирование деятельности;

г) приостановление, прекращение действия или аннулирование лицензии (разрешений) на занятие отдельными видами деятельности;

д) лишение права заниматься определенным видом деятельности;

ж) принудительная ликвидация.

Ликвидация, как самый строгий вид наказания, будет назначаться юридическому лицу, образованному на территории Республики Узбекистан юридическому лицу, чья деятельность была сопряжена исключительно с совершением или сокрытием преступления либо сокрытием его последствий на территории Республики Узбекистан, либо юридическому лицу, уставной капитал которого более чем наполовину сформирован из имущества, полученного в результате совершения преступления. При назначении ликвидации, суд вправе будет признать сделки, заключенные этим юридическим лицом недействительными.

Во избежание вывода активов с момента вступления в законную силу решения суда до полного исполнения наказания юридическому лицу будет запрещается проводить добровольную ликвидацию или реорганизацию, а также отчуждение

принадлежащих ему акций или долей зависимых хозяйственных обществ и недвижимого имущества.

Признание юридического лица причастным к преступлению на основании решения суда повлечет для него судимость на определенный срок. Судимость будет учитываться при назначении наказания в случае повторной причастности юридического лица к преступлению, а также при проведении приватизации, размещения заказов на поставки товаров, выполнение работ, оказание услуг для государственных нужд.

Рассмотрим наиболее спорные вопросы данных предложений.

Вместо прямого указания на введение уголовной ответственности, предлагается внедрить на практику меры уголовно-правового характера.

Необходимо ответить, что уголовная ответственность наступает только за совершённое преступление, предусмотренное в Особенной части УК. При этом, внедрение данного института не предусматривает введение новых статей в Особенную часть УК, устанавливающих составы преступлений, совершаемых юридическими лицами.

Другим спорным вопросом данных предложений является то, что действующий Уголовный кодекс Республики Узбекистан предусматривает уголовную ответственность только за виновные деяния. Однако при внедрении на практику мер уголовно-правового характера будет необходимо внесение ещё одного признака уголовной ответственности — причастности. На практике может возникнуть случай, когда юридическое лицо, осуществляющее хозяйственную деятельность, может быть использовано недобросовестными лицами, в целях совершения, сокрытия преступления или последствий преступления и, при этом понести ущерб, то есть оказаться потерпевшим. Заявляя в правоохранительные органы

о совершённом преступлении, данное юридическое лицо рискует из потерпевшего превратиться в обвиняемого, лишь в силу того, что оно оказалось причастным к преступлению.

В целом целесообразность внедрения института уголовной ответственности юридических лиц определяется следующим:

1) в случае нарушения общественных отношений, охраняемых уголовным законодательством, гражданско-правовые и административные меры недопустимы, поскольку санкции других отраслей права не отражают фактическую степень общественной опасности деяний, совершаемых юридическими лицами;

2) юридическое лицо признается со стороны закона самостоятельным субъектом права, существующим независимо от физических лиц, поэтому оно может быть признано виновным в совершении отдельных видов преступлений и привлечено к уголовной ответственности;

3) уголовная ответственность юридических лиц не исключает ответственности физических лиц, что в свою очередь сохраняет принцип личной виновной ответственности.

Ключевым моментом при решении вопроса об уголовной ответственности юридических лиц является проблема вины. Ряд исследователей и практических работников полагают, что вина юридического лица проявляется опосредованно через поведение его работников, которые контролируют осуществление юридическим лицом его прав и обязанностей. Думается, что такое понимание соответствует укоренившемуся представлению о вине как о психическом отношении лица к совершённому им деянию. Иначе следовало бы отвергнуть гражданско-правовую ответственность юридических лиц, поскольку эти виды ответственности также предполагают наличие вины.



¹ Братусь С.Н. Юридические лица в советском гражданском праве. М., 1947. С. 35.

² Гражданское право: учебник: В 3 т. Т. 1 / под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. М., 2004. С. 146-151.

Муҳтарам РАДЖАПОВА,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси Судларда ишлар кўрилишида прокурор ваколатини
таъминлаш кафедраси бошлиғи в.б.

ЖИНОЯТ СУД ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР

◆ Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ жиноят ишларининг судларда кўрилишида прокурор иштирокининг хусусиятлари, жиноят процесси иштирокчиларидан бири бўлган прокурорнинг суддаги процессуал мақоми, вазифа ва ваколатлари хусусида фикр юритилади. Мақолада мавзудан келиб чиққан ҳолда жиноят ишларининг судларда кўрилишида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

◆ В настоящей статье освещены отдельные особенности участия прокурора при рассмотрении судами уголовных дел, процессуального его положения, задач и полномочий в соответствии с Уголовно-процессуальным кодексом Республики Узбекистан и Законом Республики Узбекистан “О прокуратуре”. В статье исходя из её тематики приведены суждения о совершенствовании правовых основ участия прокурора при рассмотрении в судах уголовных дел.

◆ This article enlightens specific features of the participation of the prosecutors in court hearings of criminal cases, their procedural status, tasks and powers in accordance with the Criminal Procedural Code of the Republic of Uzbekistan and the Law of the Republic of Uzbekistan on the Prosecutor’s Office. In the article, on the basis of its subjects, proposals are given on the improvement of the legal basis of the participation of the prosecutor in examining criminal cases by the courts.

Таянч сўзлар: жиноят процесси, суд жараёни, айблов функцияси, прокурорнинг процессуал мақоми, жиноят суд иши юритуви босқичлари, далиллар.

Ключевые слова: уголовный процесс, судебный процесс, функция обвинения, процессуальный статус прокурора, стадии уголовного судопроизводства, доказательства.

Key words: criminal process, litigation, prosecution function, the procedural status of the prosecutor, the stages of the criminal proceedings, evidences.

Жиноят ишларини юритишнинг Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини кафолатли ҳимоялашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қомуси – Конституциямизнинг 13-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Ушбу вазифаларни бажаришга масъул давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасида прокуратура идоралари алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизими бўлиб, унинг асосий вазифалари – қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ

ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Ушбу вазифалар ижроси “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилади.

Прокурорнинг жиноят суд ишини юритиш жараёнидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 33 ҳамда 34-моддаларида белгилаб қўйилган.

Ушбу нормаларга асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Шу билан бирга, прокурор суд муҳокамасида қатнашиб, ЖПКнинг 409-моддасида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади.

Судларда жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатлари самарадорлигининг мезонлари нималардан иборат, суд хатоларининг олди-

ни олиш ва бартараф этишда прокурорнинг иштироки қай тартибда қурилиши керак?

Мазкур саволларга жавоб беришдан аввал, умуман, прокурорнинг суддаги ўрни ва роли ҳақида фикр юритиш лозим бўлади.

Л.П.Чумакова таҳрири остида чоп этилган “Юридик фанининг замонавий муаммолари” тўпламининг ўнинчи нашрида¹ қайд этилишича, жиноят суд ишини юритиш жараёни бир қанча босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг орасида суд муҳокамаси босқичи жиноят процессининг марказий якуний аҳамиятга эга босқичи бўлиб ҳисобланади. Жиноят суд ишини юритиш жараёнининг бошқа босқичлари ёки суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш (судга қадар, яъни суриштирув, тергов олди, тергов босқичлари), ёки текширув (суд ҳужжатларининг асослилиги, қонунийлиги ва адолатлилигини текшириш), ёнки қўшимча (ҳукмлар ижроси билан боғлиқ) босқичлар бўлиб ҳисобланади.

Л.П.Чумакованинг фикрича, умумий процессуал фаолият бўлган жиноят суд иши юритишнинг турли босқичлари аҳамияти талқинидан келиб чиқадиган бўлса, прокурорнинг бирламчи вазифаси бу судда малакали давлат айбловини таъминлаш бўлиб, бошқа барча босқичлар ушбу вазифага эришишга хизмат қилиши керак.

Бошқа бир қатор процессуалист олимлар, чунончи С.Н.Алексеев, В.А.Лазаревалар ҳам шундай фикр тарафдорлари бўлиб ҳисобланадилар².

Ўзбекистон мустақилликка эришгунига қадар амалда бўлган “СССР прокуратураси тўғрисида”ги Қонунга кўра прокурорнинг ушбу йўналишдаги фаолияти судларда жиноят ишлари кўрилишида қонунлар ижросини назорат қилиш сифатида белгиланган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришга қаратилган ислохотлар бошланиши, ва аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ мустақил суд ҳокимиятининг майдонга кириб келиши билан прокурорнинг суддаги иштироки билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни прокурорнинг давлатдаги асосий функцияси, яъни қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишини сақлаб қолган ҳолда, эндиликда прокурорнинг суддаги иштирокини судларда ишлар кўрилишида қонунлар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ ҳолда белгилаб бермади.

Мазкур Қонунга кўра, прокурорнинг ушбу йўналишдаги ваколатлари судларда жиноий ишлар кўриб чиқилишида давлат айбловини қўллаб-қув-

ватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтиришдан иборат этиб белгиланди.

Қонунчиликда юз берган бундай ўзгаришлар жиноят суд ишини юритишда прокурорнинг ўрни ва роли камайтирилганлигидан далолат бермайди.

Прокурорлар зиммасига судда фаол, малакали иштирокни таъминлаш орқали одил судловни амалга оширишда қонунийликни мустаҳкамлаш кафолати сифатида судларга яқиндан ёрдам бериш вазифаси юклатилди.

Прокурор ўзининг суд жараёнидаги иштироки билан далилларнинг ҳар томонлама ва тўлиқ текширилиши, ишнинг ҳақиқий ҳолатлари аниқланиши, қонуний ва адолатли суд ҳукми қабул қилинишига эришишда судга кўмаклашувчи шахс сифатида майдонга чиқиши лозим.

Ю.ф.д., профессор Б.Х.Пўлатов прокурорнинг суд жараёнидаги иштироки хусусида тўхталар экан: “Прокурор суд муҳокамасида иштирок этиши билан далилларни ҳар томонлама тўлиқ, ҳолис текширишда, жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг айбини аниқлашда, у содир этган жиноятга тўғри ҳуқуқий баҳо беришда, судланувчига қонунга асосланган, адолатли жазо тайинлашда судга ёрдам беради. Суд муҳокамаси тарбиявий вазифани бажариши учун прокурорлар суд минбаридан содир этилган жиноятни оммавий муҳокама қилиш муҳитини яратиш мақсадида фойдаланишлари лозим”, деб кўрсатган³.

Жиноят суд иши юритиш иштирокчилари – бу муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган, жиноий процессуал ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахслардир. Жиноят процессининг айрим иштирокчилари эса асосий процессуал функцияларни, яъни айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал этиш каби вазифаларни бажариш орқали суд жараёнида муҳим роль ўйнайдилар.

Олимлар А.В.Смирнов, К.Б.Калиновскийнинг фикрига асосан, суд процессининг бундай иштирокчилари фақат алоҳида процессуал ҳаракатларни бажарувчи субъектлар бўлиб қолмасдан, ўзларининг жиноий-процессуал ҳуқуқларига кўра жиноят ишининг кўрилиши ва якунига дахлдор бўлган жиноят процессининг иштирокчилари бўлиб ҳисобланадилар⁴.

Судда айблаш функциясини прокурор амалга оширади. Кўпгина процессуалист олимларнинг фикрига кўра, айблаш функцияси жиноят-процессуал фаолиятининг жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсни фош қилиш, шунингдек унга қўйилган айбловни судда қувватлаш йўналиши сифатида белгиланади.⁵

Ю.ф.д., профессор Б.Х.Пўлатовнинг қайд этишича, прокурор давлат айбловини қувватлар экан, Жиноят-процессуал кодексининг, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари талабларига ва ишнинг барча ҳолатларини қараб чиқишга, шахсларга нисбатан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга асосланган ўз ишончига амал қилади⁶.

Жиноят ишлари бўйича суд жараёнларида иштирок этувчи ҳар бир субъектнинг процессуал мақоми ўзига хос хусусиятларга эга. Шубҳасиз, суд жиноят судлов процессида марказий ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, тортишув тарафлари бўлиб ҳисобланган прокурор ҳам, ҳимоячи ҳам жиноят судловида кенг ваколатларга эга бўлган процесс иштирокчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Жиноят судлов процессида прокурор зиммасига кенг қамровли вазифалар юклатилган. Суд жараёнида иштирок этувчи прокурор бу нафақат давлат айбловчиси, балки жиноят процесси принципларига қатъий амал қилган ҳолда прокурор иштирокини малакали таъминлаш орқали фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоялаш чораларини кўриши лозим бўлган мансабдор шахсдир.

Жиноят суд процессида иштирок этувчи прокурор иш бўйича судланувчи шахсга қўйилган айбловнинг қай даражада асосли эканлиги, далиллар билан тасдиқланганлиги, қонуний баҳоланганлиги хусусида ўзининг фикрини баён этиш орқали судланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга айнан шу жиноят иши доирасида жабрланувчи тариқасида жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, иш бўйича сўроқ қилинаётган гувоҳларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишининг олдини олувчи шахс ҳамдир.

Бизнинг фикримизча, суд жараёнида иштирок этувчи прокурорнинг вазифаларини тор доирада келтириш хато бўлур эди. Айнан шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 18-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш қоидаси мустаҳкамланган. Ушбу нормага мувофиқ жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт.

Жиноят суд процессидаги прокурорнинг процессуал мақоми, суддаги фаолиятининг шакл ва услублари, суднинг алоҳида босқичларида ҳал этиладиган масалалар ва ушбу масалаларнинг

муҳокамасида прокурорнинг иштироки Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгилаб берилган.

Жиноят процессининг дастлабки жараёнларида, яъни жиноят ишини қўзғатиш, суриштирув, дастлабки терговни амалга ошириш босқичларида прокурор кенг ваколатларга эга бўлиб, мажбурий характерга эга бўлган кўрсатмалар бериш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлса, жиноят ишининг суд жараёнида кўрилишида эса процесс тарафи бўлиб майдонга чиқади.

Жиноят судлов процессида прокурор биринчи инстанция судларида давлат айбловини қувватлаб майдонга чиқади ва айблов тасдиқланмаган тақдирда ундан воз кечиши ёки айбловни ўзгартириш юзасидан фикр бериши лозим бўлади, жиноят ишларининг юқори турувчи суд инстанцияларида кўрилиши жараёнидаги иштироки билан қуйи судларнинг суд ҳужжатлари қонунийлигини текширишда, суд ҳукмлари, қарорлари, ажримларининг ижроси билан боғлиқ масалаларни судлар томонидан ҳал этилишида иштирок этади.

Прокурор ўзининг суд мажлисидаги иштироки билан судга ишнинг ҳолатларини ҳар томонлама аниқлаш, далилларни текшириш ва тўғри баҳо беришда яқиндан ёрдам берган бўлсагина унинг суд процессидаги иштирокидан кўзланган мақсадга эришилган деб ҳисоблаш мумкин.

Шубҳасиз, прокурор суд жараёнидаги самарали иштирокни бир қанча талабларга оғишмайриоя этган ҳолдагина таъминлаши мумкин. Бу, авваломбор, суд жараёнига пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ, яъни жиноят иши материалларини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб таҳлил этган ҳолда, тегишли қонунларни ўрганиш орқали амалга оширилади.

Суд жараёнига яхши тайёргарлик кўрган прокуроргина суд мажлисида юзага келиши мумкин бўлган вазиятлар олдида ожиз бўлиб қолмайди. Жиноят иши материалларини билмаслик ёки яхши билмаслик суд мажлисида прокурор иштирокининг пасив бўлишига сабаб бўлади, бу эса унинг суд процессининг бориши ва натижасига реал таъсир кўрсата олиши мумкинлигини истисно этади.

Прокурор томонидан айблов функциялари тўлиқ бажарилмаган тақдирда суд бу вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олади ва судланувчининг жиноят содир этганликдаги айбини тасдиқловчи далилларни текширишга киришади. Бу ҳолат эса судланувчида судга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Ўз навбатида, суд томонидан прокурорнинг пасивлиги натижасида далилларни текширишдаги кам-

чиликни бартараф этиш чораларининг кўрилмаслиги суд хатоларига олиб келиши табиийдир.

Прокурорнинг суд жараёнларига тайёргарлигининг қуйидаги таркибий қисмларини келтириш мумкин:

— жиноят иши материалларини ўрганишнинг муайян тактик усулларини қўллаш;

— конкрет тоифадаги ишга доир махсус адабиёт, норматив ҳужжатлар ва суд амалиётини ўрганиш;

— жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиш;

— суд жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ҳар хил вазиятларни олдиндан кўра олиш ва уларни ҳал этиш усулларини белгилаш;

— айблов версиясини қуриш;

— давлат айбловини қувватлашни режалаштириш.

Жиноят иши ҳужжатларини ўрганишда қандай ҳолатлар таҳлил қилиниши зарурлигини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Булар:

1) муайян жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар;

2) шахсни жиноят содир этишда фош қилувчи далиллар;

3) айблов фойдасига бўлмаган далиллар;

4) жиноят содир этган шахснинг шахсига доир маълумотлар;

5) норматив ҳужжатлар ва конкрет тоифадаги ишлар бўйича суд амалиёти.

Суд жараёнига тайёргарлик босқичида прокурор томонидан суд мажлисида юзага келиши мумкин бўлган вазиятларни олдиндан кўра билиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— сўроқ қилинувчи томонидан кўргазмаларини ўзгартириш эҳтимоли;

— суд жараёнига айрим шахсларнинг келмай қолиш эҳтимоли;

— судланувчи томонидан суд процессида дастлабки тергов вақтида келтирилмаган янги ҳимоя важини келтириш эҳтимоли;

— процесс иштирокчилари томонидан ҳар хил илтимосномаларнинг келтирилиши эҳтимоли ва бошқалар.

Прокурорнинг суд процессидаги самарали иштироки бевосита суд тергови давомида далилларни текширишдаги фаол иштироки билан таъминланади, яъни судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни сўроқ қилиш тактикасидан маҳоратли фойдаланиш (асосий сўроқ қилиш усули, қарама-қарши сўроқ қилиш усули), экспертиза хулосалари, ашёвий далиллар ва бошқа бир қатор процессуал ҳужжатларни чуқур таҳлил қила билиш ва бошқалар.

Прокурор томонидан суд жараёнида ўқиладиган асосли, қонуний прокурор нутқи прокурор

иштирокини самарали таъминлашнинг яна бир муҳим жиҳатидир.

Прокурорнинг суд процессидаги иштироки унинг нутқи билан яқунланади. Прокурор давлат айбловини қувватлаши ёинки айбловдан воз кечишдан қатъи назар, у ўзининг нутқи билан судга қонуний ва асослантирилган суд ҳужжати қабул қилишда ёрдам кўрсатади. Давлат айбловчисининг нутқи муайян талабларга жавоб бериши керак. Аввало, бу жиноят иши материалларини яхши билишни назарда тутати.

И.Н.Кожевниковнинг фикрига кўра, жиноят иши ҳужжатларини яхши билмаган прокурор, ниҳоятда иқтидорли бўлганида ҳам, ўзининг нутқи билан суд ҳукмида акс этиши лозим бўлган саволларга жавоб бера олмайди. Прокурор нутқида фактларнинг чуқур ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик таҳлили келтирилиши керак. Нутқнинг зарур сифати унинг ишончли баён этилиши билан белгиланади⁷.

Прокурорнинг суд жараёнидаги иштироки оммавий характерга эга. Прокурор ўзининг суддаги иштироки билан суд залида ҳозир бўлганларда қонунларга ҳурмат руҳида муносабатда бўлиш кайфиятини, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларнинг тикланишига бўлган ишончни, жиноятчиликка қарши курашнинг заруриятини ва фуқароларда ҳар қандай қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан муросасизлик кайфиятини туғдиради.

Айнан шунинг учун ҳам прокурорнинг суд жараёнидаги иштирокига муҳим хизмат мажбурияти сифатида қаралади. Прокуратура ходимлари томонидан ушбу хизмат мажбурияти лозим даражада бажарилишини таъминлаш мақсадида идоравий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларда бир қатор талаблар ўзининг аксини топган. Чунончи, вояга етмаганлар томонидан содир этилган ва ўта оғир турдаги жиноятлар билан боғлиқ жиноят ишларининг судда кўрилишида прокуратура органлари ёш мутахассисларининг давлат айбловини қувватлашига йўл қўйилмаслиги шулардан биридир.

Таъкидлаш жоизки, амалиётда айрим тоифадаги жиноят ишлари бўйича ишнинг мураккаблиги, кенг ҳажмдалиги ва долзарблигини инобатга олган ҳолда айбловни давлат айбловчилари гуруҳи томонидан қувватлашга йўл қўйилиши мумкин.

Айрим давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида катта ҳажмдаги жиноят ишлари бўйича давлат айблови бир қанча прокурорлар томонидан қувватланиши мумкинлиги қонуний асосларда белгилаб берилган. Бизнинг процессуал қонунчилигимизда бундай қонуний асос мавжуд эмас.

Шунингдек, суд жараёнида иштирок этаётган прокурор кейинчалик давлат айбловини таъминлай олмаслиги маълум бўлиб қолган тақдирда уни алмаштириш масаласи ҳамда тартиби ҳам қонунчилигимизда белгиланмаган.

Бошқа айрим давлатларнинг процессуал қонунчилигида бундай ҳолатлар юзага келган тақдирда прокурорни алмаштириш тартиби ва суд жараёнини давом эттириш тартиби белгилаб қўйилган.

Бизнинг жиноят-процессуал қонунчилигимиз талабларига асосан суд тергови айблов хулосасининг хулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни давлат айбловчиси томонидан ўқиб эшиттирилиши билан бошланади (ЖПКнинг 439-моддаси).

Далилларни текшириш навбати белгиланганидан сўнг процесс иштирокчилари, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни сўроқ қилиш, далилларни кўздан кечириш, текшириш жараёнлари ўтка-

зилиши белгиланган.

Айрим давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида худди шундай давлат айбловчиси томонидан айблов хулосаси ўқиб эшиттирилиши белгиланган бўлиб, далилларни судга тарафлар, яъни айблов тарафи ва ҳимоя тарафи тақдим этиши ҳамда улар томонидан савол-жавоблар ўтказилиши белгиланган. Бу, яъни биринчи бўлиб далилларни айблов тарафи тақдим этиши ҳамда айбловчи томонидан тақдим этилган далиллар текширилганидан сўнг ҳимоя тарафи томонидан тақдим этилган далиллар текширилиши белгиланган.

Бизнинг миллий қонунчилигимизда суд терговининг шу тарзда ўтказилишини белгилаш ЖПКнинг 25-моддасида белгиланган судда ишларни юришдаги тортишув принципининг янада тўлақонли амалга оширилишига таъсир ўтказиши мумкин. Бу, албатта, муҳокамани талаб этадиган нуқтаи назардир.



¹ Илмий мақолалар тўплами/ Л.П.Чумакова, Новосибирск, 2011.–125-133.

² Алексеев С.Н., Лазарева В.А. Жиноят процесси фанида прокурорнинг дастлабки тергов босқичидаги процессуал мақоми// Ҳуқуқ ва сиёсат.–2001.–№8.–68.

³ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. 2008. 330 б.

⁴ Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Жиноят процесси.ОўЮлари учун дарслик.–М.:КНОРУС, 2008. 113б.

⁵ Пикалов И.А. Жиноят процесси. Ўқув қўлланма, 2005. –М.:Юристъ, 2006. 124б.

⁶ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. 2008. 331 б.

⁷ Кожевников И.Н. Прокурор ваколатлари // Россия юстицияси, 2012. –№ 12.– 22б.

Азиз ХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

◆ Мақолада Ўзбекистонда ёшлар етакчиларини тарбиялаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинади.

◆ *Educating the leaders of the youth in Uzbekistan, supporting their social activity and the analysis of the organizational-legal basis of protecting their rights and interests.*

Таянч сўзлар: ёшлар етакчиларини тарбиялаш, фуқаролик жамияти, ташкилий-ҳуқуқий асослар, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

Key words: educating the leaders of the youth, civil society, organizational-legal basis, Strategy of Actions along five priority areas for the development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари каби, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида ҳам туб ислохотларни амалга оширишни тақозо этди. Ёшларни, айниқса, иқтидорли ёшлар етакчиларини тарбиялаш, уларнинг салоҳиятини янада юксалтириш масаласи истиқлолнинг илк кунлариданок давлат раҳбарининг эътибор марказида бўлди. Иқтидорли, етакчи ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни етук кадрлар этиб тарбиялаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида биргина 1991-2000 йиллар мобайнида 20 та турли даражадаги Президент қарор ва фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг қабул қилиниши ушбу масалага ҳукуматнинг қанчалик эътибор қаратганлигига ёрқин мисол бўла олади.

Шу ўринда, “ёшлар етакчиси” тушунчасининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратар эканмиз, “етакчи” сўзи бу инглиз тилидаги “leader” сўзининг маъновий таржимаси ҳисобланади. “Leader” сўзи эса ўз навбатида инглиз тилидаги “to lead” (олиб бормоқ, етаклаб бормоқ, бошлаб бормоқ) феълидан тахминан XIII асрда шаклланган бўлиб¹, ўзбек тилига таржима қилинганда олиб борувчи, етакловчи, бошловчи деган маъноларни беради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, “ёшлар етакчиси” тушунчасига таъриф берар эканмиз, у ёшлар орасидан ўзининг билими, иқтидори ҳамда бошқарувчилик қобилияти билан ажралиб турувчи,

тенгдошларининг алоҳида ҳурматиغا сазовор, уларни аниқ мақсад сари етакловчи ва бунга ишонтира олувчи, ижтимоий фаол ёш инсон назарда тутилади.

Ўзбекистонда ёшлар етакчиларини тарбиялаш давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оила институти томонидан амалга оширилади. Қуйида биз давлат ва жамоат ташкилотларининг ёшлар етакчиларини тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган ислохотлари мазмун-моҳиятини таҳлил этишга эътиборни қаратамиз.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида ёшлар етакчиларини тарбиялашнинг миллий модели яратилиб, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни ўзининг асосий мақсади деб билган “Умид” фондининг 1997 йилда ташкил этилиши бу борада амалга оширилган дастлабки қадамлардан бири бўлиб хизмат қилди. Аммо, “Умидчилар” ўқишни битириб келгач, аксарият ҳолларда уларнинг мутахассислиги ва хоҳишига қараб эмас, балки фонд таркибида ташкил этилган комиссиянинг қарорига қараб иш жойларига тақсимланиши, ойлик маошларининг пастлиги, меҳнат шароитларининг талаб даражасида эмаслиги, уларнинг замонавий билимларини амалиётга татбиқ этишда раҳбарлар томонидан тўсиқларга дуч келиши каби салбий омиллар шунча сармоялар эвазига шаклланган тайёр юқори малакали кадрларнинг давлат хизматини ташлаб кетишларига сабаб бўлди.

Ўзбекистон ёшларини Ватан равнақи йўлида бирлаштириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар етакчиларини тарбиялаш мақсадида 2001 йилнинг январь ойида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил этилиши мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини юритишнинг институционал тизими шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Аммо очикчасига тан олиш керак, бугунги ўта мураккаб ва глобаллашув даврида, “Камолот” ёшлар ташкилоти сифатида жамият ҳаётида ўзининг мустақкам ўрнини топа олмади. Ушбу ҳолат мамлакатимизда ёшларга оид бир қатор муаммоларнинг ўз ечимини топмасдан янада авж олишига сабаб бўлди. Иқтидорли ва етакчи ёшларни келажакда раҳбар кадрлар этиб тарбиялашга оид тизимли чоратадбирларнинг мавжуд эмаслиги, юртимизда ёш раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

2017 йил 30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултоидаги маърузаларида “Биз ўз вақтида “Камолот”ни жамоат ташкилоти сифатида тузиб, лекин ундан катта бир вазирлик вазифасини талаб қила бошладик. Унга жуда кенг, улкан вазифаларни топширдиг-у, аммо уларни бажариш учун зарур ҳуқуқий ва амалий ваколатлар, тегишли имконият ва имтиёзлар яратиш бериш ҳақида, афсуски, етарлича бош қотирмадик. Оқибатда “Камолот” ёшлар ҳаёти билан боғлиқ ҳамма нарсага жавоб берадиган ва айна пайтда ҳеч нарсага жавоб бермайдиган, мўрт ва заиф бир тузилмага айланиб қолганини бугун қанчалик оғир бўлмасин, эътироф этишимиз керак”², дея таъкидладилар.

Шу боис, Президентимиз Шавкат Мирзиёев барча ёшларни бир ташкилотга “ихтиёрий-мажбурий” асосда бирлаштириш эмас, аксинча, уларнинг орзу-интилишлари, ҳаётий ва касбий қизиқиш доираси, ижтимоий мақсадлари бўйича уюштиришга асосланган, мамлакат ёшларининг барча тоифа ва гуруҳларини қамраб оладиган, уларни демократик принциплар асосида бирлаштирадиган Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ташкил этиш ҳақидаги таклифлари ёшлар етакчилари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Иттифоқнинг нуфузини кўтариш ва ваколатларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раҳбари айна вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати бўйича давлат маслаҳатчиси лавозимида фаолият олиб бориши ҳамда бир вақтнинг ўзида Олий Мажлис Сенати аъзоси этиб тайинланиши ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлаб қўйилди.

Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистондаги кенгаши раиси Республика Жўқорғи Кенгеси раисининг, вилоят, туман ва шаҳар бўлинмалари раҳ-

барлари эса тегишли ҳокимларнинг ёшлар сиёсати бўйича маслаҳатчилари этиб тайинланиши давлат бошқаруви тизимида ёшлар етакчиларининг шаклланиши ҳамда ёшлар манфаатларини тўлақонли ҳимоя этишларига мустақкам ташкилий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз ўз маърузаларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун “ижтимоий лифт” вазифасини бажариши, билимли, ташаббускор ва ташкилотчи, фидойи ёш раҳбар кадрлар захирасини яратиш кераклигини таъкидлаб, айна шу мақсадда Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини ташкил этиш зарурлигини алоҳида кўрсатиб ўтдилар.

Айна вақтда, Давлат бошқаруви академияси қошидаги институтда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкилотларида ўзини ижобий жиҳатдан кўрсатган ходимлар билим ва малакасини ошириб, ҳокимлик ва вазирликлар тизимида раҳбарлик лавозимлари учун асосий номзодлар қилиб тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Шу билан бир қаторда, давлат бошқарув идораларининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилмалари билан ҳамкорлигини сифат жиҳатидан яхшилаш мақсадида вилоят ва туман ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожланиш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, туман ички ишлар бўлими бошлиқларининг ёшлар бўйича ўринбосарларини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тавсияси билан лавозимга тайинлаш белгиланди.

Шунингдек, мамлакатимизда ёшлар етакчиларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг муаммоларини ўрганиш, таҳлил этиш ва шу асосда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида “Ёшларга оид сиёсатни амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокини мониторинг қилиш” шўъбаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, республикамизда 2017 йил 1 январь ҳолатига 9205 та нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд бўлиб, шундан 616 таси ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фаолият олиб боровчи ташкилотлардир.³ Ушбу ННТларни услубий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиришни кўзлаб ташкил этилган Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси ҳам ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни етакчи (лидер) қилиб тарбиялашга йўналтирилган турли даражадаги лойиҳаларни амалга ошириб бормоқда. Ассоциация ташаббуси би-

лан мамлакатимизнинг барча вилоятларида ташкил этилган, ёшлар етакчиларини ўзида жамлаган ёшлар ННТлари фаолият юритиб келмоқда.

Қолаверса, 2018 йил апрель ойида “Тараққиёт стратегияси” маркази ташаббуси билан “Буюк келажак” Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этилиб, у ўз сафига ҳуқуқ, молия, саноат, фан, таълим, тиббиёт, ижтимоий алоқалар, давлат бошқаруви соҳаларида фаолият юритаётган Ўзбекистон фарзанди бўлган хориждаги етакчи ёшларимизни Она Ватанимиз истиқболи йўлида бирлаштирмоқда.

“Буюк келажак” Халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг асосий мақсади мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда амалга ошириладиган кенг қўлланма ислохотларга кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикасини 2035 йилга қадар ривожлантиришнинг узок муддатли моделини тайёрлаш, мамлакатимизда инсонларнинг турмуш даражасини янада ошириш, узок муддатли сармоялар бозорини ривожлантириш ва давлат ҳокимияти институтлари тизимида ислохотлар қилишга қаратилиб, бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 28-29 июнь кунлари “Буюк келажак” ХННТ Ўзбекистон Республикасини 2035 йилга қадар ривожлантиришнинг узок муддатли модели Концепциясининг лойиҳасини муҳокама этишга бағишланган Халқаро Форум бўлиб ўтди. Форумда Ўзбекистон истиқболига катта ишонч билдираётган хорижнинг нуфузли олийгоҳлари, ташкилотларида ўқиб, ишлаётган энг сара ёшларимиз, ватандошларимиз онлайн мулоқот кўринишида ўзларининг қимматли таклифлари, презентациялари билан фаол иштирок этишди.

Ушбу ислохотларнинг барчаси мамлакатимизда ёшлар етакчиларини тарбиялаш, уларни раҳбарликка тайёрлаш юзасидан амалга ошириладиган ишларнинг ташкилий асослари ҳисобланиб, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмунини ташкил этади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бугунги кунга қадар бевосита ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган 30 га яқин қонун ва 100 дан ортиқ⁴ (ўтган йилнинг ўзида 20 дан зиёд)⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор, фармонлари ҳамда Ҳукумат қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ҳам эътиборлидир.

Мухтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи бўлиб турган вақтда, 2016 йил 14 сентябрда биринчи имзолаган қонунлари “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни бўлганининг ўзида ҳам катта рамзий маъно бор. Зеро, Ўзбе-

кистон тараққиётининг янги босқичида ёшларга оид давлат сиёсатини тўла ислох этиш стратегик мақсадларга эришишдаги энг муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Ушбу Қонун ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш билан бир қаторда, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ваколатлари, иштироки, ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби мақсадларни кўзлайди.⁶

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи устуворлик касб этиб, унга “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” бўйича махсус бўлим киритилди. Ушбу бўлимда жумладан, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш каби мақсадлар илгари сурилди. Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат Дастурида эса айнан ёшларга оид 25 банд ажратилиб, унда бир қатор муҳим чора-тадбирлар ўз аксини топди.⁷

2017 йил 5 июль куни “Ёшларга оид Давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги⁸, 2017 йил 27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг қабул қилиниши мамлакатимизда ёшларни, айниқса ёшлар етакчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тарбиялашда муҳим юридик ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон қарорига асосан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур Концепцияда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялашга оид яхлит таълим-тарбия тизимининг узвий ва ажралмас қисми сифатида қаралиб, у Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида ишлаб чиқилди.¹⁰

Ёшлар етакчиларини тарбиялашда, авваламбор, уларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тар-

биялашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги боис, дастурда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари тўрт босқичда: биринчи босқич (3-7 ёшдагилар); иккинчи босқичда (7-16 ёшдагилар); учинчи босқич (16-18 ёшдагилар); тўртинчи босқич (18-30 ёшдагилар) амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва самарали ўтказиш, маънавий оламини бойитиш ҳамда дунёқарашини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2018 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг халқаро ёшлар оромгоҳини ташкил этиш тўғрисида”¹¹ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ёшлар етакчиларини рағбатлантиришнинг замонавий усуллари йўлга қўйилгани билан аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 18 июлдаги қарори¹² ижроси доирасида 2017 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган фидойи, табиий етакчилик қобилиятини намоён этган, ватанпарвар, юрт келажигига дахлдорликни ҳис қиладиган, меҳнатсевар ва бошқа инсоний фазилатлар эгаси бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини яна-

да такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига киришда имтиёзлар бериш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу имтиёз ва рағбатларнинг барчаси ёшлар фаолияти самарадорлигига таъсир этмай қолмайди, албатта.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшларига байрам табригида таъкидлаганларидек, “Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимиз томонидан бу борда илгари сурилаётган ташаббуслар, жумладан, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш борасидаги таклифларимиз халқаро миқёсда қўллаб-қувватланмоқда”¹³.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар, биринчи Президентимиз таъкидлаганларидек, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиши, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлиб шаклланиши ҳамда Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли бўлиб камол топишларига хизмат қилиши билан аҳамиятли ва диққатга сазовордир.



¹ Е.В.Селезнева. Лидерство. Москва. Юрайт. 2014 г.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV-Қурултойидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 1 июль № 130.

³ Независимый институт по мониторингу формирования гражданского общества. Аналитический доклад «Состояние «третьего сектора» в Узбекистане: реалии и перспективы развития». Ташкент – 2018 г.

⁴ “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси”нинг веб-сайти – www.lex.uz.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил, 30 июнь № 132.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни./“Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси”нинг веб-сайти – www.lex.uz.

⁷ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси./“Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси”нинг веб-сайти – www.lex.uz.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони./ www.lex.uz.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони./ www.lex.uz.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон қарори Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Концепцияси./www.lex.uz.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг халқаро ёшлар оромгоҳини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори./www.lex.uz.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори./www.lex.uz.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил, 30 июнь № 132.

Б.ХИДОЯТОВ,
ТДЮУ Жиноят ҳуқуқи ва криминология
кафедраси мудири

АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ПОРАХЎРЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

◆ Мақолада муаллиф томонидан айрим хорижий давлатларда порахўрлик учун жиноий жавобгарлик масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, миллий жиноят қонунчилигида порахўрлик боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликка оид айрим жиҳатлар ёритилган.

◆ В данной статье автором проводится анализ вопросов уголовной ответственности за взяточничество в некоторых зарубежных странах. А также освещены некоторые аспекты уголовной ответственности за взяточничество в национальном законодательстве.

◆ In this article the author conducted an analysis questions of criminal responsibility for bribery in some foreign countries. And also highlighted some aspects of criminal liability for bribery in national criminal legislation.

Таянч сўзлар: порахўрлик, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, ҳада, коррупцияга қарши кураш, мансабдор шахс.
Ключевые слова: взяточничество, посредничество во взяточничестве, дарение, противодействие коррупции, должностное лицо.

Key words: bribery, mediation in bribery, present, counteraction to corruption, officials.

Коррупция бугунги кунда деярли дунёнинг барча давлатларида учрайдиган ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Шу боис коррупция умуминсоний иллат деб эътироф этилган.

Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев “Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур”¹, деб таъкидлаганди.

Бунинг исботи сифатида мамлакатимизда коррупцияга қарши курашда жуда муҳим бўлган икки ҳужжат 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни² ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 2 февралда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори³ қабул қилинди.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш белгилан-

ган бўлиб, унда коррупцияга қарши мурасасиз кураш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш масалалари кун тартибига қўйилган эди⁴.

Қайд этиш лозимки, коррупциявий жиноят тушунчаси кенг қамровли бўлиб, жиноят қонун ҳужжатлари нуктаи назаридан айтганда, порахўрлик жиноятларини моҳиятига кўра коррупцияга оид жиноятлар сифатида эътироф этиш мумкин. Бунда, порахўрлик жиноятлари деганда пора олиш (ЖК 210-модда), пора бериш (ЖК 211-модда), пора олиш-беришда воситачилик қилиш (ЖК 212-модда) каби ижтимоий хавфли қилмишлар назарда тутилади.

Кўрсатиб ўтилган жиноятларга қарши кураш миллий жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, сўнгги йилларда бу борада жавобгарликни такомиллаштириш йўналишида жиноят қонунига қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун белгиланган жазолар тури, миқдори ва муддатлари ўзгартирилиб, пора олиш учун белгиланган жазолар тури, миқдори ва муддатлари билан бир хилда белгиланди, пора берувчи ҳамда пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахс жиноятни содир этганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгил-

дан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса жавобгарликдан озод этилишига оид рағбатлантирувчи нормани қўллаш асоси чегараланди. Яъни эндиликда пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар бундай жиноят ҳақида ҳар қандай вақтда хабар бергани учун эмас, балки уни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилсагина жавобгарликдан озод қилиниши белгиланди, давлат ва нодавлат сектордаги порахўрлик билан боғлиқ жиноий қилмишлар дифференциация қилинди.

Ўз навбатида, мазкур турдаги ижтимоий хавфли қилмишларга қарши курашиш, мавжуд қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва унинг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка жорий этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

А.Саидов таъкидлаганидек, “қиёсий-ҳуқуқий тадиққиқ этиш, бир томондан, чет элда асосий муаммони ҳал қилишда ўзини оқлаган фойдали омилларнинг барчасини аниқлашга кўмаклашса, бошқа томондан хориж тажрибасининг салбий томонларини, у ёки бу ҳуқуқий ечимларнинг самарали эмаслигини ҳисобга олиш учун имконият яратади”⁵.

Хорижий давлатларда порахўрлик учун жиноий жавобгарлик масалаларини таҳлил этишда бу турдаги жиноятлар динамикаси муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, айрим халқаро ташкилотлар ушбу жиноятларнинг ўсиш ва камайиш тенденцияларини кузатиб боради. Жумладан, Транспаренси интернейшнл ташкилотининг маълумотида кўра, Дания, Швеция, Янги Зеландия, Сингапур давлатларида коррупция даражаси энг паст, Қирғизистон, Конго Демократик Республикаси, Гвинея, Чад, Суданда эса энг юқори эканлиги маълум қилинди⁶.

Порахўрлик жиноятларининг вужудга келиш сабаблари турли мамлакатларда ҳар хил бўлиб, тарихий босқич ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси билан белгиланганлиги сабабли мазкур жиноятлар учун жавобгарлик масалалари ҳам бириридан фарқ қилади.

Қатор ривожланган ҳамда собиқ иттифоқ ҳудудидаги давлатлар жиноят қонунчилиги мисолида порахўрлик учун жиноий жавобгарликнинг айрим масалалари таҳлил этилганда қуйидагиларни кузатиш мумкин.

Жумладан, Канада жиноят қонунчилигига мувофиқ, “мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш”, “ҳуқуматни алдаш”, “мансабдор шахс томонидан содир этилган ишонччи суиистеъмол қилиш” каби қилмишлар порахўрлик жиноятлари сифатида эътироф этилади.

Бундай жиноятларнинг олдини олиш мақсадида эса 1985 йил Канадада давлат хизматчиларининг хизмат вазифалари ва шахсий манфаатлари ўртасида тўқнашув юз берган ҳолда улар амал қилиши шарт бўлган хулқ-атвор қоидаларини ўзида жамлаган Кодекс қабул қилинган. Қонун чиқарувчининг

фикрига кўра, мазкур қоидаларнинг мақсади – “давлат аппарати ва давлат хизматчиларининг ҳалоллигига жамиятнинг ишончини ошириш”дан иборат. Бундан ташқари, қоидалар юқорида зикр этилган жиноятларнинг олдини олишга, давлат хизматида ва уни тарқ этгандан сўнг “манфаатлар тўқнашуви” рўй берган ҳолларда барча давлат хизматчилари хулқ-атворининг аниқ қоидаларини белгилашга, “бундай ҳолатлар рўй бериш эҳтимолини мумкин қадар камайтириш ва улар рўй берган тақдирда эса, уларни жамият манфаатларини кўзлаб ҳал қилиш”га қаратилган⁷.

АҚШ ва Буюк Британия жиноят қонунига бинонан, оммавий ташкилотларнинг хизматчилари – мансабдор шахслар ҳам, бошқа ходимлар ҳам пора олганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

АҚШ, Буюк Британия жиноят қонунларидан фарқли ўларок, Италия, Франция ва ГФРда хизматчини пора эвазига оғдиришнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий чоралар анча барқарордир. Францияда 1992 йилгача айбдорлар 1810 йилги ЖКнинг 177–183-моддалари билан жавобгарликка тортиб келинган; Италиянинг 1930 йилги Жиноят кодексига мансабдорлик жиноятларига доир жиддий ўзгартиришлар фақат 1990 йил киритилган. 1871 йили қабул қилинган Германия Жиноят кодексига порахўрликка оид меъёрлар деярли ўзгарисиз қолган⁸.

Германияда эса порахўрлик жиноятлари нафақат субъект – мансабдор шахснинг белгиси бўйича, балки ҳимоя қилинадиган объект – давлат аппарати нормал амал қилиши бўйича ҳам бирлаштирилган⁹.

Буюк Британия статут ҳуқуқида порахўрлик учун жавобгарлик 1889, 1906, 1916 ва 1925 йилги қонунлар билан ўрнатилган, шунингдек суд прецедентлари билан тартибга солинган.

Айрим штатларда жиноят қонунчилигини кодификациялашда тавсиялари ҳисобга олинадиган АҚШнинг Намунавий Жиноят кодексига кўрсатилганидек, “оммавий хизматчи” атамаси “давлатнинг ҳар қандай мансабдор шахсини ёки хизматчисини, шу жумладан қонун чиқарувчи ва судьяни ҳамда давлат вазифасини амалга оширишда ёки бошқа тарзда иштирок этувчи ҳар қандай шахсни англади”¹⁰.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлдаги Қонун билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилди¹¹. Албатта, халқаро ҳужжатга қўшилиш, ратификация қилиш унда иштирокчи давлатларга муайян мажбуриятлар юклайди, муайян талаблар бажарилишини талаб қилади. Конвенциянинг 15-моддасида “Миллий оммавий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш” деб номланган норма мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир иштирокчи давлат ўз жиноят қонунчилигида оммавий мансабдор шахсга шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахснинг ўзи

учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида, бирон ноқонуний афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки такдим этиш учун жавобгарлик белгилаши лозимлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунларида эса, фақат порани такдим қилиш тўғридан-тўғри жиноят сифатида баҳоланган. Шундай бўлишига қарамасдан ваъда қилиш ва таклиф этиш мамлакатимиз жиноят қонунига биноан пора беришга суиқасд қилиш деб топилади ва қилмишни ЖК 25-моддаси 2-қисми орқали ЖК 211-моддаси билан квалификация қилиш мумкин.

Бироқ, мазкур конвенцияни ратификация қилган хорижий давлатларнинг жиноят қонунларида, пора беришни ваъда қилганлик ва таклиф қилганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик тўғридан-тўғри қайд этилган. Бундай ҳолат Корея Республикаси ЖК 130-133-моддалари¹², Литва Республикаси ЖК 225-моддаси¹³, Швейцария ЖК 322-моддаси¹⁴, АҚШнинг Техас штати ЖК 36.02-моддаси¹⁵, ГФР ЖК 333-334 параграфларида¹⁶, порани таклиф қилиш эса, Швейцария ЖК 322-моддаси¹⁷, АҚШнинг Техас штати ЖК 36.02-моддаси¹⁸, ГФР ЖК 333-334 параграфларида¹⁹ белгиланган.

Бизнингча, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси талабларидан келиб чиқиб, қолаверса, бу соҳада ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 212-моддаси биринчи қисми диспозициясига “манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш” сўзларидан кейин “ёки келишувни амалга оширишга қаратилган бошқа фаолият” сўзлари билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Собиқ иттифок ҳудудидagi давлатлар жиноят қонунчилиги мисолида порахўрлик учун жиноий жавобгарликнинг айрим масалалари ўрганилганда пора предметини аниқлаштириш, унинг миқдорини чеклашда қонун чиқарувчи мансабдор шахсга такдим этиладиган мулкый характердаги манфаатнинг чегараси аниқлаштирилганлиги кузатилади.

Жумладан, бир қатор давлатлар қонунларида ҳам айрим турдаги ҳадяни тақиқлайдиган нормалар мавжуд. Мисол учун, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 575-моддасида ҳадяни тақиқлаш назарда тутилган. Шунга ўхшаш норма Қозоғистон Фуқаролик кодексининг 509-моддасида ҳам мустаҳкамланган. Ҳадяни тақиқлаш тўғрисидаги нормалар Арманистон Фуқаролик кодекси (598-моддаси), Беларусь Республикаси Фуқаролик кодексига (546-моддаси) ҳам мавжуд. Давлат хизматчиларига нисбатан ҳадяни тақиқлаш тўғрисидаги нормалар айрим давлатларнинг давлат хизмати ва коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунларида ҳам белгиланган. Масалан, Озарбайжон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида

ҳам ушбу мазмундаги норма акс этган.

Айрим хорижий давлатлар қонунчилигидаги бундай нормалар мансабдор шахсга такдим этиладиган моддий манфаатнинг пора предмети сифатида эътироф этилмаслигини, унинг миқдорини аниқлаштиради.

Шунингдек, хорижий мамлакатлар жиноят қонунлари таҳлили пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жавобгарлик масаласида сўз юритилганда, бу борада ўрганилган хорижий давлатларни шартли равишда икки турга ажратиш мумкин:

1) пора олиш-беришда воситачилик қилишни жиноятда иштирокчи деб баҳоловчи мамлакатлар қонунчилиги (Россия Федерацияси, Қирғизистон, Тожикистон, Украина, Озарбайжон, Молдова ва ҳ.к.);

2) пора олиш-беришда воситачилик қилишни алоҳида жиноят таркиби сифатида баҳоловчи мамлакатлар қонунчилиги (Арманистон, Қозоғистон, Туркманистон, Беларусь Республикаси ва ҳ.к.).

Пора олиш-беришда воситачилик қилишни алоҳида жиноят таркиби сифатида баҳоловчи мамлакатлар жиноят қонунларида қилмиш учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг тузилиши ҳам турлича. Жумладан, айрим давлатларда пора олиш-беришда воситачилик қилиш оддий диспозитив норма сифатида баҳоланган (масалан, Туркманистон), айримларида эса тасвирлов диспозициядан фойдаланилган (масалан, Арманистон, Қозоғистон ва ҳ.к.).

Жумладан, Туркманистон ЖКнинг 186-моддасида пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинояти учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра “пора олиш ёки беришда воситачилик қилиш беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”. Яъни мазкур нормада пора олиш-беришга тавсиф берилмаган.

Беларусь Республикаси ЖКнинг 432-моддасида пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинояти учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра пора олувчи ёки берувчининг топшириғи билан бевосита порани бериш олти ойгача қамоқ ёки жарима ёхуд икки йилгача озодликни чеклаш ёки тўрт йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси билан жазоланади. Аммо, Беларусь Республикаси ЖКнинг мазкур нормасини муфассал деб бўлмади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 212-моддасида белгиланган нормалар нисбатан муфассал берилган ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятини нисбатан тўлиқ қамраб олади. Беларусь Республикаси ЖКнинг мазкур нормасида фақат порани бериш орқали воситачилик назарда тутилган бўлиб, пора берувчи ва пора олувчи ўртасида шундай келишувга эришишга мақсадида қилинадиган ҳаракатлар ушбу норма билан қамраб олинмаган.

Қозоғистон ЖКнинг 313-моддасида пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, пора олувчи ва пора

берувчи ўртасида келишувга эришиш ёки эришилган келишувни амалга оширишга қаратилган фаолият таҳлил қилинаётган жиноят таркибини ҳосил қилади. Худди шундай норма Арманистон ЖКнинг 313-моддасида ҳам белгиланган: “пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олувчи ва пора берувчи ўртасида муайян келишувга эришишга ва ёки келишилган келишувни амалга оширишга қаратилган фаолият”.

Қозоғистон ва Арманистон ЖКларида белгиланган нормалар нисбатан муфассал бўлиб, Ўзбекистон ЖКда белгиланган нормаларга ўхшаш ва мазмунан бир хил. Аммо, Ўзбекистон ЖКда белгиланган нормадан фарқли равишда ушбу давлатлар ЖКларида “келишувни амалга оширишга қаратилган фаолият” атамасидан фойдаланилган. Ўзбекистон ЖКда эса, “манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш” атамаси қўлланилган. Мантиқан олиб қаралса, “келишувни амалга оширишга қаратилган фаолият” атамаси “манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш”дан кўра кенгрок тушунча ҳисобланади, айтиш мумкинки, “келишувни амалга оширишга қаратилган фаолият” манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита беришни ҳам ўз ичига олади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, порахўрлик жиноятлари бўйича хорижий давлатлар жиноят қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштиришда му-

хим аҳамият касб этади. Шунга кўра, бизнингча, таҳлиллар натижасида ўрганилган айрим хорижий давлатларда порахўрлик учун жавобгарлик белгиланган қонун нормаларидан келиб чиқиб, миллий қонунчиликка айрим ўзгартиришларни киритиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси талабларини бажариш, бу борада ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 212-моддаси биринчи қисми диспозициясига “манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш” сўзларидан кейин “ёки келишувни амалга оширишга қаратилган бошқа фаолият” сўзлари билан тўлдириш;

иккинчидан, қилмишни порахўрлик жинояти сифатида эътироф этишда пора предметининг минимал миқдорини аниқ белгилаш, бу билан кам аҳамиятли пора давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатларида давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсларига бериладиган ҳада миқдорини белгилаш ва унинг юқори чегарасини аниқлаштириш.

Фикримизча, бу турдаги ўзгартиришларни қонунчиликка киритиш порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга ҳамда пора олиш, пора бериш ва унда воситачилик қилиш каби ижтимоий хавфли қилмишларни тўғри квалификация қилишга хизмат қилади.



¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз -Т.: “Ўзбекистон”, 2016. Б.10.

² Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ–2752-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

⁵ Саидов А.Х. Сравнительное правоведение (основные правовые системы современности): Учебник для вузов. – М., 2000. – С. 36-37.

⁶ Транспаренси Интернешнл ташкилотининг 2017 йилги маълумотномаси// <http://www.transparency.org.ru>

⁷ Ермилин Л. Законодательство Канады: что такое «конфликт интересов»? // Юстиция. – 1990. - №23. – С. 32.

⁸ Абдурасулова Қ. Коррупцияга қарши кураш. Бу борада чет эл қонунларида нималар белгиланган? // Ҳаёт ва қонун, № 3 2003 йил.

⁹ Ответственность за должностные преступления в зарубежных странах. / Отв. ред. Решетников Ф.М. – М., 2004. – С. 41-42.

¹⁰ Примерный уголовный кодекс США. / Под ред Б.С. Никифорова. – М., 2009. – С. 167.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 260-модда.

¹² Уголовный кодекс Республики Корея. – СПб.: Юридический центр пресс, 2010. – С. 104-106.

¹³ Уголовный кодекс Литовской Республики. – СПб.: Юридический центр пресс, 2010. – С. 310.

¹⁴ Уголовный кодекс Швейцарии. – СПб.: Юридический центр пресс, 2010. – С. 281.

¹⁵ Уголовный кодекс штата Техас. – СПб.: Юридический центр пресс, 2006. – С. 376.

¹⁶ Уголовный кодекс Федеративной Респубики Германии. – СПб.: Юридический центр пресс, 2003. – С. 506-507.

¹⁷ Уголовный кодекс Швейцарии. – СПб.: Юридический центр пресс, 2002. – С. 281.

¹⁸ Уголовный кодекс штата Техас. – СПб.: Юридический центр пресс, 2006. – С. 376.

¹⁹ Уголовный кодекс Федеративной Респубики Германии. – СПб.: Юридический центр пресс, 2003. – С. 506-507.

Svetlana KURBANOVA,
Senior teacher at the Academy of the General Prosecutor's Office

AIMS AND OBJECTIVES OF TEACHING WRITTEN TRANSLATION OF LEGAL DOCUMENTATION TO TRAINEES OF LAWYERS AND PROSECUTORS TRAINING COURSES

✦ *The purposes and tasks of teaching the translation of legal documentation within the framework of the course "Translator in the field of professional communication" are considered in the article. The problems of classification of goals and tasks of teaching a foreign language and development of translation competencies and teaching translation of legal documentation are also analyzed in the article.*

Key words: aspects of training; basic competences; additional qualification; classification of goals and objectives; translator of professional communication; specificity of the language of law; skills and competencies of an interpreter.

Specialists-lawyers, who have their own speciality and have an additional qualification of an interpreter in the field of professional communication, are in great demand on the labor market. After the presidential decree № 1875 was released, the attention paid to the system of teaching foreign languages has risen to the highest level [1].

Knowledge of a person's speciality or just language skills is not enough in the age of globalization and expansion of international contacts. In our country there are a huge number of foreign companies that need lawyers who speak not only a one, but at least two foreign languages. Of course, many companies resort to the services of translators, but a highly skilled, professional translation of a contract or legal document can either be done by a highly experienced translator who has worked in this field for more than one year, or a lawyer who knows the language of the speciality (Uzbek and foreign) perfectly. The difficulty lies not only in the need for possession of professional knowledge, but also in the language of law. The language of law is characterized as archaic, abounding in a large number of special terms, abbreviations. Here ordinary words are used in an unusual sense; usually sentences are so long, that the computer editor emphasizes them, words of French origin are used along with words of Anglo-Saxon origin, phrases and words in Latin are often used without translation, and synonyms (paired and triple) are used to denote one

concept in order to avoid ambiguity. Sometimes chains of synonyms are used to describe the situation from different sides, deliberately used not quite accurate words and phrases for the purpose of interpretation.

In documents, individual words are written with a capital letter or in fully capitalized letters, each detail is significant, formal or ceremonial qualifications are used. "Translator in the field of professional communication" sometimes needs 2 year training period (in the framework of additional educational programs) [7, 3]. Before talking about the goals and objectives of teaching the translation of legal documentation for lawyers and prosecutors, it is necessary to determine the classification of the goals and objectives of teaching a foreign language using modern methodology. In foreign methodology, a set of learning goals for a foreign language, derived by Professor E.I. Passov [3], which distinguishes four aspects of the goal of teaching a foreign language:

- 1) educational and practical;
- 2) educational;
- 3) developing.

E.I. Passov also refers to four more aspects of foreign language education, such as: "knowledge, which is aimed at mastering the cultural content of a foreign culture (this includes not only the culture of the country, the actual facts of culture, but also language as part of culture); ... development, which is aimed at mastering the psychological content of foreign culture (abilities,

mental functions, etc.); ... education that is aimed at mastering the pedagogical content of a foreign culture (moral and ethical aspects); ... a teaching that is aimed at mastering the social content of a foreign culture, social in the sense that speech skills are acquired as means of communication in society" [4, 25-26].

The main goal of education, and foreign language education in particular, E.I. Passov considers "the formation (creation) of a person as an individual: the development of his/her spiritual strengths, abilities, rise of needs, education by a morally responsible and socially adapted person" [4, 23]. There are other classifications of the aims of education, for example, in the lecture notes "Methodology of teaching a foreign language" by K.V. Fokina, L.N. Ternova, N.V. Kostycheva [4, 48] goals are divided into:

- 1) practical and educational;
- 2) developing;
- 3) educational.

How are these objectives implemented in teaching translation of legal documentation? The educational and practical aspect includes mastering of four types of speech activity: speaking and writing (productive), listening and reading (receptive) and three aspects of the language — grammar, phonetics and vocabulary based on texts on the speciality. Rendering to this system can be included as an activity combining all of the above. The moral aspect of education implies the upbringing of morality in a person. In the case of teaching translation, in our opinion, it is necessary to bring up a constant desire for improvement and an awareness of the importance of the quality work done. It is equally important to create conditions for independent learning and self-realization of the individual in harmony with himself/herself and society. A modern teacher should not just educate, inform students about information, but teach students to independently master new material, constantly look for and find new methods and means to solve problems arising in the learning process. Moreover, continuously increasing information flow obliges both the teacher and the student to constantly improve and it will be ideal if the learning process is mutual between the teacher and the student.

What work, or what answer, report, abstract, translation deserves the highest score? What is the criterion for setting a higher score? Excellent knowledge of the material? Excellent command of the language? Doing all the tasks? Yes, but not only that. Creative approach is the main criterion. Therefore, the task of a good teacher is the education of a creative person. V.P. Simonov in his article gives such indicators of the DTS (degree of training of students and learners) for the top score of "10": "Original, non-standard applies the received knowledge in practice, independently new skills on the basis of knowledge and skills obtained and formed earlier" [7, 7].

The educational aspect of learning involves the acquisition of knowledge, which is the basis of the professional activity of trainees. What is the basis for

the activities of law students? Many students study at the university and work at the same time. Based on the survey, we concluded that during the job interview, in addition to knowledge of the speciality, trainees are required to translate a contract, a document. It is very difficult to learn this independently, so it is necessary to teach learners exactly this skill and write such textbooks that they can learn independently. The developing aspect does not only promote the development of the best character traits, but also enhances the learner's intelligence. How will we improve the intelligence of our trainees by teaching them how to translate? New knowledge, relevant information, a variety of tasks, a variety of means and methods of instruction, and, of course, motivation — all these are the necessary developing components of education.

At the present stage, the question of setting goals and tasks of teaching a foreign language expands to the formation of key competences, that will help a learner to solve the problems that s/he can come across. As for translators, the general requirements for professional competence "achieved during the study of the practical translation course are:

- to be able to translate the text, determine the purpose of the translation, the nature of its receptors and the type of the translated text;
- to be able to choose the general strategy of translation taking into account its purpose and type of the original;
- be able to translate texts related to various fields of knowledge;
- be able to use the basic methods and techniques of achieving semantic, stylistic equivalence;
- be able to correctly format the text of the translation in accordance with the norms of the language of translation;
- be able to use vocabularies, directories, databases and other sources of additional information professionally" [6, 99].

V.N. Commissarov speaking about the specifics of interlingual communication and the diverse forms of translation activity, considers it necessary to create a "translator's competence" for an interpreter, for which the following distinguishing features are characteristic: 1) language competence; 2) communicative competence of communicants; 3) text-forming competence of communicants; 4) technical competence [2, 332-336]. It is necessary to dwell in more detail on the contents of the above mentioned competences. What does the language competence of an interpreter include? These are all aspects of ownership in the field of native and foreign languages, plus "the need to rapidly expand and replenish their linguistic knowledge, especially in a comparative plan" [2, 333]. Communicative competence is not only "the ability to infringe the meaning, but also the ability to compare the inferential abilities of the representatives of the two language collectives and draw conclusions about the need to change the language content of the

statement in translation to ensure the necessary conclusions about its full meaning" [2, 334].

Text-forming competence means the ability to "create texts of different types in accordance with the rules and stereotypes adopted in a given language collective". Explaining the essence of technical competence, V.N. Commissarov speaks about the strategic principle of the translator — "a critical attitude towards one's actions" [2, 336], and the main principle of the translator's strategy is "maximum effort to find the best option" [2, 336-337]. Accordingly, the strategy of the translator, according to V.N. Komissarov, influenced by "practical working conditions: short deadlines, the ability to use a typewriter, a voice recorder, a computer, etc" [2, 337].

The purpose of teaching translation of legal documentation for lawyers and prosecutors, taking into account the educational, practical, and developmental aspects and taking into account the basic competences, makes it possible to determine the tasks assigned to it in the program [6, 4]: "deepening of students' knowledge of foreign languages and other disciplines necessary for the implementation of high-quality scientific and technical translation; development of professional skills of written and oral translation from a foreign language into Uzbek and from Uzbek into a foreign language". It is necessary to add to this list of tasks the achievement of translation equivalence at all levels of the language and the adaptation of the translation text. V.N. Commissarov believes: "Among the translation skills, the most important are the following": ability to perform parallel actions in two languages, switching from one language to another; ability to understand the text in a translated way; performing parallel actions in two languages during the translation; ability "to move away without retiring"; ability to choose and correctly use the technical methods of translation. "Basic translation skills are brought together in the ability to analyze the text of the original, identify

standard and non-standard translation problems and choose the methods of their solution that are most appropriate for each specific act of translation" [2, 337-339].

What are the requirements for a certified specialist, provided for by the state educational standard in the program of training a specialist? "In the field of the practical course of translation:

- be able to perform a pre-translational analysis of the text, determine the purpose of the translation, the nature of its receptors and the type of the translated text;

- be able to choose a general translation strategy, taking into account its purpose and the type of the original, to be able to translate texts related to the sphere of basic professional activity (limited — oral);

- be able to use the basic methods and techniques to achieve a semantic, stylistic adequacy;

- be able to correctly format the text of the translation in accordance with the norms and the language, the typology of texts in the target language;

- be able to use vocabularies, directories, databases and other sources of additional information professionally;

- be able to use when transferring a typewriter, dictaphone and computer [3, 56].

Thus, taking into account the goals and objectives of teaching English in general, and the goals and objectives of training translators in the field of law, reflected in the sources we have reviewed, we must conclude that it is necessary to follow these state requirements when teaching lawyers and prosecutors wishing to obtain additional qualifications, on the basis of legal documentation, since it is this language material that meets the requirements put forward for our trainees in their future professional work. At the same time the teacher is obliged to constantly improve teaching methods, update teaching materials and develop students creative approach to solving all the issues that they can come across in the work.



1. The decree of the Republic of Uzbekistan № 1875 of December 10, 2012 "On measures of further improvement of the learning of foreign languages". — Tashkent-2012.
2. Commissarov V.N. Modern translation studies: Textbook. — Moscow: ETS, 2001. — 424 p.
3. Passov E.I. The program-concept of foreign-language communicative education. — Moscow: Education, 2000. — 173 p.
4. Passov E.I. Textbook on the methodology of teaching foreign languages: a course of lectures. — Voronezh: Printing house of VSPI, 1975. — 283 p.
5. Collection of curricula. English, Spanish, French / ed. N.K. Garbovsky (Program for the preparation of students and graduates of higher educational institutions for further qualification "Interpreter in the field of professional communication" with a period of 2 years (in the context of additional educational programs). — Moscow: Moscow State University, 2003. — 115 p.
6. Simonov V.P. Assessment of the quality of training a specialist in a university on the basis of a rating system / V.P. Simonov // Training and professional development of pedagogical and managerial staff: Sat. sci. tr. — M., 2005. — Issue. 5. 102 s.
7. Fokina K.V. Methods of teaching a foreign language: a summary of lectures / K.V. Fokina, L.N. Ternova, N.V. Kostycheva. — M.: Higher education, 2008. — 158 p.

Авазбек КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академиясининг катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- ◆ Мақолада Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солишнинг қонунчилик асосларини яратиш масалалари ёритилган.
- ◆ В статье рассматривается вопрос о создании законодательной базы регулирования деятельности правоохранительных органов в Узбекистане.
- ◆ The article describes the issue of creating a legislative basis for regulating the activities of law enforcement agencies in Uzbekistan.

Таянч сўзлар: қонун, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими.

Ключевые слова: закон, правоохранительная деятельность, система правоохранительных органов.

Key words: law, law enforcement, law enforcement system.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатда ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ўз ваколати доирасидан чиқмайдиган, бир-бирининг функциясини такрорламайдиган тизим шакллантирилмоғи лозимлиги, энг асосийси — бир идора кўлида барча ваколат, ресурслар тўпланиб қолишига, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати принципи бузилишига йўл қўймаслик зарурлиги, шу боис келгусида “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида” ва “Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ, эркинликлари ҳамда фаровон ҳаёти кафолатларини янада мустақамлаш учун ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилишини¹ алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Бироқ, мавжуд маълумотлар таҳлили Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи ягона норматив ҳужжат мавжуд эмаслигини, ушбу соҳадаги муносабатлар ҳар бир органга тааллуқли алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинишини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини белгилаш бўйича ягона назарий ва ҳуқуқий ёндашувлар ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, ҳозирда тадқиқотчи — олимлар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва унинг

мазмунини борасида яқуний тўхтамаган келинмаган. Жумладан, К.Ф.Гуценко ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти тушунчасининг нисбатан янгилиги, у юридик амалиётга ўтган асрнинг 50-йиллари охири 60-йиллари бошида киритилиб, ҳали тўла шаклланиб улгурмаганлигини айтиб ўтади². У ушбу фаолиятни ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадида махсус ваколатли органлар томонидан қонунга асосланган ва унга қатъий бўйсунган ҳолда юридик таъсир чоралари қўллаш орқали амалга ошириладиган давлат фаолиятининг шакли сифатида таърифлайди³. С.Л.Лоньнинг фикрига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти — бу қонунда белгиланган, давлат томонидан ёки унинг рўхсати билан фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, қўриқлаш, улар томонидан ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминлашга йўналтирилган, махсус ваколатли шахслар томонидан муайян процессуал тартибда амалга ошириладиган ҳамда қонуний давлат мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ фаолиятдир⁴.

Ўзбекистонлик тадқиқотчилар М.Ҳ.Рустамбоев ва У.А.Тўхташева⁵лар унга “судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти” сифатида қараб, махсус ваколатли органларнинг жисмоний, юридик шахслар ва умуман давлатнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, қонунга мувофиқ ва унда белгиланган тартибга сўзсиз риоя қилган ҳолда юридик таъсир чорала-

рини кўриш орқали қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга йўналтирилган фаолиятдир, деб баён этишган.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” тушунчаси ишлатилса-да, қонунчиликда унинг аниқ таърифи ва қатъий тизими мавжуд эмас. А.Н.Гайнетдиновнинг таъкидлашича, “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” термини биринчи марта собиқ СССРнинг 1979 йил 30 ноябрдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида юридик жиҳатдан мустаҳкамланиб, кейинчалик бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган⁶. Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тушунчаси, унинг мазмунини аниқлаш муаммоларига доир махсус тадқиқотлар Собиқ Иттифоқ даврида ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб амалга оширила бошланганига қарамай, тадқиқотчилар томонидан ушбу тушунчага нисбатан ягона ёндашув ҳанузгача ишлаб чиқилмаган.

Хусусан, А.Г.Братко ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ҳокимият ваколатларига эга, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасида қонунга асосланган ҳолда ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини олиб борувчи давлат тузилмалари сифатида таърифлайди ҳамда уларга суд, прокуратура, ички ишлар органларини киритади⁷.

К.Ф.Гуценко ва М.А.Ковалевларнинг фикрича⁸, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга судлар (ушбу фикрни В.Н.Исаенко⁹, О.В.Химичева¹⁰, И.Л.Петрухин¹¹, М.В.Баглай¹² каби тадқиқотчилар ҳам илгари сурган), адлия, прокуратура, суриштирув ва тергов органлари ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар киритилиши лозим.

Р.В.Нагорнихнинг¹³ қарашлари бўйича эса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати қуйидаги давлат органлари тизими: Бош прокуратура, Тергов қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятлар ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш вазирлиги, Федерал божхона хизмати, наркотик воситалар ва психотроп моддалар айланмаси устидан назорат Федерал хизмати, жазони ижро этиш Федерал хизмати ва суд ижрочилари Федерал хизматидагина кўзда тутилиши мумкин.

В.А.Байдуков ва бошқалар¹⁴, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий кўринишлари сифатида конституциявий назорат, одил судловни амалга ошириш, прокурор назорати, жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш, тезкор-қидирув фаолияти, жамоат тартибини ҳимоялаш, давлат хавфсизлигини таъминлаш, малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳамда низосиз ҳуқуқ ва фактларни тасдиқлаш кабиларни кўрсатиб, ушбу йўналишларда фаолият олиб борувчи органларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тоифасига киритганлар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, айрим тадқиқотчилар (жумладан, А.Гайнетдинов¹⁵) адво-

катура ва нотариатни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар рўйхатидан чиқариб ташлаш лозимлигини таъкидлаб ўтадилар (бу фикрга В.Н.Исаенко¹⁶ ҳам қўшилган). Боиси, улар адвокатурани давлатга бўйсунмайдиган жамоат ташкилоти сифатида эътироф этишса, давлат нотариуслари билан бир қаторда хусусий нотариуслар ҳам фаолият кўрсатаётганлиги, нотариат яқин вақтларда хусусий секторга ўтиб кетишини асос сифатида келтирадилар. Шунингдек, улар адлия органларида жазо ҳамда суд қарорларини ижро этиш ваколатлари мавжудлиги учун уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторига киритиш лозим, деган фикрни илгари сурадилар. Маҳаллий тадқиқотчилар М.Х.Рустамбоев ва У.А.Тухташева¹⁷лар ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга суд, адвокатура ва нотариатни киритмадилар.

Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини белгилаш бўйича ягона қарашлар мавжуд эмас. Шу боис, кўплаб назариётчи олимлар у ёки бу органни бундай органлар қаторига киритиш учун тегишли мезонлар ишлаб чиқиш зарурлигини ҳам ўз тадқиқотларида асослашга ҳаракат қилишмоқда. Бунда аксарият тадқиқотчилар (жумладан, Д.О.Саакян, П.Г.Городецкий) муайян бир орган ишида ёки унинг умумий ваколатларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси қанчалик муҳим ўрин ва аҳамиятга эга ёки эга эмаслигини асосий мезон сифатида кўрсатишади¹⁸. Айрим муаллифлар (А.Н.Гайнетдинов¹⁹) эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган “мажбурлов ваколати”ни қўллаш имкониятига эга бўлиши лозимлигини эътироф этишади. Уларнинг фикрича, айнан мазкур органларгина ҳуқуқбузарга нисбатан юридик таъсир чоралари қўллаш ваколатига эга, яъни улар ҳуқуқбузарни қонунда белгиланган мажбуриятини бажаришга мажбурлай оладилар.

Мазкур фикрларни умумлаштириб, А.Г.Братко²⁰ бу борада иккита — ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошириш ва давлат мажбурловини қўллаш имкониятига эга бўлиш у ёки бу субъектни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида киритишнинг бош шартини бўлиб ҳисобланишини, мазкур органларнинг (тор маънода) айнан шу хусусиятлари уларга нотариат ва адвокатурани киритиш имкониятини истисно этишини қайд этади.

Р.В.Нагорних²¹ эса мазкур фикрларни янада кенгайтириб, биринчидан, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш соҳасида ўзига хос давлат функцияларининг бажарилиши; иккинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика соҳасида қонунда белгиланган ҳуқуқий мажбурлов чораларини қўллаш, ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларни юритишда алоҳида процессуал тартибга риоя этилиши, айбдор шахсларни юридик жавобгарликка тортиш, бузилган ҳуқуқларнинг

тикланилиши; учинчидан, фаолиятнинг маъмурий, тезкор-қидирув, жиноят-процессуал ва жиноят-ижро каби ўзига хос йўналишларда ташкил этилиши; тўртинчидан, давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг профессионал асосда олиб борилишини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий функционал белгилари сифатида ажратиб кўрсатган.

Шунингдек, тадқиқотчилар “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасида мустаҳкамланиши лозим бўлган масалалар борасида қатор фикрларни илгари сурмоқдалар. Жумладан, А.Иркаходжаев²² қонун лойиҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқий мақомини, ҳар бир орган фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, уларнинг ваколат ва вазифалари доирасини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ бўлишини қайд этган. Айримлар (В.Н.Исаенко²³) эса, қонунда “ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти”, “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” каби тушунчаларга таъриф бериш, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг мақсади, вазифалари, унинг ҳуқуқий асослари, амалга ошириш принциплари, йўналишлари (кўринишлари), ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа давлат ва нодавлат институтлар билан ўзаро алоқа, ҳамкорлик шакллари кўрсатилиши шартлигини эътироф этадилар.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солишнинг қонунчилик асосларини ишлаб чиқишда илғор хорижий тажрибани ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, постсовет маконидаги аксарият хорижий давлатларда (Россия Федерацияси, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Украина) мазкур органлар фаолиятини тартибга солувчи ягона қонун ҳужжати мавжуд эмас. Ушбу соҳадаги муносабатлар асосан ҳар бир орган фаолиятини алоҳида қамраб олувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мувофиқлаштирилади.

Масалан, РФда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими “Полиция тўғрисида”ги, “Россия Федерацияси божхона органларида хизматни ўташ тўғрисида”-ги каби қонунлар билан тартибга солинади. Озарбайжон, Беларусь ҳамда Украинада эса “Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг давлат муҳофазаси тўғрисида”ги қонунларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, уларнинг ходимлари сифатида давлат муҳофазасига олинадиган шахслар тушунчалари ёритилган.

Шу каби, Қозоғистон Республикасининг 2011 6 январда қабул қилинган “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида”ги № 380-IV-сонли қонунни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хизматга кириш, уни ўташ, хизматни тугатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ҳуқуқий мақоми, моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимояси би-

лан боғлиқ масалаларни тартибга солади. Шу билан бирга, қонунда “ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати”, “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар”, “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари” каби тушунчаларга таъриф берилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматининг ҳуқуқий асослари, принциплари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг хизматни ўташ билан боғлиқ ҳуқуқлари, мажбуриятлари, уларга нисбатан чекловлар, жавобгарлик, ходимларни лавозимга тайинлаш, даражали ва махсус унвонлар бериш тартиби, ротацияси, иш вақти ва стажи, ходимларнинг хизматда бўлиш муддати, ходимлар фаолиятини баҳолаш, аттестациядан ўтказиш кабилар баён этилган.

Шу ўринда қайд этиш керакки, ҳар бир давлатнинг қонун чиқарувчи органи “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” тушунчасига турлича ёндашади. Жумладан, Беларусь Республикасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахслари сифатида — прокурорлар, прокуратура органларининг бошқа мансабдор шахслари, ички ишлар, давлат хавфсизлиги, молиявий тергов органлари, шунингдек жиноят-процессуал қонунчилик асосида судга қадар иш юритиш фаолияти, тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, жазони ижро этиш муассасалари, суд ижрочилари, шунингдек Ички ишлар вазирлиги ички кўшинларининг бевосита жиноятга қарши курашувчи ҳарбий хизматчилари эътироф этилган. Украинада эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга — прокуратура, полиция, хавфсизлик хизмати, Қуролли кучлар ҳарбий ҳуқуқий тартибот хизмати, Украина Миллий антикоррупция бюроси, давлат чегараларини қўриқлаш органлари, даромад ва йиғим органлари, жазони ижро этиш муассасалари ва органлари, давлат молиявий назорат, балиқчилик муҳофазаси, давлат ўрмон муҳофазаси ҳамда ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза этиш функциясини бажарувчи бошқа органлар киритилган.

Ғарб мамлакатлари, жумладан, Англия ва Уэльсда — судлар, жиноий таъқиб қилиш Қироллик хизмати, полиция, адвокатура; АҚШда — судлар, атторнейлик хизмати (прокуратура), полиция, адвокатура; Германияда — судлар, тергов органлари (полиция ва прокуратура), ҳимоячилар (адвокатлар); Францияда — судлар, дастлабки тергов органлари, суд полицияси органлари (миллий полиция ва жандармерия), прокуратура, ҳимоячилар (адвокатлар); Чехияда — судлар, прокуратура, полиция ҳамда адвокатура — асосий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари²⁴ саналади.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш борасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар билдирилади:

1. Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнига нафақат манфаатдор вазирлик ва дав-

лат идораларини, балки назариётчи олимлар, тадқиқотчилар, илмий-тадқиқот муассасаларини ҳам жалб қилиш, бунда:

— “ҳуқуқни муҳофаза қилиш” ва “ҳуқуқни ҳимоялаш” тушунчалари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини шакллантириш бўйича ягона тўхтамга келиш учун);

— ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа давлат ва нодавлат идоралар, муассасалардан фарқловчи ўзига хос хусусиятларини белгилаш мақсадида тегишли мезонлар ишлаб чиқиш;

2. “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унда:

— “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти”, “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган” ва “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари” каби тушунчаларга таъриф бериш;

— ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ҳуқуқий асослари, мақсади, вазифалари, амалга ошириш принциплари, йўналишларини кўрсатиш;

— ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими, уларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ваколат ва вазифалари доирасини қатъий белгилаш, бунда бир-бирини такрорловчи функция, ваколатларга йўл қўймастик;

— ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хизматга кириш, уни ўташ, хизматни тугатиш, ходимларнинг ҳуқуқий мақоми, моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимояси, уларнинг хизматни ўташ билан боғлиқ ҳуқуқлари, мажбуриятлари, уларга нисбатан чекловлар, жавобгарлиги, ходимлар фаолиятини баҳолаш каби масалаларни ёритиш.

Умуман олганда, Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида”ги қонуннинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши долзарб аҳамият касб этиб, у фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ, эркинликлари ва фаровон ҳаёти кафолатларини янада мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади.



¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017?sphrase_id=3713744. 22.12.2017.

² Саакян Д.О. О правоохранительной деятельности и правоохранительных органах в Российской Федерации // Вестник КГУ им. Н.А. Некрасова, 2013, № 1. – 6 С.

³ Гуценко К.Ф. Правоохранительные органы: учебник. 4-е изд. М.: КНО Рус, 2015. - С. 19.

⁴ Правоохранительные органы: учебник для вузов / под ред. В.П. Божьева. 4-е изд., перераб. и доп. М.: Юрайт, 2012. – С. 24.

⁵ Рустамбоев М.Х., Тухташева У.А. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар: дарслик. Т.: “ИЛМ ЗИЁ”, 2012. - С. 8.

⁶ Гайнетдинов А.Н. Правоохранительная система Российской Федерации, её субъекты и объекты // - https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=5559

⁷ Гайнетдинов А.Н. Правоохранительная система Российской Федерации, её субъекты и объекты // - https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=5559

⁸ Гайнетдинов А.Н. Правоохранительная система Российской Федерации, её субъекты и объекты // - https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=5559

⁹ В.Н.Исаенко. О совершенствовании законодательного обеспечения правоохранительной деятельности // -<https://cyberleninka.ru/article/n/o-sovshenstvovanii-zakonodatelnogo-obespecheniya-pravoohranitelnoy-deyatelnosti>

¹⁰ О.В.Химичева. К вопросу о субъектах правоохранительной деятельности в Российской Федерации // - <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-subektah-pravoohranitelnoy-deyatelnosti-v-rossiyskoy-federatsii>

¹¹ Судебная власть // под ред. И.Л. Петрухина. М.: ТК ВЕЛБИ, 2003. – С. 79.

¹² Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации: учебник. 9-е изд., изм. и доп. М.: Норма: Инфра-М, 2011. – С. 637.

¹³ Нагорных Р.В. Виды государственной правоохранительной службы: спорные вопросы определения // - <https://cyberleninka.ru/article/n/vidy-gosudarstvennoy-pravoohranitelnoy-sluzhby-spornye-voprosy-opredeleniya>.

¹⁴ В.А.Байдуков и др. Правоохранительные органы Российской Федерации: учебник для бакалавров / под ред. В.М.Бозрова. М.: Издательство Юрайт, 2013. – 414 С.

¹⁵ Гайнетдинов А.Н. Правоохранительная система Российской Федерации, её субъекты и объекты // - https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=5559

¹⁶ В.Н.Исаенко. О совершенствовании законодательного обеспечения правоохранительной деятельности // -<https://cyberleninka.ru/article/n/o-sovshenstvovanii-zakonodatelnogo-obespecheniya-pravoohranitelnoy-deyatelnosti>

¹⁷ Рустамбоев М.Х., Тухташева У.А. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар: дарслик. Т.: “ИЛМ ЗИЁ”, 2012. - С. 9.

¹⁸ Городецкий П.Г. Проблемы деятельности федеральной системы правоохранительных органов Российской Федерации: Дисс. ... док. юрид. наук. – Рязань.: 2002. – С. 32-43.; Саакян Д.О. О правоохранительной деятельности и правоохранительных органах в Российской Федерации // Вестник КГУ им. Н.А. Некрасова, 2013, № 1. – 6 С.

¹⁹ Гайнетдинов А.Н. Правоохранительная система Российской Федерации, её субъекты и объекты // - https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=5559

²⁰ Братко А.Г. Правоохранительная система: понятие и основные элементы содержания // Проблемы развития правоохранительных органов. – М., 1994. - С. 8-11.

²¹ Нагорных Р.В. Виды государственной правоохранительной службы: спорные вопросы определения // - <https://cyberleninka.ru/article/n/vidy-gosudarstvennoy-pravoohranitelnoy-sluzhby-spornye-voprosy-opredeleniya>.

²² Ирхонджоев А. Разработают закон “о правоохранительных органах” // - https://www.norma.uz/proekty_npa/razrabotayut_zakon_o_pravoohranitelnyh_organah.

²³ В.Н.Исаенко. О совершенствовании законодательного обеспечения правоохранительной деятельности // - <https://cyberleninka.ru/article/n/o-sovshenstvovanii-zakonodatelnogo-obespecheniya-pravoohranitelnoy-deyatelnosti>

²⁴ Правоохранительные органы: учебник. – 4-е изд., испр. и доп. / отв. ред. С.Л.Лонь - Томск.: Изд-во НТЛ, 2011. – С. 434-454.

Истам АСТАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси доценти, юридик фанлар номзоди, доцент.

ЭКСПЕРТИЗА ТЕКШИРУВИ УЧУН НАМУНАЛАР ОЛИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

- ◆ Мақолада экспертиза текшируви учун намуналар олиш далилларни тўплаш усули сифатида таҳлил қилинган ҳамда унинг криминалистик жиҳатлари ва намуна олишда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар баён қилинган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини ва намуналар олишга оид амалиётни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.
- ◆ В статье проведен анализ получения образцов для экспертного исследования в качестве метода собирания доказательств, а также изложены его криминалистические аспекты и обстоятельства, которые необходимо учитывать в получении образцов. Выдвинуты предложения и рекомендации по совершенствованию Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан и практики получения образцов.
- ◆ The article analyzes obtaining the samples for expert study as an evidence collection method, as well as its forensic aspects and circumstances that must be considered in obtaining the samples. Suggestions and recommendations for improving the Criminal Procedural Code of the Republic of Uzbekistan and the practice of obtaining samples have been proposed.

Таянч сўзлар: экспертиза, эксперт, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, текширув, экспертиза предмети, экспертиза объекти, рақамли экспертиза.

Ключевые слова: экспертиза, эксперт, получения образцов для экспертного исследования, проверка, предмет экспертизы, объект экспертизы, цифровая экспертиза.

Key words: examination, expert, obtaining the samples for expert study, verification, subject of examination, object of examination, digital examination.

Экспертиза текшируви учун намуналар олишнинг асосини намуна, яъни тадқиқот объекти ташкил қилади. Ушбу объектларнинг хусусиятини билиш ва унинг ўзгариш хусусиятлари, жиноят содир этилган жойда қаерлардан топиш лозимлигини билиш экспертиза текшируви учун намуналар олиш тизимининг сифат жиҳатдан такомилга сабаб бўлади.

Экспертиза объекти атамаси кўпқиррали бўлиб, у муҳим амалий ва назарий аҳамиятга эга. Чунончи, экспертиза тадқиқот объектлари унинг криминалистик турларини белгилаб беришда асосий омил бўлиб хизмат қилади ҳамда экспертиза тадқиқотининг муваффақиятли яқунланишига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, экспертнинг билим соҳаси қўйилган саволларни ҳал қилиш учун тадқиқот объектини ўрганиш хусусияти билан белгиланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қайд этилганидек, “объект (лот. “objectum” — “нарса”) — киши фаолияти, диққат-эътибори қаратилган ҳодиса, нарса”¹ ҳисобланади. Демак, экспертиза тадқиқоти объекти деганда, экспертиза текширувида тадқиқ этиладиган нарсалар тушунилади.

Экспертиза тадқиқот объектининг ўзига хос

жиҳати шундаки, у экспертизани тайинлаган ваколатли шахслар томонидан тақдим этилади. Ушбу масала хусусида иш материаллари ҳажми ва уларнинг экспертиза предметиға алоқадорлигини аниқлашда адабиётларда бир-бирига қарама-қарши фикрлар билдирилган. Бир қатор олимлар экспертга барча жиноят ишиға оид материаллар тақдим этилиши лозим, деган фикрни илгари сурса, бошқалари ишончсиз ва объектив бўлмаган хулосалар келиб чиқшининг олдини олиш мақсадида экспертга фақат энг зарур материалларни тақдим этиш лозим, деб ҳисоблайдилар.

Экспертиза учун тақдим қилинган тадқиқот объектларига ашёвий далиллар, ҳужжатлар, ҳайвонлар, мурдалар, уларнинг қисмлари, қиёсий тадқиқотлар учун юборилган намуналар ҳамда жиноят иши маълумотлари кирази.²

Экспертга тақдим этиладиган иш материалларини шартли равишда қуйидаги уч тоифаға бўлиш мумкин: а) ашёвий далиллар, уларнинг нусхалари аниқланган жой, уларни қайд қилиш усули ва олиниши билан боғлиқ материаллар; б) экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)ға киритилган дастлабки маълумотлар сифатидаги материаллар; в) эксперт текширувининг асосий объекти

бўлган материаллар.

Дастлабки тергов давомида ўтказилган экспертизани баҳолашда бундай материалларнинг ишончилигини, яъни уларнинг келиб чиқиш манбаи ва уларга киритилган маълумотларнинг ишончилигини аниқлаш лозим.

Шу ўринда “экспертиза предмети” ва “экспертизаси объекти” каби тушунчаларни фарқлаш жоиз. Илмий адабиётларда “экспертиза объектини ўрнатилган фактларнинг тадқиқ қилинаётган ҳолат билан боғлиқлиги ташкил қилади” дейилади³. Экспертиза жараёнида эксперт экспертиза объекти далил сифатида ишга қўшилганлигидан қатъи назар унинг процессуал-ҳуқуқий табиатини эмас, балки, идентификация, диагностика қилинишини ва бошқа моддий объектларнинг муносабатини тадқиқ қилади⁴. Объектнинг процессуал-ҳуқуқий табиатини, шу билан бирга, эксперт ҳулосасини ҳам тадқиқ қилиш экспертнинг эмас, балки тергов (суд) органининг функцияси ҳисобланади⁵.

Ашъвий далил ҳисобланган предмет ва ҳужжатлар турли мутахассисликдаги экспертлар тадқиқотининг объекти бўлиши мумкин. Масалан, бухгалтерия ҳужжати ҳақиқийлигига шубҳа туғилса, у бухгалтерия экспертизаси ва айна дамда ҳуснихат экспертизасининг объекти бўлиши мумкин. Бунда экспертиза объектини тадқиқ қилишдан мақсад махсус билимлардан ва усуллардан фойдаланиб ахборот олиш ҳисобланади. Демак, экспертиза объектини ўрганиш натижасида экспертиза предмети оид ҳолатлар аниқланади. Экспертиза предмети шакллантирувчи фактлар тадқиқотнинг мақсади ва натижаси бўлса, объект хусусияти шу фактларни англаш воситаси ҳисобланади. Айна дамда экспертиза тадқиқоти объектнинг нафақат моддий, балки руҳий ҳолати ҳам бўлиши мумкинлигини тушуниш янада тўғрироқ бўларди. Экспертиза объектнинг моҳиятини очиб беришда унинг таснифи муҳим аҳамият касб этади. Экспертиза объектини таснифлаш ҳам назарий, ҳам амалий асосларда кўриб чиқиши мумкин. Биринчи ҳолатда объектга тегишли тушунчаларни таснифлаш ҳақида сўз борса, иккинчи ҳолатда объектнинг ўзини таснифлаш кўзда тутилади.

Юқоридагилар билан бир қаторда экспертиза объектларини уч гуруҳга ажратиш мумкин: асосий объект (жиноят ҳодисаси билан боғлиқ ашъвий далиллар), қиёсий материаллар (қиёсий тадқиқот учун олинган намуналар), маълумот берувчи материаллар (экспертиза предмети тегишли ахборот тусидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи нарсалар бўлиб, улар экспертиза учун маълумотлар манбаси бўлиб хизмат қилади, уларга процессуал ҳужжатлар, хусусан сўроқ баённомаси, олиб қўйиш, тинтув ҳужжатлари киради)⁶.

М.Н. Ростовнинг фикрича, суд-тергов амалиётида экспертиза тадқиқоти объектлари умумий, турдош, аниқ ва бевосита каби турларга бўлинади⁷. Биз ҳам экспертиза объектини шу тарзда тас-

нифлашни таклиф этган муаллифлар фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда уларга қисқача тўхталиб ўтсак:

1) умумий объект — барча маълумот манбалари ҳисобланган тушунчалар бўлиб, унга “моддий дунё объектлари (ашёлари) кириб, улар махсус билимларга асосланган ҳолда экспертга фактларни ўрнатишга хизмат қилади”;

2) турдош объект — ўзининг хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, маълумот ташувчи категория бўлиб, маълум бир гуруҳни ифодаловчи тушунчалардан иборат бўлади. Турдош объект “маълум бир гуруҳ нарсалар ҳақида маълумот берувчи ва уларни маълум бир гуруҳларга бирлаштирувчи объектдир”; Ю.К.Орлов ва В.М.Галкинлар эса, “бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ нарсаларни умумий хусусиятга эга бўлганларини умумлаштирувчи ва бошқа моддий ашёлардан ажратишга хизмат қилувчи объектдир”, деб таъриф беради;

3) аниқ объект — маълум бир жиноят ҳолати юзасидан экспертга юборилган маълумот ташувчи манба. Аниқ предмет бу экспертга юборилган ва терговчи экспертиза тайинлаши орқали юборган ва ҳулоса чиқарилиши лозим бўлган ашё ҳисобланади. Бу мавҳум тушунча эмас, балки далилий аҳамиятга эга бўлган ашё аниқ объектга киришини тушунишимиз лозим;

4) бевосита объект — аниқ объектнинг бир қисми бўлиб, у эксперт олдида қўйилган саволларда акс этган бўлади. Экспертиза тадқиқоти жараёнида тадқиқ қилинаётган объект бунга мисол бўла олади.

Шу ҳолат орқали биргина предмет бир неча объектларни турларга бўлишга хизмат қилиши мумкин. Масалан, қоғоз пулни экспертиза қилишда, криминалист унда бармоқ излари борлигини аниқлаши, кимё соҳаси эксперти ундаги ранглар таркибини текшириши мумкин, демакки турдош объект буларни умумлаштириб турган бир пайтда бевосита объект уларни ҳар бирининг ўзига хос жиҳатларини акс эттиришга ва фарқлашга ёрдам беради.

Экспертиза тадқиқоти объекти яна процессуал шакл жаҳатидан ҳам фарқланади. Мазкур мезон асосида таснифлашда шакл экспертиза объектларининг барча турларига дахлдор бўлади. Улар биринчидан, процессуал табиатига кўра, экспертиза объекти ва ашъвий табиатига кўра турларга бўлинади. Процессуал табиатга эга объектга тергов ва суд тергови жараёнида аниқланган процессуал ҳолатлар, яъни ўзидан ўзи кўриниб турган ашёлар эмас, балки экспертиза натижасида аниқланган ҳолатлар (дактилоскопик, трассологик излар) кирса, ашъвий табиатга эга объектга аниқ жиноят содир этилган жойда мавжуд бўлган ва жиноятга дахлдор эканлигига шубҳа бўлмаган объектлар киради. ЖПКнинг 175-моддасига кўра, ашъвий далиллар эксперт текшируви учун наму-

налар, бошқа моддий объектлар, мурдалар ва уларнинг қисмлари, ҳужжатлар, шунингдек экспертиза ўтказилаётган иш материаллари текшириш объектлари бўлиши мумкин.

Фикримизча, Жиноят-процессуал кодексининг “Текшириш объектлари” деб номланган идентификация объектларини ёритишга хизмат қилувчи 175-моддаси электрон маълумотларни назарда тутгани, аммо амалиётда у ҳам текшириш объекти бўлганлиги боис унга қуйидаги мазмунда ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

“Ашёвий далиллар, эксперт текшируви учун намуналар, бошқа моддий объектлар, мурдалар ва уларнинг қисмлари, ҳужжатлар, электрон маълумотлар, шунингдек, экспертиза ўтказилаётган иш материаллари текшириш объектлари бўлиши мумкин. Эксперт текширувлари тирик одамга нисбатан ҳам ўтказилади”.

А.И.Михаелевичнинг фикрича, электрон маълумот ташувчи воситалар далил сифатида баҳолаши мумкин.⁸ Аммо ушбу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди, чунки воситанинг ўзи далил эмас, у маълумот, яъни далил ташувчи ашё ҳисобланади. Унинг ичидаги маълумот эса жиноят ҳақида маълумот берувчи далил ҳисобланади. Шу сабабли ЖПКнинг 175-моддасига берилган тақлифда айнан электрон маълумот текшириш объекти эканлиги баён қилинди.

Процессуал табиатга эга бўлган объектлар доирасига фақатгина тергов ва суд терговини амалга ошириш натижасида аниқланган объектларга дахлдор бўлган қуйидаги турдаги объектлар киради: 1) экспертиза натижасида топилган, аниқланган, қайта тикланган ашёвий далиллар (дактилоскопик, трассологик, баллистик ва бошқалар); 2) жиноят ишига алоқадор ҳужжатлар (суд-бухгалтерлик, ёнғин-техник, қурилиш экспертиза); 3) тирик инсонларни текшириш орқали аниқланадиган далиллар (суд-тиббий, суд-психиатрик, суд-психологик экспертизаларда) ушбу шахслар доирасига гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни киритишимиз мумкин; 4) муайян процессуал мақомга эга бўлмаган объект, уларга мурдани, процессуал тартибда жиноят ишида бириктирилмаган воқеа жойини киритишимиз мумкин.

Экспертиза томонидан ҳал этиладиган масалаларнинг катта қисми шахсни (инсонни), жониворларни, ўсимликларни, предметларни, материалларни ва улардан ясалган буюмларни, ҳолатларни, воқеаларни улардан қолган излар бўйича аниқлаш билан боғлиқ⁹.

Эксперт томонидан текшириладиган объектлар жумласига ашёвий далиллар ва эксперт текшируви учун олинган намуналар, экспертиза орқали далилий аҳамияти аниқланадиган бошқа моддий объектлар, тирик одамнинг бадани, руҳий ҳолати, мурда, ҳужжатлар кириши мумкин¹⁰.

Юқоридагилар асосида экспертиза тадқиқот

объектларининг асосийлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак:

1) Излар — жиноятни фош этишда асосий далил бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган, содир этилган жиноятга алоқадор бўлган излар бир неча турларга бўлинади:

— қўл излари — уларга биринчи навбатда бармоқ излари, кафт излари киради. Бармоқ изларининг энг аҳамиятли томони шундаки, улар орқали жиноятчининг жинси, ёши, қон гуруҳи, улардаги камчиликлар ва умуман жиноятчи ҳақида кўплаб маълумотлар олиш имконияти вужудга келади. Бармоқ излари орқали жиноятчи шахсини аниқлаш мумкин бўлиб, улар ичида энг муҳими, айбланувчини идентификация қилишдир. Бармоқ излари амалда вақтга чидамли бўлиб, улар бир неча дақиқадан ўн йилгача сақланиши мумкин¹¹;

— оёқ излари — уларни “одатий” деб номлашади, чунки улар тозаллиги, олиниши, ўрганилиши жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Ҳозирда уларни камдан-кам ҳолларда олишмоқда. Уртача 50 ҳолатдан бирида, ғарб давлатларида эса, бу кўрсаткич янада кўпроқ бўлиб, жиноятлар айнан оёқ изларини аниқлаш орқали фош этилмоқда. Гарчанд бу юқори натижа бўлмаса-да, жиноятни очишга ёрдамлашувчи, баъзида эса, жиноятни фош этишда муҳим йўлланмалар берувчи усул сифатида эътибордан четда қолмаслиги лозим. Оёқ изларини топиш манбаи хилма-хил бўлиб, уларни одатда чанг босган, қор, қум билан қопланган жойларда, қолаверса, қоғозда, шишада, уй деворларида, жабрланувчининг кийимида ва баданида ҳам топиш мумкин. Кўпчилик мутахассислар томонидан оёқ изларини топиш учун жиноятчи тахминий кирган ёки чиққан жойларни қидириш тақлиф қилинади. Оёқ изларини олишнинг қийинлиги тўғри, лекин жиноят изи, жиноятчи ҳақида оз бўлса-да хабар берадиган маълумот бўла туриб, уларга аҳамият бермаслик бу ўз вазифасига лоқайдликка сабаб бўлади. Чунки кўп ҳолларда жиноятчидан фақат оёқ изларигина қолиши мумкин. Бошқа излар каби, оёқ изларини ҳам мутахассис олгани маъқул, чунки бу ишлар юқори малака, тажриба ва билимни талаб қилади;

— тиш ва тирноқ излари — айрим ҳолларда жиноят жойида турли объектларда, чунончи, маҳсулотлар, тамаки, папирус ва инсон баданида тиш излари топилиши мумкин. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда аниқланадиган барча изларнинг фоизи тиш изларига тўғри келади. Жиноят содир бўлган жойда топилган тиш излари кўздан кечирилади, ўлчанади, расмга олинади, кўздан кечириш баённомасига илова қилинади. Суд-тиббиёт экспертизасининг суд стоматологияси бўлими мавжуд бўлиб, шу экспертизанинг тайинланиши жиноятчи тишларининг ўзига хослиги, протезлар қопламаси ва изларни идентификация қилишга яроқли эканлигини аниқлашга ёрдам беради. Айрим ҳолларда мурда бўйнида тирноқ из-

лари ҳам топилиши мумкин. Назарий жиҳатдан олиб қараганда, буларни ҳам идентификация қилиш мумкин, лекин амалиётда бундай ҳолатлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Шунга қарамай, ҳеч нарса терговчининг назаридан четда қолмаслиги даркор. Чунки, бу ҳолат жабрланувчининг қандай қилиб ўлдирилганлиги ҳақида муҳим маълумотлар бериши мумкин;

— бошқа излар — жиноятчи ҳодиса жойида кўплаб хилма-хил (лаб, тирсак, кийим) изларни қолдириши мумкин. Бир ҳолатда ҳаттоки, ёстикда жиноятчи кипригининг қолгани жиноятчини ушлашга ёрдам берган. Воқеа жойида баъзи ҳолларда портфель излари ва бошқа жиноятчига тегишли бўлган нарсаларнинг изларини топиш мумкин. Бу излар фанда “йўлдош излар” деб аталади.

2) Суюқликлар ва биологик ажратмалар — улар ҳам ўз навбатида бир неча турларга бўлинади:

— қон — жиноят содир этилган жойда қон изларини топиш ҳам мумкин. Бундай изларни, айниса, шахвоний мотивларда одам ўлдириш жиноятида кўп учратиш мумкин. Хусусан, шахвоний мотивларда содир этиладиган қотилликларнинг 60 фоизда фақатгина мурда ва қон излари маълум бўлади. Қон изларини жабрланувчининг баданида, кийимида, қолаверса, жиноят содир этилган жойда топиш мумкин, чунки қон излари ёки микро излар қизиқ рангли нарсаларда, паркет оралигида қолиши ва бунини жиноятчи кўрмай қолиб, йўқотишга улгурмаслиги мумкин. Қон излари вақтга чидамли бўлади, бу изларни бир неча йилдан кейин ҳам бузилмаган ҳолда топиш мумкин. Қон излари вақт ўтиши билан қора ва тўқ жигарранг тусга киради, шу боис уларни ультрабинафша нурлар, люминол, бензин билан аралаштириб аниқлаш мумкин. Яқунловчи хулосага суд-биологик экспертиза ўтказиш орқали келинади. Кўпгина ҳолларда жиноятчи жабрланувчига ҳужум қилганда ва улар ўртасида кураш кетганда ўзига ҳам жароҳат етказилиши мумкин. Натижада бу қон излари жиноятчи шахсини аниқлашда катта аҳамият касб этади. Агар жабрланувчининг баданида кўплаб жароҳатлар мавжуд бўлгани ҳолда, мурда ётган жойда қон излари оз бўлса, бу мурда кўчирилганидан далолат беради. Суд-биологик экспертизаси орқали эса, жиноятчи қон изларининг мавжудлиги, унинг қон гуруҳи, жинси каби маълумотлар аниқланади;

— шаҳват — жинсий жиноятларда бундай излар жабрланувчи баданида ва кийимларида қолиши мумкинлигини инобатга олиш керак. Булар суд-биологик экспертизаси хулосаларига кўра аниқланади. Бу изларнинг жабрланувчи баданида мавжудлиги кўп ҳолларда жиноят шахвоний мотивларда содир этилганлигидан далолат беради. Ультрабинафша нурлардан фойдаланиш топилиши кийин бўлган изларни аниқлашга ёрдам беради. Бундай излар серияли жиноятларнинг айнан бир шахс томонидан содир этилганини исботлашда ҳам

аҳамиятлидир;

— сўлак ва тери ажратмалари — кам ахборот берувчи манбалар қаторига киради. Сўлак изларини сигаретада, папирусда учратиш мумкин. Баъзи ҳолларда бу излар сўлак эгасининг жинсини, келиб чиқилишини аниқлаш имконини беради. Ҳатто бармоқ изларини идентификация қилиб бўлмаса-да, инсон терисидан чиққан суюқлик орқали ўша шахсининг жинсини, қон гуруҳини аниқлаш мумкин;

— соч — айрим жиноятларда соч толалари топилиши мумкин, чунки инсон 1 кунда 100 тагача соч толасини йўқотади. Бу соч толалари қаршилик кўрсатиш, ўзини ўзи ҳимоя қилиш, ўзаро кураш ҳолатларида ҳам тушиб қолиши мумкин. Соч толалари кўпинча мурда яқинида, унинг баданида, кийимида қолган бўлади. Кейинчалик сочнинг кимга тегишли эканлиги, унинг ранги, шакли, оқ тушган-тушмагани, унинг эгаси касал ё касал эмаслигини аниқлаш мумкин. Сочнинг топилиши албатта, суд-биологик экспертизасини ўтказиш орқали жиноятчининг сочи қандай тузилишда (жингалак ёки тўғри) эканлиги, ранги, қандай касалликка чалингани (бифуркация, трихонодос, трихопсилос) аниқланиши мумкин ва энг муҳими, бу соч толалари идентификация жараёнига ҳам ёрдам беради. Суд-биологик экспертизасида экспертлар олдида таҳминан қуйидаги саволлар қўйилиши мақсадга мувофиқ: ўрганишга берилган толанинг инсонга тегишли эканлигини аниқлаш; унинг қандай соч гуруҳига тегишлилиги; ушбу соч толаси қайси жинс вакилига тегишли эканлиги; унинг ҳудудий келиб чиқилиши; сочда термик таъсирлар мавжудлигини аниқлаш ва ҳ.к.

3) Микрообъектлар — мураккаб жиноятларда, профессионал жиноятчилар томонидан содир этилган жиноятларда жиноят тўғрисида хабар берувчи асосий маълумотларни микрообъектлардан олиш мумкин бўлади. Улар қоида тариқасида жиноят содир бўлган жойда жабрланувчи баданида мавжуд бўлади ва жиноятчи уларни тўлиқ йўқотиш имкониятига эга бўлмаган бўлиши эҳтимоли юқори бўлади. Уларни топиш, ўрганиш орқали жиноят ва жиноятчи шахси ҳақида муҳим маълумотлар олиш мумкин. Микрообъектларнинг турлари кўп: бу шиша, металл заррачалари, қум доналари ва бошқалар бўлиши мумкин. Микрообъектлар одатда ташқи муҳитга чидамли бўлади. Микрообъектлар мавжуд деб фараз қилинган нарсалар тўлиқлигича олинади.

4) Мурда — мурда шахси ҳақида энг яхши маълумотни суд-тиббий экспертизаси беради. Суд-тиббий экспертизаси жабрланувчида бўлган патологиялар, ўз бошидан ўтказган касалликлар, жарроҳлик операциялари ва бошқа терговга аҳамиятли маълумотлар бериши мумкин. Экспертларнинг имкониятлари кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Масалан, ҳозирда суд тиббиёти ва криминалистикага оид адабиётларда одамнинг бош ча-

ноғига қараб юзини тиклаш имкониятлари мавжуд. Бу усулдан фойдаланиш орқали бир неча жиноятлар очилган. Лекин бу соҳани биладиган мутахассислар жуда кам. Криминалистик диагностика экспертизаси ҳам бу борада муҳим ахборот бериши мумкин. Унинг объектига жабрланувчининг кийими, оёқ кийими, тирноқ остидаги микрообъектлар кириши мумкин. Буларга яна мурдада топилган ҳар хил нарсалар ва воқеа жойида топилган ашёлар ҳам кириши мумкин.

5) Инсон — бунда инсон танаси билан бир қаторда руҳий ҳолати ҳам тадқиқ қилиниши мумкин бўлиб, бу экспертиза айрим жиноятларни очишда ҳамда жиноятчи шахсининг ақли расолигини белгилашда асосий ўринни эгаллайди.

6) Ҳужжатлар — асосан иқтисодий жиноятларда ва ҳужжатларни, пул, қимматбаҳо қоғоз, акциз маркаси ва ш.к.ларни сохталаштириш билан боғлиқ жиноятларда экспертиза объекти бўлиб хизмат қилади. Бундай вазиятларда ҳужжатлар асосан жиноят предмети ёки жиноят содир этиш усулининг таркибий қисми сифатида жиноятни фош этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

7) Табиат объектлари — бугунги кунда суд-тупроқшунослик, суд-экология, суд-ер экспертизаси каби экспертиза турлари экологик жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

8) Электрон маълумотлар — кибернетик экспертиза, рақамли экспертизалар ҳар хил турдаги жиноятларни очишда қўлланилиши мумкин саналади.

Экспертиза текшируви учун намуналарни топиш ва олиш жараёнини икки турдаги (портлашдан кейинги кўздан кечириш ва намуналар олиш, рақамли экспертиза учун намуналар олиш) намуна олиш тури мисолида кўриш мумкин саналади.

Портлашдан кейинги кўздан кечиришда намуналар олиш. Экспертиза текшируви учун намуналар олиш жараёнида муҳим босқичлардан бири бу унга тайёргарлик кўриш жараёни ҳисобланади. Тайёргарлик кўриш жараёнида биринчи навбатдаги вазифа олинган намуналарни сақлаш, айрим ҳолатларда ҳаракатдаги лаборатория автоуловларда тадқиқ этиш имкониятини берадиган транспорт воситаларини тайёрлаб қўйиш муҳим саналади.¹²

Тайёргарлик босқичида намуналар олиш жараёнида эҳтиёж сезилиши мумкин бўлган воситалар рўйхатини тузиш, ҳамма воситалардан захирага ҳам олиш, химоя воситаларидан олиш, бирламчи криминалистик воситаларни таёрлаш, ушбу соҳа мутахассиси билан алоқа қилиб туриш учун тегишли воситаларни олиш талаб қилинади.

Намуналар олиш жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар: кийим, шахсий таркиб, алоқа воситалари, ёритгичлар, портловчи воситадан химояланиш мумкин бўлган жой, овқатланиш воситалари, тиббий ёрдам воситалари,

жиноят жойининг хавфсиз эканлигини текшириш, техник воситалар, махсус портлаш воситаларини кўздан кечириш имкониятини берувчи воситалар саналади.

Портлатилган жойни намуналар олиш мақсадида кўздан кечириш жараёнида шахсий таркибнинг функциялари: гуруҳ раҳбари, фотограф, жиноят жойини схематик тасвирловчи, топилган далилий ашёларни рўйхатга олувчи шахс, далилий ашёларни-намуналарни олувчи мутахассис, экспертлар.

Суратга олувчи намуналарни: жиноят жойини турғун ҳолатда, яъни жиноят содир этилгандан кейин воситалар жойи ўзгартирилмасдан суратга олиши, умумий, ўрта, катталаштирилган, масштаб-ли линейка ёрдамида суратга олиши, муҳим далилий ашёларни деталли суратга олиш, суратларни рўйхатга олиш журналини суратга олиши талаб қилинади.

Жиноят жойини схематик тасвирловчи мутахассис: жиноят жойини схематик тасвирлайди, жиноят жойини белгилаб қўяди, ашёвий далиллар топилган жойларни белгилайди, тегишли ўлчовларни тасвирлайди, схема-режага маъмурий маълумотларни яъни жиноят иши рақами, компасдан шимолий йўналишни киритади. Диаграмма-схематик тасвирда жиноят содир этилган жойнинг кичрайтирилган нусхаси тузилиб, ҳамма ашёлар номланиб, рақамланиб чиқилади.

Ашёвий далилларни олувчи мутахассис: ашёвий далилларни топади, тўплайди, уларни олишдан олдин турғун ҳолатида суратга олади, ҳар бир ашёвий далилларга белгилар қўйиб, уларнинг олиниш муддатини қўйиб чиқади.

Эксперт: ашёвий далиллар орасидан тадқиқ қилиниши мумкин бўлганларини, муҳимларини алоҳида ажратиб, уларнинг маркасини, ишлаб чиқилганлик муддатини аниқлайди, қандай мутахассислар далиллар ҳақида маълумот бериши мумкинлигини белгилайди.

Экспертиза текшируви учун намуналар олишда ташкил қилинган кўздан кечириш жараёнининг 12 босқичи мавжуд: тайёргарлик, ҳодиса содир бўлган жойга келиш, жиноят содир этилган жойни химоялаш ва чегаралаш воситаларини қўллаш, дастлабки кўздан кечиришни бошлаш, жиноят жойини ёзма тасвирлаш чораларини кўриш, жиноят жойини суратга олиш, жиноят жойининг схематик тасвирини тайёрлаш, ашёвий далилларни тўплаш ва белгилаш чораларини кўриш, яқунловчи кўздан кечириш, жиноят жойини бўшатиш.

Экспертиза текшируви учун намуналар олиниши учун кўздан кечиришнинг бир қатор усуллари-дан фойдаланилади: ёнма-ён туриб ашёвий далилларни биргаликда қидириш, секторли кўздан кечириш, квадратли кўздан кечириш, спиралли кўздан кечириш.

Ашёвий далилларни тўплаш ва рўйхатга олиш тартиби: ашёвий далиллар суратга олиниб, схе-

матик тасвирда улар топилган жой белгиланади, ашёвий далилларни рўйхатга олиш журналини тўлдириш, ашёвий далилларни сақловчи масъулни белгилаш, ашёвий далиллар солинган ўрамларни муҳрлаш ва унда ашёга оид маълумотларни ёзиш. Ашёвий далиллар ўрам қилинган контейнерда муҳрланганига, бармоқ излари ва ДНК намуналарининг усти ёпилган бўлишига эътибор қаратилиши керак.

Ўрамлар (упаковкалар)да эътибор берилиши лозим бўлган ҳолатлар.

Қоғоз ўрам: биологик материалларни сақлаш учун ишлатилади, аммо бармоқ изларига зарар етказиши мумкин.

Полиэтилен ўрам: биологик материаллар таркибини бузиши мумкин.

Иссиқликни сақловчи герметик пакетлар: кўпгина ашёвий далилларни солишга тўғри келади ҳамда уни елимлашга эҳтиёжи бўлмайди.

Картон қутилар: катта ҳажмдаги ашёвий далилларни сақлаш учун мўлжалланган бўлади.

Пластик қутилар ёки фотоплёнка контейнери: ер қумини олиш мумкин.

Бўёқ қутиси: портловчи воситадан қолган қолдиқлар солиниши мумкин.

Антистатик пакет: рақамли маълумот ташувчилар, портловчи восита компонентларини сақлаш учун ишлатилади.

Биологик хавфли материал: биологик хавфли деб ўрамида маркировка қилинади.

Портловчи восита ишлатилган ёки ёнган уюштирилганда қўлланилган воситалар: цилиндрсимон контейнерда, шишали банкаларга солинади.

Гиёҳванд воситалар ўрамланишидан олдин ўлчаниши ва турига қараб алоҳида ўрамланиши лозим.

Пул қимматликлари эса аввал саналиши ва кейин ўрамланиши лозим.

Умумий ҳолатда ҳар ашёвий далил солинган ўрам тегишли белгили восита билан муҳрланиши талаб қилинади.

Ашёвий далиллар топилган жойида ўрамланиши талаб қилинади ва тегишли тартибда маркировкаланади. Маркировкада (ўрам устига) жиноят иши рақами, сана, ашё рақами, ашё топилган жой, намуналар олишни ўтказувчи икки шахснинг маълумотлари ёзилади.

Ашёвий далилларни рўйхатга олиш журналида ашёвий далил баёни, у топилган жой, ким томонидан топилганлиги, ашёвий далилнинг индивидуал рақамига оид маълумотлар киритилади. Ушбу маълумотлар ўрамдаги маълумотлар билан бир хил бўлиши талаб қилинади ҳамда уларнинг бир хиллиги текширилади.

Шу ҳаракатлардан сўнг якуний кўздан кечириш ўтказилиб, барча ашёвий далилар экспертизага юборилади.

Рақамли экспертиза текшируви учун намуна олиш жараёни. Бугунги кунда электрон далиллар-

ни ва улардан жиноят ишларини юритишда фойдаланишнинг жиноят процессуал ва криминалистик жиҳатларини ўрганиш билан чегараланиб қолмасдан, уни фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказган ҳолда ўрганиш талаб қилинади.¹³

Электрон маълумотларни далил сифатида ўрганишнинг криминалистикадаги йўналиши компьютер криминалистикаси деб номланиб, у иккита мақсадни ўз ичига олади: 1) маълумот қидирув техник воситаларда маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш усулларини таҳлил қилиш ва тадқиқ қилиш; 2) маълумот қидирув техник воситаларидаги маълумотни топиш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари тактикасини ишлаб чиқишни назарда тутати.¹⁴ Криминалистика ушбу йўналишининг муҳим институтларидан бири рақамли экспертиза ҳисобланади.

Рақамли экспертиза ривожланган хорижий мамлакатларда кенг тарқалган жиноятларни очишда қўлланиладиган экспертиза тури ҳисобланади. Масалан, Жанубий Кореяда экспертиза текшируви учун 2013 йилда 1 223 та 2014 йилда 1 439, 2015 йилда 1 949, 2016 йилда 2 155 та, 2017 йилда 1.658 та маълумот сақловчи воситалар тинтув қилиниб, мусодара қилинган. 2015-2017 йилларда 9-11 минггача ашёвий далиллар таҳлил қилинган.¹⁵

С.Ю.Скобелиннинг фикрича, электрон қурилмалар (телефонлар, смартфонлар, компьютерлар, рақамли фотоаппаратлар, видеорежистраторлар, тўлов тизимлари)дан жиноятларни содир этиш мақсадида фойдаланилмоқда. Ушбу воситалардан фойдаланишда амалга оширилган ҳаракатлар кетма-кетлиги уларни ишлатган шахснинг ўзи буни англамаган ҳолда техник воситада сақланиши мумкин.¹⁶ Рақамли экспертизанинг объекти ҳам шу воситаларда сақланадиган маълумотлар саналади.

Ўзбекистон Республикаси учун эндиликда жорий қилиш жараёнида бўлган экспертиза тури ҳисобланади. Бу экспертиза маълумот ташувчилар, компьютер, флешка, хард, телефон ва бошқа воситалардаги ўчирилган ёки яширилган маълумотларни топиш имкониятини беради.

Ушбу экспертиза учун намуна сифатида шу маълумот сақловчи воситанинг ўзи ёки унинг маълумотлар хотираси олиниши талаб қилинади. Агарда восита ёқиб юборилган ёки синдирилган бўлса, унинг муомаладан чиққан деталлари алмаштирилиши ва тадқиқот учун юборилиши талаб қилинади.

Маълумотларни олиш усулларининг ижобий ва салбий жиҳатлари қуйидагилардир:

— маълумотларни танлаб олиш усули: ишга минимум халақит беради, маълумотлар аниқлиги чекланган бўлади;

— қаттиқ дискдан тўлиқлигича нусха олиш (копировать): ҳақиқий маълумотга тўғри келади, ишончли маълумот, катта вақт сарфланишига олиб келади;

— қаттиқ диск олиниши: далиллар йўқотиб юборилишининг олди олинади, компаниянинг иши тўхтаб қолиши мумкин деган хавотир борлиги.

Маълумотлар базасидан экспертиза текшируви учун намуналар олиш учун:

1. Сервер компьютер, яъни шахсий бўлмаган умумий компьютер, умумий объектни сақловчи, мақсадига кўра веб-сервер, иловалар сервери, БД сервер, электрон почта ва бошқалардан ташкил топган компьютер аниқланади;

2. Сервер компьютер тинтув қилинади ва олиб қўйилади. Асосан, ўчирилган маълумотларни тўлиқ тиклаш имкониятининг чекланганлиги сабабли; маълумотлар танлов асосида олинади.

3. Сервер жисмонан олиш — хакерлик ҳужумлари бўлганда ёки маълумотларни ўчириб юборишади деган тахмин бўлганда.

Рақамли экспертиза объектига интернет ҳам киришини инobatга олиб унда: турли жинойи гуруҳлар ўртасида маълумотлар; жинойи тажриба алмашиш; жабрланувчиларни, жиноят қуролини қидириш; жинойи йўл билан топилган даромадни сотиш, жиноят содир этган ва уни ташкил қилган шахслар ўртасида пул-тўловларини амалга оши-

риш; тизимли маълумот алмашинувидаги ҳаракатлар кетма-кетлигини тадқиқ қилиш мумкин.¹⁷

E-mailни тинтув қилиш ёки олиб қўйиш жараёни интернет портални топиш, компанияни текшириш учун рухсат олиш, электрон почта орқали амалга оширилади ҳамда сервер терговчи томонидан олиб қўйилади.

Рақамли экспертиза текшируви учун намуналар 7 турга бўлинади: 1- файл, 2- почта, 3- электрон ҳисоблар, 4- бухгалтерлик ҳисоботлари, 5-ҳисоботлар маълумоти, 6- мобиль маълумотлар, 7-Қўнғироқлар ҳақидаги маълумотлар, 8- алоқалар картаси, 9- вақтинча қатор, 10- GIS.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда фан-техника шиддат билан ривожланиб бораётганлиги, ўз навбатида унинг ютуқларидан жиноят ишларини юритишда фойдаланиш имониятларини ошироқда, натижада жиноят ишлари бўйича экспертиза объекти борган сайин хилма-хиллашиб, кўлами эса кенгайиб бормоқда. Ҳозирда муқаддам экспертиза объекти бўла олмаган қатор моддалар жиноят ишлари бўйича экспертиза объекти сифатида тадқиқ этилмоқда ва жиноятчини фош этишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.



¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. Т.2. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.77.

² Смирнова С.А. Судебная экспертиза на рубеже XXI века. Состояние, развитие, проблемы. 2-е издание, переработанное и дополненное. – СПб.: Питер, 2004. – С 659.

³ Аверьянова Т.В. Интеграция и дифференциация научных знаний как источники и основы новых методов судебной экспертизы. – М.: Академия МВД России, 1994. – С.85.

⁴ Кирсанов З.И. Функции эксперта и специалиста в установлении обстоятельств уго-ловного дела // Информационный бюллетень Академия управления МВД России. – Москва, 1998. – № 6. – С.5.

⁵ Винберг А.И. Теория доказательств в уголовном процес-се. – М.: Госюриздат, 1973. – С. 648-649; Мирский Д.Я. Ростов М.Н. Понятие объекта судебной экспертизы // Сб. науч. трудов. по теме “Теоретические и методологические во-просы судебной экспертизы”. – М.: ВНИИСЭ, 1984. – С.30.

⁶ Аверьянова Т.В. Джаводов Ф.М. К вопросу о субъектах и объектах экспертного исследования. – М.: НОРМА, 1998. – С. 50.

⁷ Ростов М.Н. О содержании понятий, обозначаемые терминами «объект (экс-пертизы, экспертного исследования)», «качество», «свойство» и «признак» // Методология судебной экспертизы. Сб. науч. статей. – М.: ВНИИСЭ, 1986. – С. 42.

⁸ А.И.Михаелевич. Электронные доказательства в криминалистике: актуальные проблемы и возможные пути решений // Российский следователь. № 17. 2014. – С. 4.

⁹ Отахўжаев С.А. Эксперт хулосасининг далилий аҳамияти // Эксперт хулосаларининг далилий моҳияти: Республика идораларо илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2010. – Б. 3.

¹⁰ Файзиев Ш.Ф. Суриштирув ишини ташкил этиш. Дарслик / Проф. М.Х. Рустамбаевнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДҶОИ, 2010. – Б. 176-177.

¹¹ Пайзуллаев Қ.П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДҶОИ, 2009. – Б. 71.

¹² Расследования по факту взрыва. Учебно-методическое пособие ФБР. США. 2005. - С 3.

¹³ Вехов В.Б. Работа с электронными доказательствами в условиях изменившегося уголовно-процессуального законодательства // Российский следователь. № 10.2013. - С. 22-24.

¹⁴ Михалеви А.И. Электронные доказательства в криминалистике: актуальные проблемы и возможные пути решений // Российский следователь. № 17.2014. - С. 5.

¹⁵ Capacity Building for Forensic Science (CIS). Korea International Cooperation Agency (KOICA). 2018. P 78.

¹⁶ Использование специальных знаний при работе с электронными следами // Российский следователь. № 20. 2014. – С. 31.

¹⁷ Алябьев А.А. Лагуточкин А.В. Проблемы осуществления оперативно-розыскных мероприятий в информационном пространстве сети интернет // Проблемы правоохранительной деятельности. 2013. № 1. С. 66.

А.ҲАМИДОВ

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш кафедраси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

◆ Мақолада бола ҳуқуқларининг ҳимоясига оид халқаро нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги аҳамияти ҳамда мамлакатда вояга етмаганларнинг моддий таъминоти билан боғлиқ суд қарорларини ижро қилишнинг айрим хусусиятлари, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

◆ В этой статье обсуждается важность международных норм по защите прав детей в законодательстве Республики Узбекистан и особенности исполнения судебных решений по материальному обеспечению несовершеннолетних в стране. Предлагается рекомендации по совершенствованию законодательства в этой сфере.

◆ This article discusses the importance international norms on defense of children's rights in the legislation of the Republic of Uzbekistan and certain peculiarities of execution of court decisions in terms of materialistic provision of the juveniles in the country. Recommendations on the improvements of the legislation in the sphere are provided.

Таянч сўзлар: инсон ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимоя, либераллаштириш, алимент, ижро варақаси, ижро иши юритуви.

Ключевые слова: права человека, права ребенка, социальная защита, либерализация, алимент, исполнительный лист, исполнительная производства.

Key words: human rights, children's rights, social protection, liberalization, alimony, writ of execution, execution case.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг бола ҳуқуқларини кафолатлашга доир нормалари ва уларнинг мазмун-моҳияти.

Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос кадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва тинчлик асоси эканлиги Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилда яъни, инсоният учун жуда катта талофатли кечган Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё халқлари ўртасида тинчлик-тотувликни таъминлашнинг бош қомуси ҳисобланган — «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг қабул қилиниши энг муҳим омиллардан бири саналади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон учун инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ҳамда давлат манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда ички ва ташқи сиёсатни демократик принциплар асосида олиб бориш энг устувор йўналишлар сифатида белгиланди.

Декларацияда она ва бола ҳуқуқларининг ҳимояси тўғрисида қуйидаги «Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъи назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак»¹ каби тахрирдаги норманинг мустаҳкамланганлиги БМТ томонидан жамиятнинг ушбу қатлами алоҳида муҳофазага лойиқ эканлигидан далолат беради.

БМТнинг бош қомусида белгилаб қўйилган мазкур норма авваламбор, ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий муносабатдан кўра, инсониятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, яъни вояга етмаган ёки унга ғамхўрлик қилаётган онанинг манфаати устун эканини таъкидлайди.

БМТга аъзо давлатлар ўз миллий қонунчилигини шакллантиришда даставвал мазкур нормага қатъий риоя қилишлари, ўзлари қабул қиладиган барча қонун ҳужжатларида ушбу принцип асосий ўрин тутиши ҳамда унга асосланишлари лозим. Хусусан, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингани Бош қомусимиз «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» нормаларига асослангани-

ни кўрсатади.

Конституциямизда ота-она ҳамда фарзанд ҳуқуқларининг кафолати ҳамда уларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилган нормалар «Оила» деб номланган 14-бобда мужассамлашган бўлиб, мазкур бобда халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда миллий қадриятларимиз уйғунлашган.

«Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.»²

«Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.»³

Ушбу конституциявий нормалар юқорида таъкидлаганимиздек, миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқларининг кафолати бўлиб, улар кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг бешинчи ва олтинчи бўлимларида батафсил баён этилган ва мустаҳкамланган.

Республикамизда мустақилик йилларида бир қатор давлатнинг ижтимоий дастурларида назарда тутилган чора-тадбирларда ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратиш борилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва маърифий ишлар тизими тўлиқ шакллантирилган.

Шунингдек, болаликни муҳофаза қилиш, ўсмирларни ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатларини таъминлаш ҳар бир фуқаро, жамият ва давлатнинг ҳар бир бўғинининг устувор вазифаларидан бири саналади.

Бола ҳуқуқларининг ҳимоясига оид халқаро нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги аҳамияти.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов “Бизнинг пировард мақсадимиз — инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат”⁴, — деб таъкидлаган.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциясига қўшилганлиги, мамлакатимизда бола ҳуқуқларига оид давлат сиёсатининг тамал тоши қўйилганлигидан далолат беради.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари миллий қонунчиликда давлат ва жамият

ҳаётининг барча жабҳаларида болалар манфаатлари ва фаровонлигининг устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Бола ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг кафолати, яъни мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус тузилган бўлинмалар каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилган ва улар фаол ишламоқда.

Парламентимиз томонидан 2008 йилда бола ҳуқуқларининг кафолатлари билан боғлиқ бир қатор халқаро ҳужжатларнинг ратификация қилиниши миллий қонунчилигимизда мазкур ижтимоий қатламнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир илдам қадам бўлди.

Жумладан, ХМТнинг «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги, «Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва тугатишга доир шошилиш чоралар тўғрисида»ги конвенциялари, БМТнинг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида»ги протоколи, «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протокол», «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болаларнинг қуроли можароларда иштирокига тааллуқли факультатив протокол»нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиниши бола (ёшлар) ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир қатор қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари қабул қилинишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги), “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнида вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга нисбатан жазо қўллаш принципларига алоҳида эътибор билан ёндашилди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси дастлаб вояга етмаганларга нисбатан жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш жазо чоралари назарда тутилган эди. Кейинчалик ушбу жиноий жазолар либераллаштирилиб, қамоқ жазоси олиб ташланди ва уларга нисбатан енгилроқ бўлган мажбурий жамоат ишлари, озодликни чеклаш каби жазолар қўлланилиши белгиланди.

Шу билан бирга, вояга етмаганларга нисбатан уларни жиноий жазо ёки жавобгарликдан озод қилиш шarti билан учта мажбурлов чоралари, яъни суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш, ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш ва вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш чоралари амалиётга киритилди.

Жумладан, Жиноят кодексининг 85-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидан “а” бандларининг чиқариб ташланиши, яъни вояга етмаганлар томонидан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслиги, уларга нисбатан жазони ўташ муассасаси сифатида умумий ёки кучайтирилган колониялар тарбия колонияларига ўзгартириш, 87-модда иккинчи қисмидаги «уч йилдан кўп бўлмаган муддат» сўзлари «беш йилдан кўп бўлмаган муддат» сўзлари билан алмаштирилиши соҳага оид қонунчилик мунтазам равишда либераллаштирилиб борилаётганининг далилидир.

Шу ўринда, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ — 3723-сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси тасдиқланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Концепциянинг асосий мақсади жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлиб, бунда вояга етмаганларга нисбатан ҳуқуқни қўллашда:

— жиноят қонунчилигининг, айниқса, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи маротаба содир этган, шунингдек, аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бўлган вояга етмаганларга нисбатан янада инсонпарварлигини таъминлаш;

— жиноят процессига жалб этилган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш-

ни таъминлашга қаратилган жиноий-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш;

— вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган жиноят-процессуал нормаларни такомиллаштириш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларни профилактика қилиш ва олдини олиш бўйича чораларни кучайтириш назарда тутилади.

Ҳозирда давлат раҳбарининг ушбу қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича Идоралараро комиссия томонидан концепцияда белгиланган йўналишлар асосида ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаганларга нисбатан жазо қўллаш масалалари доимо қонунчилигимиз диққат эътиборида бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикаси судлари ва бошқа ваколатли органларининг вояга етмаганлар моддий таъминоти билан боғлиқ қарорларини ижро қилишнинг айрим хусусиятлари.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, алимент фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан тайинланиши, нотариуслар томонидан алиментлар тўлаш тўғрисидаги келишувлар тасдиқланиши ва мажбурий ижрога қаратилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддасига кўра, алимент ундируви билан боғлиқ ижро ҳужжатлари даврий тўловларни ундириш турига киради ва бу борада суд ҳужжатлари бўйича ижро ҳужжатлари тўловларни ундиришнинг белгиланган бутун даврида ўз кучини сақлаб қолади. Бундай тартиб алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувларга нисбатан ҳам амал қилади. Айнан шу жиҳатига кўра, ушбу турдаги ижро ҳужжатларини ижрога қаратиш тартиби бошқа турдаги ижро ҳужжатларини ижрога қаратиш тартибидан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 449-моддасида суд томонидан ижро варақасини юбориш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра жиноят натижасида етказилган зарар, алимент, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик ўрнини қоплаш каби бир нечта ҳолатлар бўйича қабул қилинган қарорлари асосидаги ижро варақаларини суд ўз ташаббусига кўра ижро варақасини ижро этиш учун юбориши, давлат фойдасига мулкый ундирувлар бўйича ижро варақаси ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг уч иш куни ичида суд томонидан қарздорнинг жойлашган еридаги дав-

лат ижрочисига юборилиши назарда тутилган.

Ушбу моддадан кўриниб турибдики, алимент ундирувлари жисмоний шахслар фойдасига бўлганлиги сабабли ушбу турдаги ишлар бўйича ижро варақалари давлат ижрочисига эмас, балки ундирувчига берилади.

Шунингдек, Оила кодексининг 131-моддасига мувофиқ алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши ва ушбу келишув ижро варақаси кучига эга бўлиши белгилаб қўйилган.

Мазкур ҳолатда ҳам алимент тўлаш тўғрисидаги келишувлар мажбурий ижрога қаратилмасдан ундирувчига берилади.

Ваҳоланки, ФПКнинг 266-моддасига мувофиқ, суднинг алиментлар ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилиши лозим бўлган қарор ҳисобланиб, дарҳол ижрога қаратилиши лозим.

Аксарият ҳолларда ижро варақалари ундирувчилар томонидан ўз вақтида, яъни ижро ҳужжати олан пайтда мажбурий ижро этиш учун қарздор яшайдиган жойдаги давлат ижрочисига топширмасдан орадан бир неча йиллар ўтганидан кейин давлат ижрочисига мурожаат қилиши кузатилади.

Давлат ижрочисининг ушбу ижро ҳужжати бўйича алиментни мажбурий тартибда ундиришга қаратилган барча (маъмурий ва жиноий) процессуал ҳаракатларига қарамасдан аксарият ҳолларда алимент миқдори қарздорнинг иқтисодий ҳолатига нисбатан анча катта миқдорни ташкил этгани сабабли аксарият ҳолатларда ундирилмай қолаётгани, бунинг оқибатида эса вояга етмаганнинг манфаатларига зиён етказилаётган ҳолатлари мавжуд.

Шу муносабат билан, ушбу турдаги ишлар судда кўриб чиқилганидан кейин ижро варақасини бериш тартибига ўзгартириш киритиш, яъни ФПКнинг 449-моддасининг 2-қисмида давлат фойдасига мулк ундирувлар каби алимент ундириш тўғрисидаги ижро варақасини ҳам суд томонидан мажбурий тартибда қарздорнинг жойлашган еридаги давлат ижрочисига юборилиши назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу амалиётнинг жорий қилиниши ФПКнинг 266-моддаси таъсирчанлиги, хусусан, дарҳол ижро этилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

2018 йилнинг 9 январь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

ва Жиноят кодексларига ўзгартиришлар киритилгани мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари тобора янада мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 99-моддасининг иккинчи қисми ўзгартирилиб, ҳар бир бола учун ундирилаётган алимент миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаган миқдорида ундирилиши қатъий белгиланди. *(Ушбу модданинг эски таҳририда, ҳар бир бола учун ундирилаётган алимент миқдори энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак эди)*

Ушбу кодекснинг 135-моддаси, яъни алиментни ихтиёрий тўлаш тартиби янги, учинчи қисм билан тўлдирилиб, вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар бола вояга етгунига қадар бўлган давр учун, шу жумладан кўчмас ёки кўчар мулк ёхуд бошқа қимматли ашёни бериш йўли билан олдиндан тўланиши мумкинлиги белгиланди.

Оила кодексининг 145-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдирилиб, алиментлар олдиндан тўланган ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномаси тузилган бўлса, шахс алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиш мажбуриятидан озод этилиши, ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши белгиланди.

2018 йил 6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 808-сон Қарори билан “Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Алиментни олдиндан тўлаш амалиёти қарздорларнинг муайян синфи учун бир қатор қулайликлар яратиши мумкин. Бунда, асосан қарздорнинг четга чиқиш ҳуқуқининг чекланмаслиги, мол-мулки ёки бошқа даромадларининг эркин ҳаракати таъминланиши ва ҳоказолар назарда тутилади.

Бироқ, айти пайтда ушбу амалиёт вояга етмаганлар моддий таъминотининг барқарорлигига муайян даражада хавф солиши мумкин.

Бунга, алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларини ижро қилиш жараёнида амалиётда кўплаб дуч келинадиган ҳолатлар сифатида мисол учун фарзандининг таъминоти учун алимент олаётган айрим ундирувчи (она)лар қарздордан ундирилаётган алимент пулларини ўз даромад манбаига айлантиргани, кўп ҳолатларда эса белгиланган алимент миқдорига фарзандининг эҳтиёжига нисбатан эмас, ўз шахсий эҳтиёжига нисбатан баҳо берган ҳолда суд қарорини такрор ва такрор муҳокама қилиши одатий ҳолга айланиб қолган.

Ушбу тоифадаги алимент ундирувчилари қарздор томонидан бир йўла олдиндан тўланадиган алимент пулларини муайян давр *(бир-икки йил)* ичида мақсадсиз, яъни ўз эҳтиёжлари йўлида сарфлаши, вояга етмаганнинг кейинги *(вояга етгунга қадар бўлган даврда)* молиявий таъминотидан маҳрум қилиши мумкин.

Баён этилганларга кўра, келажакда вояга етмаганлар манфаатларини янада ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида алиментни олдиндан тўлаш амалиёти бўйича қуйидаги тартибларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, олдиндан тўланадиган алимент пули ундирувчига эмас, вояга етмаган фарзанднинг номига очиладиган банкдаги махсус ҳисоб рақамига омонат сифатида тўлаш.

иккинчидан, олдиндан тўланадиган алимент миқдори ҳамда унинг узоқ муддатли (энг камида беш йил) омонат тури экани, бундан авваламбор банк манфаатдор эканини инобатга олган ҳолда Марказий банкка қуйидаги мажбуриятларни юклаш:

— ҳисоб рақамига қўйиладиган омонат учун банк манфаати (фойдаси)ни ҳисобга олган ҳолда максимал даражадаги йиллик фоизлар белгилаш;

— омонатга қўйилган маблағнинг йиллик фоизини ҳар ой якуни бўйича тегишли миқдорда ундирувчига берилишини таъминлаш;

— бола 18 ёшга етгунга қадар, омонатни йиллик инфляция даражасига мутаносиб равишда индексация қилиб бориш ва у 18 ёшга тўлганидан кейин, биринчи талаби биланоқ омонат суммасини унинг шахсан ўзига *(қонунда белгиланган тартибда унинг васий ёки ҳомийсига)* тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

учинчидан, бола 18 ёшга етгунга қадар вафот этган тақдирда омонатга қўйилган маблағнинг кейинги тақдирини қонунчилик билан тартибга солиш.

Ушбу таклифларимизнинг амалга оширилиши келгусида вояга етмаганларнинг моддий манфаатдорлиги давлат томонидан янада ҳимояланиши ҳамда у вояга етганида ўзининг таъминоти учун тўланган алимент пулларини ўзи тасарруф этиш имконини беради.



¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 1948 й. 25-модда 2-қисми.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992 й. 64-модда.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992 й. 65-модда.

⁴ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. - Т.: Ўзбекистон, 2000, -Б.28.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

– матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

– келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

– матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

– мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

– ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.

Мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: proacademy@prokuratura.uz



Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси»:

– статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;

– исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;

– достоверность и корректность приводимой в статье информации;

– к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;

– представление статьи на узбекском и русском языках;

– статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;

– объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;

– на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний или служебный адрес, телефоны автора;

– ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языках.

Статьи направлять по адресу: proacademy@prokuratura.uz

